

Xalq davlat idoralariga emas, davlat idoralari
xalqimizga xizmat qilishi kerak.

Shavkat MIRZIYOYEV

DEMOKRATLASHTIRISH VA INSON HUQUQLARI

4(100) — 2023

■ DEMOCRATIZATION AND HUMAN RIGHTS

■ ДЕМОКРАТИЗАЦИЯ И ПРАВА ЧЕЛОВЕКА

Ilmiy-ma'rifiy jurnal – Scientific and educational journal – Научно-просветительский журнал



8
DEKABR

**O'zbekiston Respublikasi
Konstitutsiyasi qabul qilingan kun**



Doi Journal 10.34920/p1696-2206-6326-y

ISSN: 2181-6409

HUMAN RIGHTS 75

LET'S ADVANCE
ON THE PROMISE OF
FREEDOM, EQUALITY
AND JUSTICE FOR ALL

UNIVERSAL
DECLARATION
OF
HUMAN RIGHTS

UNITED NATIONS
HUMAN RIGHTS
OFFICE OF THE HIGH COMMISSIONER

1 Equality

Everyone is born **free** and **equal in dignity** and with rights.



2 Freedom from Discrimination

You should never be discriminated against for any reason.



3 Life, Liberty and Security

Everyone has the right to life, liberty and personal security.



4 Freedom from Slavery

No-one shall be held in slavery or servitude.



5 Freedom from Torture

No-one shall be subjected to torture or to cruel or degrading treatment.



6 Recognition as Person Before Law

You have the right to be treated as a person in the eyes of the law.



7 Equality Before the Law

You have the right to be treated by the law in the same way as everyone else



8 Remedy by Tribunal

You have the right to remedy by competent tribunal.



9 Freedom from arbitrary arrest

No-one shall be subject to arbitrary arrest, detention or exile.



10 Fair Public Hearing

You have the right to a fair public hearing.



11 Innocent until Proven Guilty

You have the right to be considered innocent until proven guilty.



12 Privacy

No-one has the right to interfere with your privacy, family, or home.



13 Freedom of Movement

You have the right to freedom of movement in and out of the country.



14 Asylum

You have the right to seek asylum in other countries from persecution.



15 Nationality

You have the right to a nationality.



16 Marriage and Family

You have the right to marriage and to raise a family.



17 Property

You have the right to own property.



18 Freedom of Belief

You have the right to freedom of belief and religion.



19 Freedom of Opinion

You have the right to freedom of opinion and expression.



20 Freedom of Assembly

You have the right to freedom of peaceful assembly and association.



21 Take Part in Government

You have the right to take part in the government of your country.



22 Social Security

You have the right to social security.



23 Work

You have the right to desirable work and to join trade unions.



24 Rest and Leisure

You have the right to rest and leisure.



25 Adequate Living Standard

You have the right to a decent life, including food, clothing, housing, and medical care.



26 Education

You have the right to education



27 Participate in Cultural Life

You have the right to Participate in the Cultural Life of Community.



28 Social Order

You have the Right to a Social Order that Articulates this Document.



29 Mutual Responsibility

We all have a responsibility to the people around us and should protect their rights and freedoms.



30 Freedom from State or Personal Interference

There is nothing in this declaration that justifies any person or country taking away the rights to which we are all entitled.

DEMOKRATLASHTIRISH VA INSON HUQUQLARI

Doi Journal 10.34920/p1696-2206-6326-y

4 (100) – 2023

ILMIY-MA'RIFIY JURNAL

Tahrir kengashi raisi:

Akmal SAIDOV

Bosh muharrir:

Erkin ERNAZAROV

Xalqaro tahrir kengashi a'zolari:

Tanzila NORBOYEVA
(O'zbekiston)

Qudratilla RAFIQOV
(O'zbekiston)

Aslan ABASHIDZE
(Rossiya Federatsiyasi)

Yoh MATSUO
(Yaponiya)

Uilyam BATLER
(AQSH)

Tadeush BODIO
(Polsha)

Reyn MULLERSON
(Estoniya)

Tatyana MOSKALKOVA
(Rossiya Federatsiyasi)

Sergey UDARSEV
(Qozog'iston)

Taliya XABRIYEVA
(Rossiya Federatsiyasi)

Tahrir hay'ati a'zolari:

Mirzatillo TILLABAYEV – yuridik
fanlar doktori, professor.

Xalim BOBOYEV – yuridik fanlar
doktori, professor, O'zbekiston
Respublikasi fan arbobi.

Omon OQYULOV – yuridik fanlar
doktori, professor, O'zbekistonda
xizmat ko'rsatgan yurist.

Asqar G'AFUROV – yuridik fanlar
doktori, dotsent.

Muzaffar MAMASIDDIQOV –
yuridik fanlar doktori, professor.

Yelizaveta KUTIBAYEVA – yuridik
fanlar doktori, professor.

Murodjon TURG'UNOV – yuridik
fanlar doktori.

Bosh muharrir o'rinbosari:

Azizbek RAMAZONOV

Mas'ul kotib:

Azamat JUMANIYAZOV

TAHRIR HAY'ATIDAN

Inson huquq va erkinliklarini ta'minlash – oliy maqsad 2

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI KONSTITUTSIYASINING 31 YILLIGI

Bahodir Umurzoqov. Konstitutsiya – ijtimoiy yo'naltirilgan
davlatimizning adolatli poydevoridir 4

Shokirjon Sheraliyev. O'zbekistonda inson huquqlarini
ta'minlashda adliya organlarining o'rni 8

Haydarali Yunusov. Murojaat qilish huquqining konstitutsiyaviy asoslari:
qiyosiy-huquqiy tahlil 13

INSON HUQUQLARI UMUMJAHON DEKLARATSIYASINING 75 YILLIGI

Jo'raboy Toshqulov, Baxromjon Ortiqov. Inson huquqlari
umumjahon deklaratsiyasida belgilangan ta'lim olish huquqiga
doir normalarning islom davlatlari konstitutsiyalarida ifodalanishi 22

O'tkirbek Ochilov. O'zbekistonda inson huquqlari sohasida
fundamental va amaliy ilmiy tadqiqotlarning rivojlanishi 32

Folker Tyurk. Inson huquqlariga oid tamoyillarni ilgari surishda
yoshlarni qo'llab-quvvatlash zarur 40

Matilda Bogner: "O'zbekistonning inson huquqlari sohasidagi
faoliyatini yuqori baholaymiz" (intervyu) 41

JAMIYAT VA HUQUQ

Ma'rufjon Tajiboyev. Sud qarorini chiqarishda sudyaning
xolisligini ta'minlash muammolari 44

Hakim To'xtayev. Aksiologik tamoyillarning Renessans davrlaridagi
o'ziga xos xususiyatlari 51

Sayyora Saidova. Yevropada siyosat va din o'rtasidagi munosabatlar tarixi ... 57

NAZM GULSHANI

Ziyoviddin Mansur. Konstitutsiyam sha'niga 61

KITOB – TAFAKKUR XAZINASI

Xudoyor Mamatov. O'tmish va bugunni bog'lovchi ko'prik 63

Nosir Toirov. Yangi ma'rifiy epopeya chop etildi 67

ANJUMANLAR. TADBIRLAR. TAQDIMOTLAR 69

MUASSIS:



INSON HUQUQLARI
BO'YICHA O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY MARKAZI

HAMMUASSISLAR:



O'ZBEKISTON
KASABA UYUSHMALARI
FEDERATSIYASI



OLYI MAJLISNING
INSON HUQUQLARI
BO'YICHA VAKILI
(OMBUDSMAN)

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИДАН

ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ — ОЛИЙ МАҚСАД

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли изчил ислохотларда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш энг олий устувор вазифа сифатида белгиланган. Бу янги таҳрирдаги Конституциямизда ўзининг ёрқин ифодасини топган. Асосий қонунимизда давлат қурилишининг янги стратегик мақсади – ижтимоий давлат барпо этиш белгилаб берилгани эътиборга моликдир.

Давлатимиз раҳбари Ш. М. Мирзиёев таъкидлаганидек, “Конституциямиз лойиҳасини муҳокама қилишдан бошлаб то уни қабул қилгунча бўлган даврда ўтказилган умумхалқ муҳокамаларида миллионлаб юртдошларимиз фаол иштирок этдилар. Шу нуқтаи назардан қараганда, янгиланган Конституциямизнинг чинакам муаллифи халқимиз бўлди, деб айтишга барча асосларимиз бор. Энг муҳими, энди ислохотларимиз йўлидан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз, “инсон – жамият – давлат” деган янги тизим асосида фақат ва фақат олдинга қараб борамиз”¹.

Янгиланган Конституциямиз инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг мутлақо янги механизмларини назарда тутувчи қонуний асосларни мустаҳкамлашга йўналтирилган. Унинг муқаддимасидаёқ инсон ҳуқуқ ва эркинликларига, миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга содиқлик, демократия, тенглик, ижтимоий адолат ва бирдамлик ғояларига садоқат, инсон ҳаёти, шаъни, кадр-қиммати олий қадрият ҳисобланиши муҳрлаб қўйилган. Шу билан бирга Асосий қонунимизнинг аввалги “давлат – жамият – инсон” тамойили “инсон – жамият – давлат” деб ўзгартирилгани, яъни энг аввало инсон манфаатлари устун қўйилгани халқимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамлабгина қолмасдан, уларнинг амалга оширилиши кафолатларини ҳам таъминлай-

ди. Янгиланган Конституциямизда инсон ҳуқуқларига тааллуқли конституциявий нормалар 3 баробардан ортиқ кўпайди ва 50 дан ортиқ моддани ташкил этди.

Қомусимизда инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари бевосита амал қилиши, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг моҳияти ва мазмуни белгилаб қўйилганлиги ҳам аҳамиятлидир. Хусусан, янги таҳрирдаги Конституцияни сўзсиз ва тўлиқ амалга ошириш барча даражадаги давлат органлари ҳамда ташкилотларининг биринчи навбатдаги устувор вазифаси этиб белгиланди².

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг мавжуд шакллари ҳамда воситаларини тўлдирди, фуқаролик жамиятини ривожлантиришга ва инсон ҳуқуқлари маданиятини юксалтиришга кўмаклашади. Давлат инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолиятини ташкил этиш учун шарт-шароитлар яратади.

Шу билан бирга қонунчиликда ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатлаб қўйилди. Шахснинг бузилган ҳуқуқ ва эркинларини тиклаш масаласи унинг ҳаётида ўта муҳим ўрин тутганлиги сабабли, судлар томонидан чиқарилган қарорларни апелляция, кассация ёки назорат тартибида қайта қўриб чиқиш институтлари жорий этилди.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий таълим дастури қабул қилинган. Ушбу дастур доирасида таълим тизимида “Инсон ҳуқуқлари”,

¹ Янгиланган Конституцияни ҳаётга жорий этиш бўйича чора-тадбирлар муҳокама қилинди // <https://president.uz/uz/lists/view/6275>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони // <https://president.uz/uz/lists/view/6287>.

“Аёллар ҳуқуқлари”, “Бола ҳуқуқлари” ва мигрантлар ҳуқуқлари бўйича ўқув ҳамда махсус курслар ташкил қилинмоқда, шунингдек мазкур йўналишларга доир туркум қўлланма ва рисоалар чоп этилмоқда. Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим олиш бўйича электрон платформа ҳам ишга туширилган.

Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг аъзоси сифатида фаоллик кўрсатиб, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари ҳамда инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича махсус маърузачилар билан яқин ҳамкорлик қилади. Инсон ҳуқуқларига оид халқаро стандартларни амалга ошириш, айниқса, аёллар, болалар, ёшлар ва ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда ижтимоий адолат тамойилларига конституциявий мақом берилган. Шунингдек, хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш, қийноққа солишнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизмнинг қонуний асосларини шакллантириш, мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига барҳам бериш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгашининг ёшлар ва болалар ҳуқуқлари бўйича учта резолюцияси қабул қилинди, халқаро ҳамкорлар билан биргаликда ёшлар ҳуқуқларига бағишланган 4 та халқаро форум ташкил этилди.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги

таълимни янада такомиллаштириш, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегияси ижросини таъминлаш, шунингдек, Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастурининг тўртинчи босқичида белгиланган вазифаларни самарали ва ўз вақтида амалга ошириш чоралари кўрилмоқда. Бу инсон ҳуқуқлари бўйича таълимни янада ривожлантиришга, аҳолининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳуқуқий саводхонлигини, давлат хизматчиларининг инсон ҳуқуқлари ва гендер тенглик бўйича билим ҳамда кўникмаларини оширишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 75 йиллиги ҳам кенг нишонланмоқда. Бу санага бағишланган тадбирларда давлат ташкилотлари ва муассасалари, жамоатчилик бирлашмалари, оммавий ахборот воситалари вакиллари фаол иштирок этмоқда. 2023 йилдан бошлаб ҳар йили 1 – 10 декабрь кунлари мамлакатимизда “Инсон ҳуқуқлари” ўн кунлигини эълон қилиш ҳамда барча умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим муассасаларида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинган кунга бағишланган умуммиллий дарслар ўтказиш Президент фармонида белгилаб қўйилди³.

2023 йил 23 октябрь куни Тошкент шаҳрида ўтказилган “Ёшлар ҳуқуқлари: имкониятлар ва ҳимоя қилиш механизмлари” мавзусидаги халқаро форум ҳам Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 75 йиллигига бағишланди.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 75 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 13.05.2023 й., 06/23/70/0275-сон.

КОНСТИТУЦИЯ — ИЖТИМОЙ ЙЎНАЛТИРИЛГАН ДАВЛАТИМИЗNING АДОЛАТЛИ ПОЙДЕВОРИДИР

Doi: 10.34920/ DHR.2023.3.026



Баҳодир УМУРЗОҚОВ,
Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни
қисқартириш ва бандлик вазири
маслаҳатчиси, иқтисодиёт фанлари
доктори, профессор

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, жамиятда қонун устуворлиги ҳамда ижтимоий адолат тамойилларини мустаҳкамлаш — халқимиз учун фаровон ва муносиб турмуш шароитини яратиш беришга қаратилган кенг қўламли демократик ислохотларнинг бош мезонидир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг ихтисослаштирилган муассасалари, Жаҳон банки каби нуфузли халқаро ташкилотлар ҳамда илғор хорижий давлатлар томонидан аҳолининг иш билан бандлигига самарали қўмаклашиш, ишсизлик ҳамда камбағаллик даражасини қисқартириш бўйича мунтазам равишда чора-тадбирлар амалга оширилади. Мутахассисларнинг таҳлиллари шуни тасдиқлайдики, ижтимоий соҳада самарали натижаларга эришиш учун давлат асосий ташаббускор бўлиши ва ҳукумат ушбу йўналишдаги фаолиятни қўллаб-қувватлаши талаб этилади.

Шу нуқтаи назардан, мамлакатимизда ижтимоий соҳани қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг энг асосий йўналишларидан бири бўлиб, бу янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам белгиланган.

Асосий қонунимизнинг 1-моддасида қайд этилганидек, **“Ўзбекистон — бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат”¹**.

“Ижтимоий давлат” тушунчасига давлатимиз раҳбари қуйидагича таъриф берадилар: **“Ижтимоий давлат бу, энг аввало, инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш учун тенг имкониятлар, одамлар муносиб ҳаёт кечиришига зарур шароитлар яратиш, камбағалликни қисқартириш, демакдир”²**.

Давлатимизнинг ижтимоий соҳадаги фаолиятида самарали натижаларга эришиш, ихчам бошқарув тизими асосида камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини ошириш, маҳаллабай ишлаш ҳамда фуқароларни тадбиркорлик соҳаларига жалб қилишга комплекс ёндашиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони³ билан **Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги** ташкил этилганини эътироф этиш зарур.

Бу орқали камбағалликни қисқартиришнинг энг асосий механизми — аҳолини касбга ўқитиб, даромадли иш билан таъминлаш бўйича аввал тарқоқ ҳолда иш юритган **маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, профилактика инспектори, хотин-қизлар ва**

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. — Т.: “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази, 2023. — 4-б.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси // 20.12.2022 / <https://president.uz/uz/lists/view/5774>.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони // 21.12.2022 / <https://lex.uz/docs/6324756>.

ёшлар фаоллари, бандлик ҳамда ижтимоий хизмат ходимлари ягона тизимда фаолият олиб бориши таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 43-моддасида белгиланган нормалар Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги фаолиятининг асосий йўналишларига ҳамоҳанг экани диққатга сазовор. Унга мувофиқ, **“Давлат фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, уларни ишсизликдан ҳимоя қилиш, шунингдек камбағалликни қисқартириш чораларини кўради. Давлат фуқароларнинг касбий тайёргарлигини ва қайта тайёрланишини ташкил этади ҳамда рағбатлантиради”**.

Асосий қонунимизда белгиланган ижтимоий соҳага оид нормалар ижросини таъминлаш, хусусан, камбағалликни қисқартириш борасида сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилган чора-тадбирларга эътибор қаратсак.

Биринчидан, 2022 йилдан бошлаб давлатимизда аҳолининг минимал ижтимоий стандартлари ва камбағаллик чегарасининг қонуний талаблари белгиланди.

Соҳа мутахассислари ва халқаро жамғармалар ҳисоб-китобларига кўра 2022 йил мобайнида мамлакатимизда аҳоли жон бошига минимал истеъмол харажатлари қиймати 498 минг сўмни ташкил этди. Ушбу шаклланган молиявий мезондан келиб чиққан ҳолда республикада илк бор камбағаллик даражаси 17 фоизни ташкил этди деб, ошқора эълон қилинди.

Амалга оширилган ишлар натижасида ушбу кўрсаткич 14,1 фоизгача қисқарди. 2023 йилда камбағаллик даражасини 12 фоизгача қисқартириш кўзда тутилган.

Иккинчидан, 2022 йилдан бошлаб мамлакатимизда камбағалликни қисқартиришнинг мутлақо янги тизими – маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича **ҳоким ёрдамчилари** фаолияти йўлга қўйилди.

Ҳоким ёрдамчилари ўзларига бириктирилган маҳаллада уйма-уй юриб, камбағал ва кам даромадли, ижтимоий кўмакка муҳтож аҳолини касб-хунарга ўқитиш, бўш иш ўринларига жалб қилиш, уларга тадбиркорлик фаолиятини бошлашлари учун етарли миқдорда субсидия ва кредитлар олиб бериш борасида фаоллик кўрсатишмоқда.

Шунингдек, ҳоким ёрдамчилари аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида иш берувчи ва тадбиркорлик субъектлари билан самарали ҳамкорлик қилишмоқда. Улар кўмагида 1,9 миллион аҳолининг

доимий ва мавсумий бандлиги таъминланиб, бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 1,5 бараварга оширилди. Жумладан, 295 минг нафар ишсиз фуқаролар бўш иш ўринларига жойлаштиришга кўмаклашилди.

Ишга жойлаштирилганларнинг 56 фоизи тадбиркорлик субъектларига, 44 фоизи давлат секторидаги ташкилотларга тўғри келади.

Шу билан бирга, 46 минг нафар ишсизга тадбиркорлик, касаначилик, ҳунармандчилик фаолиятини йўлга қўйиш учун 203 миллиард сўм субсидия ажратилди. Ҳоким ёрдамчилари тавсияси билан 2023 йилда 363 мингга яқин лойиҳага 7,6 триллион сўм кредит ажратилди.

Маҳаллаларда инвестиция дастурига кирмаган 20,2 мингга яқин микролойиҳалар амалга оширилиб, бунинг натижасида 77,9 минг иш ўрни ташкил этилди.

Аҳолига узоқ муддатли ижара асосида деҳқончилик билан шуғулланишлари учун ер майдонларининг ажратилиши оилаларнинг даромади ошишига хизмат қилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида 238 минг нафар кишига деҳқончилик учун 89,1 минг гектар ер майдони ижара асосида ажратилди, шунингдек, 2022-2023 йилларда ажратилган ер майдонларининг 139 минг гектари (84 фоизи) самарали фойдаланилиши юзасидан мониторинг қилинди.

Учинчидан, инсон капиталини ривожлантириш, яъни **аҳолини касб-хунарга ва тадбиркорликка ўқитиш** орқали камбағалликка қарши курашишга катта эътибор қаратилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида 129 минг нафар ишсиз фуқаро касб-хунарга ва тадбиркорлик бўйича ўқитилди, ҳозирга қадар мазкур ўқув курсларини тамомлаган ишсизларнинг 55 минг нафари муносиб иш ўринларига жойлаштирилди.

Бу борада барча мавжуд мономарказларнинг қувватларидан келиб чиқиб, малакали мутахассисларни тайёрлаш ўқув дастурлари замонавий ва юқори даромадли касблар билан бойитилди. Қуёш панеллари электриги, шамол электр мосламаларини эксплуатация қилиш техниги, электрон автомобилларни таъмирлаш бўйича техник, лифтсоз каби мутахассисликлар шулар жумласидандир.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар оператив бошқарувга, ижтимоий соҳада муҳим чора-тадбирларни амалга оширишга имкон беради.

Жумладан, “Касаначиликни янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги

Президент қарори⁴ кишлоқларда касаначилик асосида рўзгор тебратаётганларга қатта қўмак бўлди. Рақамларга юзлансак, йил бошида касаначилар 34 минг нафарни ташкил этган бўлса, ҳозирга келиб, уларнинг сони 216 минг нафарга етди. Шунингдек, 175 дан ортиқ тадбиркорлик субъектларига ишга қабул қилинган 2120 нафар касаначиликнинг асбоб-ускуна харажатларини қоплаш учун 8,3 миллиард сўм маблағ ажратилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан аҳоли бандлигини таъминлаш орқали камбағалликни қисқартиришнинг янги йўналишлари белгилаб берилмоқда. Фикримизнинг далили сифатида яна бир муҳим ҳужжат – 2023 йил 12 июнда қабул қилинган **“Камбағалликни қисқартиришда тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”**ги Президент фармони⁵ келтириш мумкин.

Фармонда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ҳамда Савдо-саноат палатасининг **“20 минг тадбиркор – 500 минг малакали мутахассис”** дастурини амалга ошириш тўғрисидаги таклифи маъқулланди. Дастурда тадбиркорлик субъектлари уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари акс эттирилган “ҳамкорлик шартномалари” асосида ихтиёрий равишда иштирок этиши белгиланди.

Дастурни амалга ошириш учун 2023-2024 йилларда жами 1 миллиард АҚШ доллари миқдоридан кредит линияси очилди. Кредит линияси маблағлари дастурга киритилган тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи тижорат банкларининг мурожаатига асосан ажратилади. Кредит линияси маблағлари тижорат банклари 10 йил муддатга, шу жумладан 3 йиллик имтиёзли давр билан 10 фоизли ставкада берилади.

Кредит линияси маблағлари ҳисобидан тижорат банклари томонидан кредитлар (шу жумладан, ажратилган кредитларнинг сўндирилган қисми ҳисобидан) дастурга киритилган тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини (молия соҳасини ривожлан-

тириш бўйича лойиҳалар бундан мустасно) амалга ошириш учун 7 йилгача муддатга 14 фоизли ставкада ажратилади.

Ҳозиргача дастурда иштирок этиш истагини билдирган 5 200 дан ортиқ салоҳиятли тадбиркорлар билан ҳамкорлик шартномалари тузилди. Бу орқали 315 минг аҳолини иш билан банд қилиш имкони вужудга келди. Жорий йил якунига қадар 500 мингта янги иш ўринлари яратиш бўйича ҳамкорлик шартномаларини тузиш жараёнлари якунига етказилади.

Худудларда ҳозирга қадар 452 та корхона томонидан 40 мингта ўқув ўрнига эга амалий мономарказлар ташкил этиш бўйича манзилли дастурлар ишлаб чиқилиб, ҳокимликлар томонидан тасдиқланди.

Шунингдек, ҳозирда ҳар бир вилоятда камбағаллик даражаси юқори бўлган биттадан, жами 14 та туманни комплекс ривожлантириш ва камбағалликдан чиқариш бўйича дастурни амалга оширишга оид Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

Бу бўйича Япония ва Хитой тажрибаси асосида 14 та (*Бўзатов, Пахтаобод, Вобкент, Дўстлик, Шаҳрисабз, Хатирчи, Чуст, Булунғур, Сирдарё, Жарқўрғон, Ўрта Чирчиқ, Ёзёвон, Урганч ва Чилонзор*) туманда қўмакка муҳтож аҳолини камбағалликдан чиқариш бўйича янги ёндашувлар, инновацион ва “яшил технологиялар”ни жорий этиш назарда тутилмоқда.

Юқоридаги топшириқлар ҳамда белгилаб берилаётган вазифаларни сифатли ва тўлақонли ижро этиш мақсадида тизим ходимларининг билим ва малакаси оширилмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида 9442 нафар ҳоким ёрдамчилари Хитой камбағалликни қисқартириш марказининг онлайн курсларида ўқитилди, шунингдек, 40 нафари Хитой, Туркия, Россия давлатларида малака оширди.

Мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар бундан кейин ҳам изчил давом эттирилади.

Яқинда давлатимиз раҳбарининг **“«Ўзбекистон – 2030» стратегияси тўғрисида”ги фармони⁶ ҳамда уни 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш бўйича қарори⁷** қабул қилинди.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Касаначиликни янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори // 23.02.2023 / <https://lex.uz/docs/6389635>.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Камбағалликни қисқартиришда тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони // 12.06.2023 / <https://www.lex.uz/docs/6493069>.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “«Ўзбекистон – 2030» стратегияси тўғрисида”ги фармони // 11.09.2023 / <https://www.lex.uz/docs/6600413>.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “«Ўзбекистон – 2030» стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори // 11.09.2023 / <https://www.lex.uz/docs/6600390>.

Стратегияда мамлакатимизда 2026 йилга қадар камбағалликни 2022 йилга нисбатан 2 баробарга, 2030 йилга қадар эса кескин қисқартириш белгиланди. Бунинг учун камбағалликка тушиш хавфи мавжуд 4,5 миллион аҳоли даромадини ошириш чоралари кўрилади.

Ҳозирги кунда хитойлик ҳамкасбларимиз ва халқаро ташкилотлар билан биргаликда 2024 – 2030 йилларга мўлжалланган камбағалликни қисқартириш бўйича алоҳида стратегия лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

Ушбу лойиҳада 2024 – 2030 йилларда қуйидаги устувор вазифаларни амалга ошириш орқали камбағалликни қисқартиришга комплекс ёндашувни жорий этиш назарда тутилган:

- тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий муҳтож қатламларига тадбиркорлик фаолиятини ўргатиш имкониятларини кенгайтириш;

- инклюзив тоифадаги ижтимоий муҳтожларнинг ижтимоий ҳимоя кафолатларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш тизимини такомиллаштириб бориш;

- ижтимоий муҳтож аҳоли қатлами сифатли таълим тизимининг барча босқичларидан кенг фойдаланиши самарадорлигини ошириш;

- ижтимоий муҳтож қатламдаги фуқароларнинг кенг қамровли ва сифатли тиббий хизматлардан фойдаланиш даражасини ошириш ҳамда хизматлар сифатини яхшилаш;

- ижтимоий ҳимояга муҳтож ва ногиронлиги бўлган аҳоли қатламларининг меҳнат бозорида бўш иш ўринларига жойлашишига қўмаклашиш;

- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик барқарорликка эришиш орқали камбағалликни қисқартириш чораларини кўриш;

- ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда бевосита камбағалликни қисқартиришга эътибор қаратиш;

- ижтимоий муҳтож аҳолига хизмат кўрсатувчи муҳандислик инфратузилма объектлари, хусусан, ер, сув, иссиқлик ва табиий газ таъминоти ҳамда алоқа коммуникацияларидан сифатли фойдаланиш имкониятларини янада ошириш.

Шу билан бирга, лойиҳага кўра, мамлакатимизда камбағалликни қисқартиришнинг устувор йўналишларини белгилаш ва чора-табирлар амалга оширилишини мувофиқлаштириш бўйича республика кенга-

ши тасдиқланиши кўзда тутилмоқда. Меҳнатга лаёқатли аҳолини, шу жумладан ёшлар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг доимий ва самарали иш билан бандлигини таъминлаш орқали ишсизлик даражасини 2022 йилдаги 9 фоизлик кўрсаткичдан 2025 йилга бориб 6,3 фоизгача қисқартириш режалаштирилмоқда.

Мазкур мақсадларга эришиш учун мамлакатимизда “2024 – 2030 йилларда аҳоли бандлигига қўмаклашиш стратегияси” лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Унга кўра, аҳолини иш билан банд қилиш хизматлари шаффоф ва адолатли тарзда амалга оширилади, хизматларнинг ҳар бири аниқ мақсадга йўналтирилади. Ишсиз аҳоли бандликка қаратилган дастурлар ва хизматлар билан босқичма-босқич қамраб олинishi кенгайтирилади. Аҳолини иш билан банд этишга доир сифатли ва кенг қамровли давлат хизматларини кўрсатишнинг ҳукукий асослари мустаҳкамлаб борилади.

Хулоса қилиб айтганда, янги таҳрирдаги Конституциямизга давлат томонидан фуқароларни ишсизликдан ҳимоя қилиш, камбағалликни қисқартириш, уларнинг иш билан бандлигига қўмаклашишга оид нормаларнинг киритилгани:

биринчидан, ижтимоий ҳимояга муҳтож, имконияти чекланган ҳамда ишсизликдан азият чекаётган шахслар давлат томонидан кафолатли қўллаб-қувватланишини таъминлайди;

иккинчидан, ишсизлик билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш, янги иш ўринларини ташкил қилиш ҳамда ижтимоий муҳтож аҳоли қатламини қисқартириш билан боғлиқ чора-тадбирларни самарали амалга оширишнинг мустаҳкам ҳукукий асоси ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлашни хоҳлардимки, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламнинг муаммолари вазирлигимизнинг доимий эътиборида бўлади. Уларнинг Конституцияда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, “Янги Ўзбекистон – ижтимоий давлат” тамойили асосида аҳоли фаровонлигини ошириш, камбағалликни қисқартириш, ишсизларни касб-хунарга ўқитиб, муносиб меҳнат шароитлари билан таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларимиз янада кучайтирилади. Саъй-ҳаракатларимизни мазмуни, мақсади ва моҳиятига кўра Конституцияда белгиланган талабларга мувофиқ амалга оширишда давом этамиз. Тизимда меҳнат қилаётган ҳар бир ҳодим бунга тўла англаган ҳолда, халқимизни рози қилиш йўлида сидқидилдан меҳнат қилишга ҳар доим тайёрдир.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДА АДЛИЯ ОРГАНЛАРИНИНГ ЎРНИ

Doi: 10.34920/ DHR.2023.3.027



Шокиржон ШЕРАЛИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Адлия
вазирлигининг Инсон ҳуқуқларини
ҳимоя қилиш бошқармаси етакчи
маслаҳатчиси

Инсон ҳуқуқлари кишиларга ўз инсоний сифатларини, интеллекти ва қобилиятини ривожлантириш, улардан фойдаланиш ҳамда турли эҳтиёжларини қондириш имконини беради. Инсон ҳуқуқлари тушунчасини юридик мазмунда “инсон”, “шахс”, “фуқаро” тушунчаларидан алоҳида ишлатиб бўлмайди. Юридик фанларда “шахс” тушунчаси кўпинча ҳуқуқ ёки ҳуқуқий муносабатлар субъекти ҳақида сўз кетганда ишлатилади¹.

“Инсон” тушунчаси кенг қамровли бўлиб, унинг юридик фанларга киритилиши инсон ҳуқуқларининг ҳам миллий, ҳам халқаро даражада тан олиниши билан боғлиқдир.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 1-моддасида белгиланганидек, “Ҳамма одамлар ўз қадр-қиммати ҳамда ҳуқуқларида эркин ва тенг бўлиб туғиладилар”². Ушбу декларациянинг 2-моддасида эса, “Ҳар бир инсон ирки, танасининг ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодларидан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мол-мулки, табақаси ёки бошқа ҳолатидан қатъи назар, ушбу декларацияда эълон қилинган барча ҳуқуқ ва барча эркинликка эга бўлиши зарур”³, деб белгиланган.

Демак, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида барча инсонлар туғилганидан бошлаб тенг ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиши қатъий мустақамланган. Ҳар бир инсон ўз ҳуқуқ ва эр-

кинликларини мустақил амалга оширишида давлатнинг роли катта ҳисобланади, яъни давлат тузилиши ва сиёсий режимидан қатъи назар, инсон ҳуқуқларини таъминлаши зарур.

Мазкур халқаро ҳужжатда белгиланган нормалар янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳам ўз аксини топган. Конституциянинг 19-моддасига асосан, “Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва кафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади.

Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар”⁴.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясига инсон ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини конституциявий ҳимоя қилишни назарда тутувчи бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган бўлиб, бундан мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини тўлақонли таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини муносиб ҳимоя қилиш мақсадлари кўзланган.

¹ Қаранг: Инсон ҳуқуқлари умумий назарияси: ИИВ тизимидаги таълим муассасалари тингловчи ва курсантлари, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар ходимлари учун дарслик. – Т., 2012. – 304 б.

² Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. – Т.: “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази, 2023. – 16-б.

³ Ўша жойда.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази, 2023. – 12-б.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортиқ халқаро ҳужжат, жумладан, БМТнинг 6 та асосий шартномаси ва 4 та факультатив протокоliga қўшилган. Уларнинг амалга оширилиши юзасидан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва шартномавий қўмиталарига мунтазам равишда миллий маърузаларни тақдим этиб келмоқда.

Инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини муҳофазалаш жамиятимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсадига айланди. Бу борада Президентимизнинг нуткида илгари сурилган эзгу ғоя ва ташаббуслар нафақат мамлакатимиз аҳолисининг, балки бутун инсониятнинг фаровонлигини таъминлаш, келажак авлодларга мусаффо осмон, нурафшон манзилларни мерос қолдиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади⁵.

Давлатимиз раҳбари бошчилигида олиб борилаётган инсонпарвар сиёсат натижасида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, мамлакатимизда инсон ҳуқуқларига оид халқаро стандартларни амалга ошириш, айниқса, аёллар, болалар, ёшлар ва ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда ижтимоий адолат тамойилларига конституциявий мақом берилди. Шунингдек, хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш, қийноққа солишнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизмнинг қонуний асосларини шакллантириш, мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига барҳам бериш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди⁶.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан шуғулланувчи бир қатор давлат идоралари ва ташкилотлари мавжуд бўлиб, суд органлари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, яъни прокуратура, ички ишлар ҳамда адлия органлари ушбу соҳада фаолият юритувчи махсус ваколатли органлар ҳисобланади.

Мазкур давлат органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида инсон ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда аҳолининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича тегишли чоралар кўрилади.

Ўзбекистон Республикасининг адлия органлари инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъмин-

лаш тизимида муҳим аҳамият касб этиб, анъанавий тарзда ҳуқуқни қўлловчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар сирасига киради.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги низомга мувофиқ, Адлия вазирлиги фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича чораларни амалга ошириш соҳасида қуйидаги функцияларни бажаради:

- давлат органлари ва давлат иштирокидаги ташкилотлар томонидан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади;

- инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилиши мумкин бўлган ҳолатлар тўғрисида ахборот йиғиш ҳамда халқаро шартномаларда акс эттирилган инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари универсал стандарт принципларини ҳисобга олган ҳолда уни баҳолаш билан шуғулланади;

- фуқароларнинг давлат органлари ва давлат иштирокидаги ташкилотларда бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича чоралар кўради.

Мазкур функциялардан келиб чиққан ҳолда Адлия вазирлиги томонидан ижтимоий-сиёсий ҳаётни, давлат тузилишини, шу жумладан, суд-ҳуқуқ соҳасини эркинлаштириш, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлашга йўналтирилган қонунлар ижросини таъминлаш бўйича аниқ ва мақсадли ишлар амалга оширилмоқда.

Адлия вазирлигининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколат ва функциялари вазирлик марказий аппарати тузилмасидаги Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси томонидан амалга оширилади.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармасида инсон ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмларини яратиш, ушбу соҳада ҳуқуқни қўллаш амалиётини доимий таҳлил этиб бориш ва мониторинг қилиш ҳамда амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича асосли таклифлар ишлаб чиқиш тизими жорий этилган.

Хусусан, Адлия вазирлигининг Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси томони-

⁵ Абдурахмонов Қ. Мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларига қатъий содиқ қолади / <https://yuz.uz/news/mamlakatimiz-inson-huquqlari-sohasidagi-xalqaro-majburiyatlariga-qat'iy-sodiq-qoladi>.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 12 майдаги “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 75 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги фармони / <https://lex.uz/docs/6464217>.

дан фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш йўналишида 2020 – 2023 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида жами 25 583 га яқин мурожаат кўриб чиқилган. Шундан 17 832 та мурожаат ҳудудий адлия органлари ҳамда бошқа ваколатли давлат ташкилотларига юборилган бўлса, 7 751 га яқин мурожаат (30 %) бевосита вазирлик томонидан қаноатлантирилган.

Шунингдек, 2 100 нафардан ортиқ фуқаролар вазирлик биносига ва 1600 нафардан ортиқ фуқаролар сайёр қабуллар орқали қабул қилинган. 100 дан ортиқ ҳолатда фуқароларнинг мурожаатлари тегишли давлат ташкилотлари ходимларини жалб қилган ҳолда ўрганилган бўлса, 50 дан ортиқ ҳолатда фуқароларнинг мурожаатлари жойига чиққан ҳолда кўриб чиқилган.

Шу билан бирга, одам савдоси, гендер тенглик, ногиронлиги бўлган шахслар, бола ҳуқуқлари, мажбурий меҳнат ва бошқа соҳалар бўйича тегишли ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиб, доимий равишда таклифлар, таҳлилий маълумотлар тақдим этилмоқда.

Бундан ташқари, бошқарма томонидан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш юзасидан турли соҳа ҳамда йўналишлар бўйича доимий равишда ўрганишлар ўтказиб борилмоқда.

Жумладан, 2020 йилнинг февраль – март ойларида адлия органлари томонидан давлат идораларида, биринчи навбатда, ногиронлиги бўлган шахсларга хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган ташкилотларда ўрганиш ўтказилди. Бунда ногиронлиги бўлган шахсларга ушбу идораларда бўлиш вақтида ногиронлик аравачаларини вақтинча фойдаланиб туришга беришни йўлга қўйиш, республика бўйича ногиронлиги бўлган шахсларнинг давлат бошқарув органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда ижтимоий инфратузилма объектларига тўсқинликсиз кириши, жамоат транспортидан тўсқинликсиз фойдаланиши учун шароитлар яратиш масалалари мониторинг қилинди.

Ўрганиш ишлари дастлаб фуқаронинг ногиронлигини аниқлаш учун бориладиган ва келгусида кўпроқ мурожаат этиладиган ташкилотларда, жумладан Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва уларнинг туман (шаҳар) бўлимлари, олий таълим муассасалари бинолари, ушбу ташкилотлар яқинида жойлашган автобус бекатлари ҳамда автобусларда олиб борилди.

Ўрганиш натижаларига кўра, ушбу объектларнинг аксарияти ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаракатланиши учун ноқулай жиҳозлангани аниқланиб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш ҳақида 681 та тақдимнома киритилди.

Шу билан бирга, аниқланган камчиликлар жойида бартараф этилиб, 253 та пандус ўрнатилди, 109 та пандус эса белгиланган норма талабларига келтирилди. Ушбу тоифадаги шахслар учун 99 та бино ёнидаги автотураргоҳларда алоҳида жойлар ажратилиши таъминланди. 69 та бинодаги ички ва ташқи ҳожатхоналар ногиронлиги бўлган шахслар учун мослаштирилди. Ўрганиш натижалари бўйича соҳани такомиллаштириш ва мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритилди.

Адлия вазирлиги инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, шунингдек, бир қатор нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорликда олиб бормоқда.

Бошқарма томонидан доимий равишда амалга ошириб келинаётган **“Инсон ҳуқуқлари – олий кадрият” лойиҳаси** доирасида жорий йилнинг февраль ойида ходимларнинг ойлик иш ҳақини беришда қонунчиликка риоя этилишини ўрганиш юзасидан акция ўтказилди.

Акция доирасида жами 3 187 та мурожаат (шундан 28 фоизи (881 таси) – виртуал тарзда, 72 фоизи (2 306 таси) – бевосита ҳудудий адлия органлари орқали) келиб тушди.

Акция доирасида келиб тушган мурожаатлар кўриб чиқилганда 6 838 та қонунбузарлик ҳолатлари аниқланди. Адлия органлари томонидан тегишли ташкилотларга 263 та тақдимнома (ҳуқуқи бузилган ходимларга жами 8,5 млрд сўмдан ортиқ пуллик компенсация қопланиши сўралган) ҳамда 244 та огоҳнома, шунингдек, судларга 6 млрд сўмлик 1 475 та даъво аризаси киритилди.

Шу билан бирга, 98 та ҳолатда айбдор шахсларни маъмурий (63 та шахс жавобгарликка тортилди) ва 1 та ҳолатда – жиноий жавобгарликка тортиш юзасидан таклифлар берилди.

Қўлланилган таъсир чоралари натижасида 55 нафар шахс интизомий жавобгарликка (49 та ҳайфсан ва 6 та жарима) тортилди.

“Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази билан ҳамкорликда ногиронлиги бўлган шахс-

ларнинг ҳуқуқлари қафолатларини кучайтириш мақсадида соҳани тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари хатловдан ўтказилиб, “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами” нашр этилди.

2022 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини ҳимоя қилишга қаратилган қонунчиликдаги ҳолатлар ва уларнинг ижроси юзасидан ўрганиш ўтказилди.

Ўрганишда аҳолининг кам таъминланган, ишсиз ва моддий ёрдамга муҳтож қатламига берилаётган имтиёзларнинг қўлланиши бўйича аниқланган камчиликлар юзасидан ҳудудий адлия органлари томонидан жами 32 737 та қонунбузарлик ҳолатлари аниқланди. Мазкур қонунбузарликларга йўл қўйган ташкилотларга 602 та қонун ҳужжатларининг бузилиши, уларнинг сабаблари ва бунга олиб келувчи шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома, 670 та қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўймаслик ҳақида огоҳнома юборилди. Маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида 23 та ҳамда жиноий жавобгарликка тортиш бўйича 4 та таклиф тегишли ваколатли органларга киритилди. Шунингдек, 18 нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка ҳамда 29 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилди. Шу билан бирга, қонун ҳужжатларига зид равишда қабул қилинган 219 та қарор бекор қилинди.

Бундан ташқари, хорижий давлатларнинг аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини ҳимоя қилиш бўйича тажрибалари ўрганилиб, уларнинг айримларини миллий қонунчилигимизга татбиқ этишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилди.

2022 йилнинг декабрь ойида 2021-2022 ўқув йили даврида республикадаги алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим беришга оид қонунчилик ҳужжатлари ижроси юзасидан мониторинг ўтказилди.

Мониторинг натижаларига кўра, халқ таълими ташкилотлари томонидан 5 559 та ҳолатда қонунбузарликка йўл қўйилгани аниқланди. Уларни бартараф этиш юзасидан тегишли ташкилотларга жами 183 та тақдимнома, 874 та огоҳнома, судларга 11 та даъво аризаси киритилиб, қўлланилган таъсир чоралари натижасида 20 нафардан ортиқ педагог ходимларга тегишли иш ҳақи, 962 нафар уйда якка тартибда таълим берувчи ўқитувчиларга 540 млн сўмдан ортиқ йўл ҳақи ва тегишли компенсациялар тўлаб берилиши таъминланди.

“Инсон кадри учун” тамойили асосида 2023 йилнинг 2 июнидан – 30 июнь кунига қадар **“Инсон ҳуқуқлари – олий қадрият”** ҳуқуқий акцияси ўтказилди.

Акция доирасида адлия органлари томонидан жами 2 мингга яқин оммавий сайёр қабуллар ташкил этилди. Сайёр қабулларнинг 1 200 га яқини маҳаллаларда ташкил этилган бўлса, 600 дан ортиғи муайян ташкилотлар ва муассасалар биноларида бўлиб ўтди.

Ўтказилган оммавий сайёр қабулларда республика бўйича жами 59 мингга яқин фуқаролар иштирок этди.

Акция доирасида оммавий сайёр қабуллар давомида адлия органларига жисмоний ва юридик шахслар томонидан жами 13 800 га яқин мурожаат келиб тушди.

Сайёр қабуллар давомида қилинган мурожаатлардан 5 400 га яқини жойида ҳал этилган бўлса, 5 мингдан ортиқ мурожаат юзасидан ҳуқуқий тушунтиришлар берилди ҳамда 3 200 дан ортиқ мурожаат белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун иш юритувга қабул қилинди.

Адлия органлари томонидан кўриб чиқиш учун иш юритувга қабул қилинган мурожаатларнинг 1 500 га яқини қаноатлантирилган бўлса, мингга яқин мурожаат юзасидан ҳуқуқий тушунтиришлар берилди. 200 га яқин мурожаат тегишлилигига кўра кўриб чиқиш учун ваколатли ташкилотларга юборилди.

Акция доирасида адлия органлари томонидан 1 400 га яқин мониторинг тадбирлари ташкил этилди. Мониторинг тадбирлари давомида бир қатор қонунбузарлик ҳолатлари аниқланди. Хусусан, биргина меҳнат масалаларига оид 10 мингдан ортиқ қонунбузарлик ҳолатлари мавжудлиги қайд этилди.

Акция доирасида фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш юзасидан 2 500 га яқин ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилиб, ҳудудий адлия органлари томонидан тегишли ташкилотларга аниқланган қонунбузарлик ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 379 та тақдимнома, судларга 21 млрд сўмга яқин миқдордаги 635 та даъво аризаси киритилди. Бундан ташқари, ваколатли органларга 178 та маъмурий таклиф ҳамда қонун ҳужжатларининг бузилишига йўл қўймаслик юзасидан тегишли ташкилотларга 1 200 дан ортиқ огоҳнома киритилди.

Кўрилган ҳуқуқий таъсир чоралари натижасида 111 млрд сўмдан ортиқ пул маблағлари тегишли

шахсларга ундириб берилган бўлса, 960 та ҳужжат бекор қилиниши таъминланди. Шунингдек, 148 нафар шахс маъмурий жавобгарликка, 69 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилиши таъминланди.

Фуқароларга нисбатан қонунчиликда белгиланган ижтимоий имтиёзлар юзасидан миллий қонунчилик ҳужжатлари ва хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилган ҳолда амалиётдаги муаммоли ҳолатлар таҳлил қилиниб, уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди. Тегишли таҳлилий маълумотнома ҳамда фуқароларга нисбатан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ижтимоий имтиёзлар юзасидан “Жисмоний шахсларга нисбатан қонунчиликда назарда тутилган ижтимоий имтиёзлар ягона реестри” шакллантирилди.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида ҳудудий адлия органларининг ўрни муҳим ҳисобланиб, бу борада доимий равишда салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, 2023 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида адлия органлари томонидан жами 38 580 дан ортиқ мурожаат кўриб чиқилган. Шундан 30 200 дан ортиғи бевосита адлия органлари томонидан кўриб чиқилиб, ҳал этилган. Мазкур мурожаатларнинг 20 мингдан ортиғи қаноатлантирилган бўлса, 9 мингга яқин мурожаат юзасидан ҳуқуқий тушунтиришлар берилган.

Келиб тушаётган мурожаатларнинг аксарияти ижтимоий ҳимоя (моддий ёрдам, пенсия ва бошқалар), меҳнат қонунчилигига риоя этилмаётгани, фуқароларнинг мулк ҳуқуқи бузилаётгани, суд қарорларидан норозилиги, мурожаатлар тўғрисидаги қонунчилик талабларига амал қилинмаётгани юзасидандир.

Шунингдек, бу соҳада 1 650 дан ортиқ ўрганишлар ўтказилган бўлиб, шундан 1 247 таси мурожаатларни кўриб чиқиш натижасида амалга оширилган.

Адлия органлари томонидан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича 1 550 дан ортиқ мониторинг тадбирлари ўтказилганини ҳам таъкидлаш жоиз.

Ўрганиш ва мониторинг натижаларида адлия органлари томонидан давлат ташкилотларига қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўймаслик ҳақида 4 024 та тақдимнома киритилган. Қўлланилган таъсир чоралари натижасида 461,7 млрд сўмдан ортиқ маблағлар ундириб берилган, 1 640 дан ортиқ давлат ташкилотларининг ходимлари-

га нисбатан интизомий жазо чораси қўлланилган, 1 600 дан ортиқ мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чорасини кўриш ҳақида таклифлар киритилган (шундан 1 530 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилган), 30 мингдан ортиқ ҳужжат бекор қилинган.

Шунингдек, фуқароларнинг манфаатига қаратилган умумий суммаси 130 млрд сўмдан ортиқ бўлган 8 350 га яқин даъво аризаси киритилиб, унинг 8 200 дан ортиғи (126 млрд сўмдан ортиғи) қаноатлантирилган.

Мазкур маълумотлардан кўринадики, адлия органлари инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида самарали фаолият олиб бориб, мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда демократик ижтимоий давлат қуришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Адлия органлари келгусида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида ишларни олиб боришда ҳар йили аҳолини қийнаб келаётган муаммолар ҳамда келиб тушаётган мурожаатлардан келиб чиққан ҳолда қисқа, ўрта ва узоқ муддатли иш режалар, стратегия ҳамда устувор вазифалар асосида фаолият олиб боради.

Хулоса қилиб айтганда, Адлия вазирлиги конституциявий нормаларни амалга ошириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, жамиятда қонунга риоя этиш ва ҳурмат руҳини мустаҳкамлаш мақсадида ҳуқуқий сиёсатнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқувчи, давлат органлари ва давлат иштирокидаги ташкилотлар инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этишини назорат қилувчи, фуқароларнинг давлат органлари ва давлат иштирокидаги ташкилотларда бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича чоралар кўрувчи ваколатли орган ҳисобланади.

Шунингдек, Адлия вазирлиги томонидан ижтимоий-сиёсий ҳаётни, давлат тузилишини, шу жумладан, суд-ҳуқуқ соҳасини эркинлаштириш, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган қонунлар ижросини таъминлаш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар амалга оширилмоқда. Вазирлиkning бевосита иштирокида инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмлари яратилиб, ҳуқуқни қўллаш амалиётини доимий таҳлил этиб бориш ва мониторинг қилиш ҳамда амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича асосли таклифлар ишлаб чиқиш тизими жорий қилинган.

МУРОЖААТ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ: ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ

Doi: 10.34920/ DHR.2023.3.028



Ҳайдарали ЮНУСОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом
академияси доценти,
юримдик фанлар номзоди

Аннотация. Мақолада инсоннинг мурожаат қилиш ҳуқуқи масалалари ёритилган. Унда Европа, Шимолий Америка, Жанубий Америка, Африка, Осиё, араб дунёси, МДҲ ва Марказий Осиёда жойлашган мамлакатларнинг конституциялари таҳлил қилинган. Мақолада мурожаат қилиш ҳуқуқининг аҳамияти, объектлари ва субъектлари, уни амалга ошириш шакллари, усуллари, кафолатлари ва тартиб таомилларига оид конституциявий ҳолатлар батафсил таҳлил қилинган. Хорижий мамлакатлар конституцияларидаги ўхшаш ҳолатлар умумлаштирилган, фарқли жиҳатлар алоҳида изоҳланган. Шунингдек, муаллиф томонидан халқаро ташкилотлар органларига мурожаат қилишнинг конституциявий асослари кўрсатиб ўтилган ҳамда унинг Ўзбекистон учун аҳамияти ёритиб берилган. Муаллиф илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш асосида Ўзбекистон миллий қонунчилигини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича бир қатор таклиф ҳамда тавсияларни ишлаб чиққан.

Калит сўзлар: инсон ҳуқуқлари, конституция, мурожаат қилиш ҳуқуқи, петиция, ариза, таклиф, шикоят, давлат органи, мансабдор шахс, омбудсман, кафолат, халқаро ташкилот, халқаро орган.

Abstract. This article is devoted to the issue of a human right to petition. It analyzed the constitutions of countries located in Europe, North America, South America, Africa, Asia, the Arab world, the Commonwealth of Independent States (CIS) and Central Asia. The article describes in detail the importance, objects and subjects of the right to petition, the forms, methods, guarantees and procedures for its implementation. Similar situations in the constitutions of foreign countries are summarized, different aspects are highlighted. Also, the constitutional basis of applying to the bodies of international organizations was separately indicated by the author and its importance for Uzbekistan was highlighted. Based on the study of advanced foreign experiences, a number of proposals and recommendations were put forward in order to improve the national legislation and law enforcement practice of Uzbekistan.

Key words: human rights, constitution, right of appeal, right to petition, application, proposal, complaint, state body, official, ombudsman, guarantee, international organization, international body.

Аннотация. Статья посвящена исследованию вопроса о праве человека на обращение. Проанализированы конституции ряда стран Европы, Северной Америки, Южной Америки, Африки, Азии, арабского мира, СНГ и Центральной Азии. Подробно изучены объекты и субъекты права на обращение, формы, методы, гарантии и процедуры его реализации. Обобщены аналогичные ситуации в конституциях иных зарубежных стран. Отдельно обозначена конституционно-правовая основа обращения в органы международных организаций и подчеркнута её значимость для Узбекистана. На основе изучения передового зарубежного опыта выдвинут ряд предложений и рекомендаций в целях совершенствования национального законодательства и правоприменительной практики Узбекистана.

Ключевые слова: права человека, конституция, право на обращение, петиция, заявление, предложение, жалоба, государственный орган, должностное лицо, омбудсмен, гарантия, международная организация, международный орган.

Мурожаат қилиш ҳуқуқи инсоннинг асосий конституциявий ҳуқуқларидан бири ҳисобланади. Мазкур ҳуқуқ, ўз табиатига кўра, биринчи авлод ҳуқуқлари – сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқлари туркумига киради. Мурожаат қилиш ҳуқуқининг ўзига хос хусусияти шундаки, унинг ўзи шахс ва давлат муносабатларида инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини ифода этиши билан бирга, айтилганда, инсоннинг бошқа ҳуқуқларини ҳимоя қилиш воситаси сифатида ҳам намоён бўлади. Бошқача қилиб айтганда, мурожаат қилиш ҳуқуқи инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ҳуқуқдир.

Мурожаат қилиш ҳуқуқи асосида давлат идоралари ва фуқаролик жамияти тузилмаларининг эътибори муайян бир ижтимоий аҳамиятга молик масалага қаратилади ёки шу йўсинда инсон ҳуқуқларининг ҳимояси талаб қилинади. Мурожаатларни кўриб чиқиш кафолатини таъминлаш мақсадида қонунчилик ҳужжатларида муайян тартиб ва қонуний муддатлар белгиланган бўлиб, барча давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг уларга риоя этиши мажбурийдир.

2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овози билан қабул қилиниб, 2023 йил 1 майда кучга кирган Ўзбекистоннинг янги таҳрирдаги Конституциясида инсоннинг мурожаат қилиш ҳуқуқи янада мустақкам ўрин олди, унинг кафолати янги механизмлар билан кучайтирилди. Хусусан, Конституциянинг 40-моддасига мувофиқ, **“Хар ким бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда давлат органларига ҳамда ташкилотларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, мансабдор шахсларга ёки халқ вакилларига аризалар, таклифлар ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқирилиши шарт”**¹.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларга мувофиқ, ҳар бир инсон ўз ҳуқуқини ҳимоя қилиш ёки бузилган ҳуқуқларини тиклаш учун нафақат давлат идоралари ва мансабдор шахсларга, балки халқаро ташкилотларнинг органларига ҳам мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Хусусан, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларнинг инсон ҳуқуқлари

соҳасидаги халқаро органларга мурожаат қилиш ҳуқуқи биринчи марта эътироф этилди.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг 55-моддасига мувофиқ, **“Хар ким Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ва халқаро шартномаларига мувофиқ, агар давлатнинг ҳуқуқий ҳимояга доир барча ички воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи халқаро органларга мурожаат этишга ҳақли”**².

Бунинг маъноси шуки, мамлакатимизда доимий истиқомат қилаётган ёки вақтинча бўлиб турган ҳар бир шахс Ўзбекистон ратификация қилган инсон ҳуқуқлари соҳасидаги асосий шартномаларда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ёки бузилган ҳуқуқларини тиклаш мақсадида халқаро ташкилотларнинг инсон ҳуқуқларига ихтисослашган органларига, хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг шартномавий қўмиталарига мурожаат қилиши мумкин. Бундан ташқари, ҳар ким махсус процедуралар орқали БМТ Бош Ассамблеясининг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ёки Ижтимоий, гуманитар ва маданий ишлар қўмитасига ҳам мурожаат қилишга ҳақлидир.

Ҳақиқатни тан олиш лозимки, мамлакатимизда шу пайтгача инсонларнинг халқаро ташкилотлар ва уларнинг органларига мурожаат қилиш ҳуқуқи ҳеч қайси миллий қонунчилик ҳужжатида белгилаб қўйилмаган эди. Мазкур ҳуқуқнинг янги таҳрирдаги Конституцияга киритилиши фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини такомиллаштиришдаги муҳим қадам бўлади. Шу мақсадда хорижий тажрибаларни ўрганиш фойдадан холи эмас.

Халқаро ва хорижий тажрибаларга назар ташласак, мурожаат қилиш ҳуқуқи аксарият мамлакатларнинг конституцияларида аллақачон ўз аксини топганининг гувоҳи бўламиз. Сиёсий тузуми ва давлат бошқарув шаклидан қатъи назар, кўпгина давлатларнинг асосий қонунларида инсонларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида мурожаат қилиш ҳуқуқи мустақкамлаб қўйилган. **Европа Иттифоқи давлатлари** мисолида бунинг яққол ифодасини кўришимиз мумкин.

Хусусан, **Франция V Республикасининг** 1958 йил 4 октябрда қабул қилинган Конституци-

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази, 2023. – 25-б.

² Ўша манба. – 33-б.

ясининг 68-2-моддасида Хукумат аъзосининг ўз вазифаларини бажаришда содир этган жинояти ёки ҳукукбузарлигидан ўзини жабрланувчи деб ҳисоблаган ҳар қандай шахс текширув комиссиясига шикоят билан мурожаат қилиши мумкинлиги қайд этилган. 71-1-моддада эса давлат хизмати ёки бирор давлат органи фаолияти натижасида ўзини жабрланувчи деб ҳисоблаган ҳар қандай шахснинг Хукуклар ҳимоячисига (“*Defenseur des droits*”) мурожаат қилиш ҳуқуқи кафолатланган³.

Германия Федератив Республикасининг 1949 йил 8 майда қабул қилинган ва 23 майда кучга кирган Асосий қонунининг 17-моддаси мурожаат этиш ҳуқуқига бағишланган: “Ҳар ким якка тартибда ёки бошқа шахслар билан биргаликда ваколатли органларга ёки халқ вакилликка ёзма равишда илтимослар ёки шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир”⁴.

Польша Халқ Республикасининг 1997 йил 2 апрелда Польша Миллий Ассамблеяси томонидан қабул қилинган, 1997 йил 25 майда умумхалқ референдуми орқали тасдиқланган ва 1997 йил 17 октябрда кучга кирган Конституциясининг 63-моддасида таъкидланишича: “Ҳар ким кўпчиликнинг, ўзининг ёки розилиги билан учинчи шахснинг манфаатларини кўзлаган ҳолда давлат ҳокимияти органларига, шунингдек, давлат бошқаруви соҳасида топширилган вазифаларни бажариш билан боғлиқ тарзда жамоат ташкилотлари ва муассасаларига петиция, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Петиция, таклиф ва шикоятларни кўриб чиқиш тартиби қонун билан белгиланади”⁵.

Португалиянинг 1976 йил 2 апрелда қабул қилинган Конституциясининг 23-моддасида фуқароларнинг ҳокимият вакиллариининг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги устидан Адолат ҳимоячиси (“*Provedor de Justiça*”) – омбудсманга шикоят қилиш ҳуқуқи мустаҳкамланган. Республика Ассам-

блеяси томонидан сайланадиган Адолат ҳимоячиси мустақил орган бўлиб, давлат органлари учун мажбурий бўлмаган тавсиялар ишлаб чиқади ва адолатни тиклаш йўлида давлат органлари билан ҳамкорлик қилади.

Шунингдек, Конституциянинг 52-моддасига мувофиқ барча фуқаролар якка ёки жамоавий тарзда олий давлат органларига ва давлат ҳокимиятининг бошқа органларига ўз ҳуқуқлари, конституция, қонунлар ва умумий манфаатларни ҳимоя қилиш учун петиция, ариза, талаб ёки шикоят йўллаши мумкин.

Қонунда белгиланган тартибда жамоавий характердаги петициялар Республика Ассамблеясининг ялпи мажлисларида кўриб чиқилади⁶.

Словакия Республикасининг 1991 йил 1 сентябрда қабул қилиниб, 1991 йил 1 октябрда кучга кирган ва охири марта 2017 йил 2 февралда ўзгартирилган Конституциясининг 27-моддаси петиция ҳуқуқини ҳамда ҳар кимнинг илтимоснома, таклиф ва шикоятлар билан давлат органларига мурожаат қилиш ҳуқуқини кафолатлайди. Айни пайтда мурожаат қилиш ҳуқуқининг бир қатор шартларини ҳам белгилайди: биринчидан, петициялар асосий ҳуқуқ ва эркинликларга путур етказмаслиги лозим; иккинчидан, улар судларнинг мустақиллиги тамойилини бузмаслиги шарт⁷.

1992 йил 16 декабрда **Чехия** Конституцияси билан бирга қабул қилинган ва унинг таркибий қисми ҳисобланувчи Асосий ҳуқуқ ва эркинликлар хартиясининг (“*The Charter of Fundamental Rights and Freedoms*”) 18-моддасида ҳам худди шундай ҳолат мавжуд⁸.

Руминиянинг 1991 йил 21 ноябрда қабул қилинган ва 1991 йил 8 декабрда кучга кирган Конституцияси мурожаат қилиш ҳуқуқини амалга оширишнинг бир қатор шартлари ва имтиёзларини белгилайди. Асосий қонуннинг 51-моддасига кўра:

³ Texte intégral de la Constitution du 4 octobre 1958 en vigueur: <https://www.conseil-constitutionnel.fr/le-bloc-de-constitutionnalite/texte-integral-de-la-constitution-du-4-octobre-1958-en-vigueur>.

⁴ Германия Федератив Республикасининг Асосий қонуни /Масъул муҳаррир, нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи А.Саидов. – Т.: “Akademnashr”, 2019. – 75-б.

⁵ The Constitution of the Republic of Poland of 2nd April, 1997 as published in Dziennik Ustaw No. 78, item 483: <https://www.sejm.gov.pl/prawo/konst/angielski/kon1.htm>.

⁶ Constitution of the Portuguese Republic Seventh Revision (2005): <https://www.parlamento.pt/sites/EN/Parliament/Documents/Constitution7th.pdf>.

⁷ Constitution of the Slovak Republic: <https://www.ustavnysud.sk/en/ustava-slovenskej-republiky>.

⁸ Resolution of the Presidium of the Czech national council of 16 December 1992 on the declaration of the Charter of fundamental rights and freedoms as a part of the constitutional order of the Czech Republic constitutional act no. 2/1993 coll. as amended by constitutional act no. 162/1998 coll.: https://www.usoud.cz/fileadmin/user_upload/ustavni_soud_www/Pravni_uprava/AJ/Listina_English_version.pdf.

“1. Имзо қўйган шахслар номидан тузилган петициялар билангина фуқаролар давлат ҳокимиятига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

2. Қонунга мувофиқ ташкил этилган ташкилотлар улар томонидан тамсил этилган жамоалар номидангина петициялар бериш ҳуқуқига эга.

3. Петициялар ҳуқуқини амалга ошириш амалиёти солиққа тортилмайди.

4. Давлат ҳокимияти қонунга мувофиқ белгиланган муддатда ва шартларда петицияларга жавоб беришга мажбурдир”⁹.

Европа Иттифоқига аъзо бўлмаган **Швейцария** Конституцияси ҳам мурожаат қилиш ҳуқуқини четлаб ўтмайди. 1999 йил 18 апрелда умумхалқ референдуми орқали қабул қилинган ва 2000 йил 1 январдан кучга кирган Швейцария Федерацияси Конституциясининг 33-моддасининг (Петиция ҳуқуқи) 1-бандига мувофиқ, “Ҳар ким ҳокимият органларига петициялар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга; бундан унинг учун ҳеч қандай зиён келиб чиқмаслиги лозим”. Мазкур модданинг 2-бандида ҳокимият органларининг петицияларни кўриб чиқишлари шартлиги таъкидланган¹⁰.

Шимолий Америка мамлакатларида мурожаат қилиш ҳуқуқининг конституциявий асослари Европа давлатлари конституцияларидан шаклан фарқланади.

1787 йил 17 сентябрда қабул қилинган ва 1789 йил 4 мартда кучга кирган **АҚШ** Конституциясида мурожаат қилиш ҳуқуқи қайд этилмаган эди. Бироқ тез орада давлат ва халқ ўртасидаги мулоқотнинг ҳуқуқий воситасининг аҳамияти англаб етилди ва 1791 йил 15 декабрда Асосий қонунга киритилган дастлабки 10 та ўзгартиришнинг биринчиси сифатида мурожаат қилиш ҳуқуқи ҳам Конституция даражасида мустаҳкамланди. Биринчи ўзгартиришга (*сўз, матбуот, диний эътиқод эркинлиги*) кўра, “Конгресс бирор динни жорий этиш ёки унга эркин эътиқод қилишни тақиқлов-

чи, сўз ва матбуот эркинлиги, кишиларнинг тинч уюшмаларга бирлашиш ҳуқуқи ҳамда шикоятларни кўриб чиқиш ва қондириш талаби билан ҳукуматга мурожаат қилиш ҳуқуқини чеклашга қаратилган бирорта ҳам қонун қабул қилиши мумкин эмас”¹¹. Шундай қилиб, инсоният тарихидаги биринчи конституция – АҚШ Конституциясига киритилган 27 та ўзгартиришнинг дастлабкиси мурожаат қилиш ҳуқуқига оид эди.

Канада Республикасининг бир нечта конституциявий ҳужжатлар ва нёзма тамойиллардан ташкил топган 1982 йилдаги Конституциясининг 19 ва 20-моддалари ҳар кимнинг парламент ва ҳукуматнинг марказий ва маҳаллий органларига, шунингдек парламент томонидан таъсис этиладиган трибуналларга инглиз ёки француз тилида мурожаат қилиш ва шу тилларда жавоблар олиш ҳуқуқини мустаҳкамлайди¹².

Жанубий Америка мамлакатлари конституцияларида ҳам мурожаат қилиш ҳуқуқига оид ҳолатлар ўз аксини топган. Жумладан, **Бразилия Федератив Республикасининг** 1988 йил 22 сентябрда қабул қилинган ва 5 октябрда кучга кирган Конституциясининг II бўлим (Асосий ҳуқуқлар ва қафолатлар) I бобнинг (Якка ва жамоавий ҳуқуқлар ва бурчлар) 5-моддаси ҳар кимнинг мурожаат қилиш ва маълумотномага эга бўлиш ҳуқуқини мустаҳкамлайди. 5-модданинг XXXIV-банди “а” қисмида ҳар кимнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлида ёки ҳокимиятнинг суиистеъмол қилиниши ёхуд ноқонуний хатти-ҳаракатидан ҳимояланиш мақсадида давлат органларига тўловларсиз петиция билан мурожаат қилиш ҳуқуқи баён этилган. Шунингдек, мазкур модданинг “б” қисмида ҳар кимнинг ўз шахсий манфаатларига оид ҳолатларни аниқлаштириш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун давлат органларидан тегишли маълумотномаларни олиш ҳуқуқига эгаллиги қайд қилинган¹³.

⁹ Constitution of Romania: https://en.wikisource.org/wiki/Constitution_of_Romania.

¹⁰ Швейцария Федерал Конституцияси преамбула, 6 қисм ва 196 та моддадан иборат. Конституцияга шу кунга қадар 10 мартадан кўпроқ ўзгартиришлар киритилган. Асосий қонунга биринчи ўзгартириш мамлакатнинг БМТга аъзо бўлиб кириши мүнсабати билан 2002 йил 3 март куни киритилган эди. Матн учун қаранг:

Constitution fédérale de la Confédération suisse du 18 avril 1999 (État le 13 février 2022): Fedlex - La plateforme de publication du droit fédéral: <https://www.fedlex.admin.ch/eli/cc/1999/404/fr>.

¹¹ The Constitution of the United States: http://www.senate.gov/civics/constitution_item/constitution.htm. Яна қаранг: Америка Қўшма Штатлари Конституцияси: расмий нашр / таржимон Ҳусан Турсунов. – Т.: “Адолат”, 2004. – 44 б.

¹² Loi constitutionnelle de 1982: <https://lois-laws.justice.gc.ca/fra/Const/page-11.html>.

¹³ Constitution of the Federative Republic of Brazil. Constitutional text enacted on October 5, 1988, with the alterations established by Revision Constitutional Amendments 1, 1994 through 6, 1994, and by Constitutional Amendments 1, 1992 through 122, 2022. Federal Supreme Court edition: https://www.stf.jus.br/arquivo/cms/legislacaoConstituicao/anexo/brazil_federal_constitution.pdf.

Парагвай Республикасининг 1992 йилда қабул қилинган Конституциясининг 40-моддасида ҳар кимнинг яқка ёки жамоавий тарзда, алоҳида шартларсиз, мансабдор шахсларга ёзма шаклда мурожаат қилиш ҳуқуқи белгиланган. Парагвай Конституциясидаги ўзига хос ҳолат шундан иборатки, мурожаатларга қонунда белгиланган тартибда ва муддатда жавоб берилиши лозим. Агар белгиланган муддатда жавоб берилмаса, мурожаат рад этилган ҳисобланади¹⁴.

Африка қитъаси мамлакатларининг аксариятида конституциявий беқарорлик ҳукм суриши кузатилади. Шу билан бирга мурожаат қилиш ҳуқуқи оз сонли давлатларнинг конституцияларидагина ўз аксини топган.

Президент Нельсон Мандела томонидан промульгация қилинган ва 1997 йил 4 февралда кучга кирган **Жанубий Африка Республикаси** Конституцияси бобларидан бири “Ҳуқуқлар бўйича билль” (“Bill of Rights”) деб аталади. Ушбу бобнинг 17-моддаси ҳар кимнинг тинч ва қуролсиз йиғилиш, намоёнлиқлар ўтказиш, кўча юришларини ташкил этиш ва петициялар йўллаш ҳуқуқини акс эттиради¹⁵.

Мозамбик Республикасининг 2004 йил 21 декабрда қабул қилинган ва 2007 йилда ўзгартирилган Конституциясининг 79-моддасида барча фуқароларнинг оммавий манфаатларнинг ҳимояси ёки ўзининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш талаби билан тегишли ваколатли органларга петиция, шикоят ва даъволар йўллаш ҳуқуқига эгалиги қайд этилган¹⁶.

Осиё мамлакатлари конституцияларида мурожаат қилиш ҳуқуқи нисбатан батафсил баён этилгани билан ажралиб туради.

Хитой Халқ Республикасининг 1982 йил 4 декабрда қабул қилинган Конституциясининг 41-моддасига биноан: “Хитой Халқ Республикасининг фуқаролари исталган давлат органи ёки мансабдор шахсга танқидлар ёки таклифлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга; исталган давлат органи ёки давлат хизматчисининг қонунлар ёки

хизмат вазифасини бузганлиги бўйича тегишли давлат органига шикоятлар, айблов ёки ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Бироқ фактларни сохталаштирган ва ўз фойдасига ўзгартирган ҳолда одамларга туҳмат ҳамда бўҳтон қилишга йўл қўйилмайди.

Тегишли давлат органлари фактларни текшириш орқали фуқароларнинг шикоят, айблов ва аризаларини кўриб чиқиши шарт ҳамда уларни ҳал этиш бўйича масъулдир. Ҳеч ким фуқароларга босим ўтказишга ва қасд олишга ҳақли эмас.

Давлат органи ёки давлат хизматчиси томонидан фуқаролик ҳуқуқларига таъовуз қилиниши оқибатида зарар кўрган шахс қонунга мувофиқ тоғон олиш ҳуқуқига эга”¹⁷.

Япониянинг 1947 йил 3 майда кучга кирган Конституциясининг 16-моддасида ҳар ким зарарни қоплаш, давлат мансабдор шахсларини лавозимидан четлатиш, қонунларни, фармонларни ёки кўрсатмаларни тўғрилаш, киритиш ёки бекор қилиш ҳамда бошқа масалалар бўйича тинч петиция билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга экани баён этилган¹⁸.

Туркия Республикасининг 1982 йил 7 ноябрда қабул қилинган ва референдум йўли билан 2007, 2010 ва 2017 йилларда ўзгартирилган Конституциясининг 74-моддасида қайд этилишича:

“Фуқаролар ва Туркия ҳудудидаги хорижий резидентлар ўзаролик тамойилига риоя этиш шарти билан ваколатли органларга ҳамда Туркиянинг Буюк миллат мажлисига шахсий ёки жамият ҳаётига тегишли масалаларда талаб ва шикоятлар билан ёзма шаклда мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Шахсий масаладаги мурожаатнинг натижаси ёзма шаклда муаллифга кечиктирилмасдан маълум қилинади.

Ҳар ким Омбудсманга мурожаат қилиш ва маълумот олиш ҳуқуқига эга. Туркиянинг Буюк миллат мажлиси томонидан таъсис этилган Омбудсман институти бошқарув фаолиятига оид шикоятларни кўриб чиқади”¹⁹.

¹⁴ Constitution de la République du Paraguay : projet de traduction / Jorge Melgarejo Raggini, María José Riego et Adrien Monat (trads.), Alberto Poletti, rev. tec. -- Asunción: CEDEP, IPDC, Tapiti Books, 2021: <https://mjp.univ-perp.fr/constit/py1992.pdf>.

¹⁵ Constitution of the Republic of South Africa of 1996 enacted by the Constitutional Assembly of South Africa and amended by the Parliament of South Africa as amended of 2012: https://en.wikisource.org/wiki/Constitution_of_the_Republic_of_South_Africa,_1996/Chapter_2.

¹⁶ The Constitution of Mozambique: https://www.constituteproject.org/constitution/Mozambique_2007?lang=en.

¹⁷ Хитой Халқ Республикаси 1954, 1975 ва 1978 йилларда Конституция қабул қилган. Охириги Конституция 1982 йил 4 декабрда қабул қилинган ва шу кунга кучга кирган. Кейинчалик ҳар беш йилда унга тегишли ўзгартиришлар киритиб борилди. Матн учун қаранг: https://en.wikisource.org/wiki/Constitution_of_the_People%27s_Republic_of_China.

¹⁸ The Constitution of Japan based on the English Edition by Government Printing Bureau: <https://www.ndl.go.jp/constitution/e/etc/c01.html>.

¹⁹ Turkey's Constitution of 1982 with Amendments through 2017: https://www.constituteproject.org/constitution/Turkey_2017.pdf?lang=en.

Мурожаат қилиш ҳукуқи *араб дунёси мамлакатлари* конституцияларида ҳам ўз аксини топган.

Саудия Арабистони Подшоҳлигининг 1992 йилда қабул қилинган Асосий Низомининг 43-моддасида белгиланишича: “Ҳар қандай фуқаро Подшоҳ ёки валиахд Шаҳзоданинг девонхонасига шикоят билан мурожаат қилиши мумкин. Ҳар қандай шахс ўз масаласи бўйича давлат органлари билан мулоқотга киришиш ҳуқуқига эга”²⁰.

Иордания Хошимийлар Подшоҳлигининг 1952 йил 1 январда қабул қилинган Конституциясининг 17-моддасига биноан: “Иордания фуқаролари шахсий ва жамоат ишлари бўйича муайян соҳалардаги давлат органларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга ҳамда бундай мурожаат қонунда белгиланиши шарт ва тартиб асосида бўлиши жоиз”²¹.

Миср Араб Республикасининг референдум орқали 2014 йил 18 январда қабул қилинган ва 2019 йил апрелда ўзгартирилган Конституциясининг 85-моддасида ҳар кимнинг давлат органига ёзма равишда ва имзо қўйган ҳолда мурожаат қилиш ҳуқуқи қайд этилган. Фақат юридик шахсларгина кўпчилик номидан мурожаат қилиши мумкин²².

Украина, Россия, Беларусь ва Озарбайжон каби МДҲ давлатлари конституцияларида мурожаат қилиш ҳуқуқи миллий тизимдан халқаро доирага кўчиб ўтганининг гувоҳи бўламиз.

Украинанинг 1996 йил 28 июнда қабул қилинган Конституциясида мурожаат қилиш ҳуқуқи билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш масаласи батафсил ёритилган. Конституциянинг 40-моддасида таъкидланишича, ҳар ким яққа ва жамоавий ёзма мурожаат йўллаш ёхуд давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий бошқарув органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ва хизматчиларига шахсан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга; мурожаатлар кўриб чиқиши ва қонун билан белгиланган муддатда асослантирилган жавоб берилиши шарт.

Асосий қонуннинг 55-моддасида эса судларга мурожаат қилиш ҳуқуқи мустаҳкамланган. Ушбу

моддага кўра, “Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари судлар томонидан ҳимоя қилинади. Ҳар кимнинг давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий бошқарув органлари, мансабдор шахслар ва хизматчиларнинг қарорлари, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Ҳар ким ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун Украина Олий Радасининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Ҳар кимга ушбу Конституцияда белгиланган асосларга кўра ва қонун билан аниқлаштирилган тартибда Украина Конституциявий судига конституциявий шикоят йўллаш ҳуқуқи кафолатланади.

Ҳар ким ҳуқуқий ҳимояга оид барча миллий воситалардан фойдаланиб бўлган бўлса, ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун Украина аъзоси ёки иштирокчиси бўлган халқаро ташкилотларнинг тегишли органларига ёхуд халқаро судлов муассасаларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Ҳар ким қонунда тақиқланмаган барча усуллар билан ўз ҳуқуқ ва эркинликларини топташ ҳамда ноқонуний тажовуздан ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга”²³.

Россия Федерациясининг умумхалқ овоз бериш йўли билан 1993 йил 12 декабрда қабул қилинган ва 1993 йил 25 декабрда кучга кирган Конституциясининг 33 ва 46-моддалари мурожаат қилиш ҳуқуқига бағишланган. 46-моддага кўра: “Ҳар ким, Россия Федерациясининг халқаро шартномаларига мувофиқ ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг барча ички давлат воситалари тугаган бўлса, ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида халқаро ташкилотларга мурожаат қилишга ҳақлидир”²⁴.

Беларусь Республикасининг 1994 йил 15 мартда қабул қилинган ва референдум йўли билан 1996, 2004, 2022 йилларда ўзгартиришлар киритилган Конституциясида миллий институтлар билан бир қаторда халқаро механизмларга мурожаат қилиш ҳуқуқи аниқ ифода этилган. Асосий қо-

²⁰ Жаҳон конституциялари / Масъул муҳаррир, сўзбоши ва конституцияларга кириш сўзи муаллифи А. Х. Саидов. – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2022. – 453-б.

²¹ Ўша манба. – 254-б.

²² Constitution of the Arab Republic of Egypt: https://www.constituteproject.org/constitution/Egypt_2014.pdf.

²³ Constitution of Ukraine adopted at the Fifth Session of the Verkhovna Rada of Ukraine on June 28, 1996 and amended by the Laws of Ukraine № 2222-IV dated December 8, 2004, № 2952-VI dated February 1, 2011, № 586-VII dated September 19, 2013, № 742-VII dated February 21, 2014, № 1401-VIII dated June 2, 2016 № 2680-VIII dated February 7, 2019: <https://www.refworld.org/pdfid/44a280124.pdf>.

²⁴ Конституция Российской Федерации: <http://publication.pravo.gov.ru/Document/View/0001202007040001?index=15&rangeSize=1>.

нуннинг 40-моддаси мурожаат қилиш ҳуқуқининг ички механизмларига қаратилган: “Ҳар ким якка тартибдаги шахсий ёки жамоавий мурожаатларини давлат органларига йўллаш ҳуқуқига эга.

Давлат органлари, шунингдек мансабдор шахслар мурожаатларни кўриб чиқишга ва қонун билан белгиланган муддатда аниқ жавоб беришга мажбурдирлар. Берилган аризани кўриб чиқишни рад этиш ёзма тарзда асослантирилиши шарт”²⁵.

Конституциянинг 61-моддасида эса халқаро механизмларга ўрин берилади: “Ҳар ким Беларусь Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг барча ички давлат воситалари тугаган бўлса, ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида халқаро ташкилотларга мурожаат қилишга ҳақлидир”.

Озарбайжон Республикасининг референдум йўли билан 1995 йил 12 ноябрда қабул қилинган, 2016 йил 26 сентябрда охириги ўзгартиришлар киритилган Конституциясининг 57-моддаси мурожаат қилиш ҳуқуқига бағишланган. Унинг 1 ва 2-бандида мурожаат қилиш ҳуқуқи билан боғлиқ қуйидаги ҳолатлар қайд этилади: “Озарбайжон Республикасининг фуқаролари давлат органларига шахсан мурожаат қилиш, шунингдек, якка тартибдаги ва жамоа тарзидаги ёзма мурожаатларини юбориш ҳуқуқига эга. Ҳар бир мурожаатга қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда жавоб берилиши лозим.

Ҳарбий хизматчилар ушбу ҳуқуқдан фақат якка тартибда фойдаланиши мумкин.

Озарбайжон Республикасининг фуқаролари давлат органларининг фаолияти ва ишини, уларнинг мансабдор шахсларини, сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, бошқа жамоат бирлашмаларини, шунингдек, айрим фуқароларнинг фаолиятини ёки ишини танқид қилиш ҳуқуқига эга. Танқид учун таъқиб қилиш ман этилади. Ҳақорат ёки тухмат танқид ҳисобланмайди”²⁶.

Марказий Осиёнинг Ўзбекистонга қўшни мамлакатлари конституцияларида ҳам мурожаат қилиш ҳуқуқи маълум даражада ўз аксини топган.

Қозоғистон Республикасининг 1995 йил умумхалқ референдуми билан қабул қилинган ва 2022 йил 17 сентябрда ўзгартиришлар киритилган Конституциясининг 33-моддасида таъкидланишича: “Қозоғистон Республикаси фуқаролари давлат бошқарув ишларида бевосита ва ўзининг вакиллари орқали иштирок этиш, шахсан мурожаат қилиш, шунингдек, давлат органлари ва маҳаллий бошқарув органларига якка ҳамда жамоавий мурожаат йўллаш ҳуқуқига эга”²⁷.

Тожикистоннинг 1994 йил 16 ноябрда қабул қилинган ва 2016 йил 22 майда таҳрир қилинган Конституциясининг 31-моддасида фуқароларнинг якка ёки жамоа бўлиб давлат органларига мурожаат қилиш ҳуқуқи белгиланган²⁸.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, **хулоса қилиб айтганда**, инсонларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқи соҳасида жаҳон конституциялари ва хорижий ҳуқуқий амалиёт тажрибаси шунини кўрсатадики, мазкур ҳуқуқ ҳамда у билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларга асосий қонунларда турлича ёндашувлар ва айни пайтда ўхшаш ҳолатлар мавжуд.

Биринчидан, жаҳон конституциялари орасида мурожаат қилиш ҳуқуқига баъзи давлатларнинг конституцияларида жуда кам ўрин ажратилган ва мазкур ҳуқуқ қисқа баён этилган (АҚШ, Тожикистон, Қозоғистон, Иордания Конституциялари). Аксинча, баъзи конституцияларда мурожаат қилиш ҳуқуқига кенг ўрин ажратилган ҳамда ҳар бир ҳуқуқий ҳолат батафсил акс эттирилган (ХХР, Украина, Туркия, Руминия Конституциялари).

Иккинчидан, айрим конституцияларда мурожаат қилиш ҳуқуқининг субъектлари сифатида “ҳар ким”, “фуқаролар” ёки “резидентлар” аталмалари келтирилган. Хусусан, қуйидаги мамлакатларнинг конституцияларида мурожаат қилиш ҳуқуқи субъектлари “фуқаро” категорияси билан чекланади: Италия Конституцияси (50-модда), Португалия (23-модда), Хитой (41-модда), Саудия Арабистони (43-модда), Иордания (17-модда), Озарбайжон (57-модда), Қозоғистон (33-модда), Тожикистон Конституциялари (31-модда), Мозамбик Конституцияси (79-модда).

²⁴ Конституция Российской Федерации: <http://publication.pravo.gov.ru/Document/View/0001202007040001?index=15&rangeSize=1>.

²⁵ Конституция Республики Беларусь 1994 года (с изменениями и дополнениями, принятыми на республиканских референдумах 24 ноября 1996 г., 17 октября 2004 г. и 27 февраля 2022 г.): <https://pravo.by/pravovaya-informatsiya/normativnye-dokumenty/konstitutsiya-respubliki-belarus/>.

²⁶ Конституция Азербайджанской Республики: <https://president.az/ru/pages/view/azerbaijan/constitution>.

²⁷ Конституция Республики Казахстан (с изменениями и дополнениями): <https://constitution.kz/razdel2/>.

²⁸ Конституция Республики Таджикистан (в редакции референдумов от 26.09.1999 г., от 22.06.2003 г., от 22.05.2016 г.): <https://mfatj.ru/main/tadzhikistan/konstitutsiya>.

Аксарият давлатларнинг конституцияларида “ҳар ким”, яъни фуқаролик мақомидан қатъи назар барча шахсларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқ эътироф этилган: Франция Конституцияси (68-2-модда, 71-1-модда), Германия (17-модда), Бельгия (28-модда), Эстония (46-модда), Украина (40-модда), Ўзбекистон Конституциялари (40 ва 55-модда).

Туркия Конституциясида мазкур субъектлар категорияси аниқ ифода этилган, яъни мурожаат қилиш ҳуқуқи Туркия фуқаролари ва мамлакат ҳудудидаги резидентларга тегишли. Шунингдек, Озарбайжон Республикаси Конституциясида ҳарбий хизматчилар мурожаат қилиш ҳуқуқига эга алоҳида субъект сифатида кўрсатилган (57-модда).

Учинчидан, хорижий мамлакатлар конституцияларида мурожаат йўлланадиган дестинаторлар доираси ҳам фарқланади. Уларнинг аксариятида давлат органлари, маҳаллий бошқарув органлари ва мансабдор шахслар асосий манзил сифатида кўрсатилади. Лекин бир қатор давлатларнинг конституцияларида мурожаатларни қабул қилувчи бошқа муассасалар ҳам ваколатли орган сифатида қайд этилади. Франция Конституциясида ҳар кимнинг текширув комиссиясига ва Ҳуқуқлар ҳимоячисига (68-2-модда; 71-1-модда), Португалия Конституциясида Адолат ҳимоячиси (“Provedor de Justiça”) – Омбудсманга (23-модда), Украина Конституциясида Украина Олий Радасининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилига (55-модда), Саудия Арабистони Подшоҳлиги Асосий Низомиди Подшоҳ ёки валиаҳд Шаҳзоданинг девонхонасига (43-моддаси) шикоят билан мурожаат қилиши мумкинлиги кўрсатилган. Бундан ташқари, ХХР ва Украина Конституцияларида давлат хизматчилари (тегишлича 40 ва 41-моддалар), Польша Конституциясида давлат бошқаруви соҳасида топширилган вазифаларни бажариш билан боғлиқ тарзда жамоат ташкилотлари ва муассасалари ҳам инсонларнинг мурожаатлари йўлланадиган манзиллар сифатида қайд этилган (63-модда).

Тўртинчидан, айрим хорижий мамлакатлар конституцияларида мурожаат қилиш ҳуқуқининг муайян талаб ва шартлари ўрин олган:

– аксарият ҳолатларда мурожаатларнинг шахсан, яъки ёки бошқалар билан биргаликда йўлланиши, имзо қўйилган ҳолатда, ёзма шаклда бўлиши лозимлиги асосий шартлар ҳисобланади. Истисно тариқасида Польша Конституциясининг 63-моддасида учинчи шахснинг розилиги билан ва унинг манфаатларини кўзлаган ҳолда давлат ҳо-

кимияти органларига билвосита мурожаат қилиш ҳуқуқи тақдим этилган;

– баъзи конституцияларда кўпчилик номидан мурожаат қилиш ҳуқуқи фақат юридик шахслар ёки жамоат ташкилотларининг таъсисчилари-гагина тақдим этилган (Бельгия Конституцияси 28-модда, Миср Конституцияси 85-модда);

– бир қатор конституцияларда мурожаатдаги фактларнинг сохта бўлмаслиги шarti ҳам белгилаб қўйилган (ХХР Конституцияси 41-модда);

– айрим конституцияларда мурожаат қилиш ҳуқуқини амалга оширишда қонун талабларига риоя этиш шarti ҳам мавжуд бўлиб, бундай талаб Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Конституцияси (17-модда) ва Греция Конституциясида (10-модда) аниқ баён этилган;

– Озарбайжон Конституциясида ҳарбий хизматчиларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқидан фақат яқка тартибда фойдаланиши талаб этилган (57-модда);

– бундан ташқари, мурожаат қилиш ҳуқуқининг алоҳида махсус шартлари ҳам мавжуд бўлиб, мазкур ҳолат Словакия ва Чехия Конституцияларида учрайди. Унга кўра, фуқаролар томонидан тақдим этилган петициялар асосий ҳуқуқ ва эркинликларга путур етказмаслиги лозим ҳамда судларнинг мустақиллиги тамойилини бузмаслиги шарт (27-модда).

Бешинчидан, айрим конституцияларда мурожаат қилиш ҳуқуқини амалга оширишда фақат шарт ва талаблар билангина чекланилмай, мурожаат қилувчилар учун маълум имтиёзлар ҳамда дахлсизлик кафолати ҳам тақдим этилади. Руминия Конституциясига мувофиқ мурожаат қилиш ҳуқуқини амалга оширишда солиқ имтиёзлари ажратилган, яъни мурожаат қилиш амалиёти харажатлари солиққа тортилмайди (Руминия Конституцияси 51-модда 3-банд). Бразилия Асосий қонунида ҳеч қандай тўловларсиз петиция ҳуқуқини амалга ошириш кафолатланади (Бразилия Конституцияси 5-модда). ХХР Конституциясида ҳеч ким фуқароларга босим ўтказишга ва қасд олишга ҳақли эмаслиги (41-модда), Озарбайжон Конституциясида танқид учун таъқиб қилиш ман этилиши мустаҳкамлаб қўйилган (57-модда).

Олтинчидан, хорижий мамлакатлар конституцияларида мурожаат қилиш ҳуқуқининг шакллари хилма-хилликни намоён этади. Яъни, мурожаат қилиш ҳуқуқи орқали инсонлар ўзларига, ўзгаларга, жамият ҳаётига ёки давлат бошқаруви-

га дахлдор масалалар бўйича ариза, таклиф, меморандум, шикоят, петициялар шаклида ўз муносабатларини билдириши мумкин. Шу билан бирга мазкур ҳуқуқ доирасида мансабдор шахслар, ташкилотлар ва ҳатто алоҳида шахсларнинг фаолиятини танқид қилиш имконияти ҳам берилган (Хитой Конституциясининг 41-моддаси ва Озарбайжон Конституциясининг 57-моддаси).

Еттинчидан, аксарият конституцияларда давлат органлари, ташкилотлар, мансабдор шахслар томонидан мурожаатларни кўриб чиқиш кафолатлари мустаҳкамлаб қўйилган. Хусусан, давлат органларининг мурожаатларни кўриб чиқиши мажбурийдир (Руминия Конституцияси 51-модда, Украина Конституцияси 40-модда, Швейцария Конституцияси 33-модда). Мурожаатлар қондилмаган ҳолатда берилган аризани кўриб чиқишни рад этиш ёзма тарзда асослантирилиши шарт (Беларусь Конституцияси 40-модда). Истисно ҳолати Парагвай Конституциясида учрайди: мурожаатга қонунда белгиланган муддатда жавоб берилмаса, мурожаат рад этилган ҳисобланади (Парагвай Конституцияси 40-модда). Шунингдек, кўпчилик конституцияларда мурожаатларни кўриб чиқишнинг алоҳида тартиби ҳам белгиланган. Масалан, Португалия Конституциясига мувофиқ жамоавий характердаги петициялар Республика Ассамблеясининг ялпи мажлисларида кўриб чиқилади (23-модда).

Бироқ, умумлаштириб айтганда, аксарият конституцияларда мурожаатларни кўриб чиқиш тартибини белгилашда алоҳида қонунларга ҳавола қилинади ҳамда ҳар бир мурожаатга қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда жавоб берилиши лозимлиги қайд этилади (Польша Конституцияси 63-модда, Эстония Конституцияси 46-модда, Озарбайжон Конституцияси 52-модда, Украина Конституцияси 40-модда, Ўзбекистон Конституцияси 40-модда).

Саккизинчидан, санокли конституциялардагина инсонларнинг халқаро органларга мурожаат қилиш ҳуқуқи ўрин олган (Украина Конституцияси 55-модда, Россия Конституцияси 46-модда, Беларусь Конституцияси 61-модда ва Ўзбекистон Конституцияси 55-модда). Мазкур Конституцияларда ушбу норманинг қўлланилиши билан боғлиқ умумийлик шундаки, уларнинг барчасида тегишли давлатларнинг “халқаро шартномаларига

мувофиқ” ва “агар давлатнинг ҳуқуқий ҳимояга доир барча ички воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса” шarti асос қилиб олинади. Шуниси эътиборга молиқки, илғор мамлакатларнинг конституцияларида бундай нормалар мавжуд эмас. Бунинг сабабларидан бири, бизнинг назаримизда, уларнинг конституциялари қабул қилинаётган пайтда халқаро ташкилотларга мурожаат қилишнинг халқаро-ҳуқуқий асослари ҳам, тартиб-таомиллари ҳам, ҳатто халқаро мурожаатларни қабул қилувчи халқаро органларнинг ўзи ҳам таъсис этилмаган эди.

Илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш асосида Ўзбекистон миллий қонунчилигини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш мақсадида бир қатор таклиф ҳамда тавсияларни илгари сурish мумкин.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституциясининг 40 ва 55-моддаларининг мазмун-моҳиятини “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”ги, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги каби қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга сингдириш зарур. Айниқса, халқаро органларга мурожаат қилиш ҳуқуқи тўғрисидаги норма миллий қонунчилик ҳужжатларига транспозиция қилиниши лозим.

Иккинчидан, халқаро органларга мурожаат қилиш ҳуқуқини амалга оширишнинг тегишли тартиб-таомиллари ўрнатилган бўлиб, уларга риоя этиш мажбурийдир. Бу ҳуқуқдан фойдаланиш, биринчи навбатда, ўша тартиб-таомилларни билишни талаб этади. Шунинг учун бу соҳада ҳуқуқий хабардорлик ва саводхонликни ошириш зарурати юзага чиқади. Бизнинг назаримизда, мазкур ҳуқуқдан фойдаланиш бўйича эслатмалар, кўрсатмалар ёки қўлланмалар тайёрлаш ва халқ оммасига етказиб бериш мақсадга мувофиқ. Шундагина Ўзбекистон ҳудудида ёки бошқа хорижий давлатлар ҳудудида доимий ёки вақтинча бўлиб турган Ўзбекистон фуқаролари тегишли давлат органлари томонидан ҳуқуқлари бузилган ҳолатда халқаро органларга мурожаат қилиш ҳуқуқидан фойдалана олади ва бузилган ҳуқуқларини тиклай олиш имкониятига эга бўлади.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИНING 75 ЙИЛЛИГИ

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИДА БЕЛГИЛАНГАН ТАЪЛИМ ОЛИШ ҲУҚУҚИГА ДОИР НОРМАЛАРНИНГ ИСЛОМ ДАВЛАТЛАРИ КОНСТИТУЦИЯЛАРИДА ИФОДАЛАНИШИ

Doi: 10.34920/ DHR.2023.3.029



Жўрабой ТОШҚУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар
академияси Давлат ва ҳуқуқ институти
бўлим бошлиғи, юридик фанлар доктори,
профессор



Бахромжон ОРТИҚОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар
академияси Давлат ва ҳуқуқ институти
амалиётчи тадқиқотчиси

Аннотация. Мақолада таълим олиш ҳуқуқига оид халқаро ва минтақавий ҳужжатлар, ривожланган демократик давлатлар конституциялари ва ислом ҳуқуқи нормалари билан ҳозирги замон ислом давлатлари конституциялари нормалари қиёсий таҳлил қилиниб, улар учун хос бўлган умумийлик, ўхшашлик ва ўзига хослик аниқланган, бу йўналишда чуқур ва кенг қамровли илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш давр талаби экани асослаб берилган.

Калит сўзлар: давлат, ҳуқуқ, конституция, норма, таълим олиш, таълим бериш, мактаб, давлат мактаби, хусусий мактаб, бепул таълим, мажбурий таълим, бошланғич таълим, ўрта таълим, олий таълим.

Abstract. The article provides a comparative analysis of the norms of the Constitution of modern Islamic states with international and regional documents on the right to education, the constitutions of developed democracies and the norms of Islamic law and determines the commonality, similarity and specificity inherent in them. It is substantiated that the implementation of deep and extensive research work in this direction is a requirement of the period.

Key words: state, law, constitution, norm, Education, School, Public School, private school, free education, compulsory education, Primary Education, Secondary Education, Higher Education.

Аннотация. В статье проводится сравнительный анализ норм конституций современных исламских государств с нормами международных и региональных нормативных документов, конституций развитых демократических государств, исламского права. Показывается общность, единообразие и оригинальность упомянутых норм. Обосновывается необходимость проведения глубоких и широкомасштабных исследований в этом направлении.

Ключевые слова: государство, право, конституция, норма, образование, преподавание, школа, государственная школа, частная школа, бесплатное образование, обязательное образование, начальное образование, среднее образование, высшее образование.

Инсон ва фуқароларнинг халқаро ва минтақавий ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда деярли барча давлатларнинг, шу жумладан ислом давлатларининг конституциялари билан кафолатланган маданий ҳуқуқларидан бири – таълим олиш ҳуқуқидир. Хусусан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 26-моддаси 1-қисмида қайд этилишича: **“Ҳар бир инсон таълим олиш ҳуқуқига эга. Таълим олиш, ҳеч бўлмаганда, бошланғич ва умумий таълим текин бўлиши лозим. Бошланғич таълим мажбурий бўлиши керак. Техник ва касбий таълим ҳамманинг имкони етадиган бўлиши, олий таълим эса ҳар кимнинг қобилиятига асосан ҳамма учун бир хил имконият даражасида бўлиши керак”**¹. Ушбу модданинг иккинчи қисмида таълим олишдан кўзланган мақсад ва унинг халқаро ҳамкорлик ҳамда тинчликни мустаҳкамлашдаги аҳамиятига алоҳида урғу берилган: **“Таълим инсон шахсининг тўлиқ ривожланишига ҳамда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига ҳурматни оширишга йўналтирилган бўлиши лозим. Таълим барча халқлар, ирқий ва диний гуруҳлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик, сабр-тоқатлилик ва дўстликка ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчликни сақлаш бўйича фаолиятига қўмаклашиши лозим”**². Унинг учинчи қисмида болаларнинг таълим олиш турини аниқлашда ота-оналарнинг қандай ҳуқуққа эга эканликлари белгилаб берилган. Унга кўра: **“Ота-оналар кичик ёшдаги болалари учун таълим турини танлашда устуворлик ҳуқуқига эгадир”**³.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг юқорида зикр этилган таълим олишга оид нормалари инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги бошқа халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда аниқлаштирилди, мазмунан бойитилди ва янада ривожлантирилди. Жумладан, **Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 13-моддасида** ушбу пактда иштирок этувчи давлатларнинг таълим соҳасидаги мажбуриятлари батафсил баён этилган: **“Пактда иштирок этувчи давлатлар ҳар бир кишининг таълим олиш ҳуқуқини эътироф этади, уларнинг таълим соҳасидаги**

чора-тадбирлари инсон шахсининг тўлиқ ривожланиши ва унинг кадр-қимматини англашга қаратилган бўлиши лозим, шунингдек улар инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳурмат қилишни мустаҳкамлаши зарур. Таълим барчага эркин жамиятнинг фойдали аъзолари бўлишга имкон яратиши, барча ирқий, этник ва диний гуруҳлар ўртасидаги дўстликка, хайрихоҳликка ва сабр-тоқатли бўлишга ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчликни сақлаш борасидаги ишига қўмаклашишни таъминлаши лозим”⁴.

Пактда унинг иштирокчиси бўлган давлат ҳар бир инсоннинг таълим олиш билан боғлиқ ҳуқуқларини тўла таъминлаш учун қандай чора-тадбирларни кўриши лозимлиги алоҳида қайд этилган. Буларга қуйидагилар киради:

- бошланғич таълим ҳамма учун мажбурий ва текин бўлиши керак;

- ўрта таълимнинг барча шакллари, жумладан ҳунар-техника ўрта таълими очик бўлиши ва барча зарур чоралар кўрилиб, хусусан, аста-секин пулсиз таълим олишни жорий этиш йўли билан барчанинг имкони етадиган даражага эришиш лозим;

- ҳар бир инсоннинг қобилиятини ҳисобга олган ҳолда барча зарур чораларни кўриш, хусусан аста-секин бепул таълим олишни жорий этиш йўли билан олий таълим олиш ҳамма учун имкон етадиган даражада бўлишига эришиш керак;

- оддий таълим бошланғич таълимнинг тўлиқ курсини ўتماган ёки тугалламаган кишилар учун имкон борида рағбатлантирилиши ёки жадаллаштирилиши лозим;

- барча даражадаги мактаблар тармоқлари фаол ривожлантирилиши, стипендияларнинг қониқарли тизими белгиланиши ва ўқитувчиларнинг моддий аҳволи доимий равишда яхшиланиб бориши керак⁵.

Шунингдек пакт иштирокчилари бўлган давлатлар ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчиларнинг ўз фарзандларининг таълим олиши ва уларнинг тарбияси борасидаги ҳуқуқларини ҳурмат қилиши, камситишга йўл қўймаслиги, уларнинг ижросини таъминлаши, фарзандларининг

¹ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. – Т.: “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази, 2023. – 24-25-бетлар.

² Ўша жойда.

³ Ўша жойда.

⁴ Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт // норасмий таржима / <https://lex.uz/docs/2686000>.

⁵ Ўша манба.

таълим ва тарбияси борасида тегишли ҳуқуқларга эга шахсларнинг мактаб турини танлаш ва дунёвий таълим билан бирга диний ва ахлоқий таълим олиши масаласини ҳал қилиш ҳуқуқини амалга ошириш чораларини кўриши ҳам мазкур пактда алоҳида қайд этилган. Пактга мувофиқ:

– иштирок этувчи давлатлар ота-оналарнинг ва тегишли ҳолларда қонуний васийларнинг ўз фарзандлари учун давлат ҳокимияти таъсис этган мактабларнигина эмас, таълим олиш учун давлат томонидан белгиланиши ёки тасдиқланиши мумкин бўлган энг кам талабга жавоб берувчи мактабларни ҳам танлаб олиш эркини ҳурмат қилиш мажбуриятини олади;

– ота-оналар ёки қонуний васийларнинг бу эришга ўз шахсий эътиқодига кўра фарзандларини диний ва ахлоқий таълим билан таъминлашлари ҳам киради;

– айрим шахслар ва муассасаларнинг давлат томонидан белгиланган ёки тасдиқланган энг кам талабларга риоя қилган ҳолда ўқув юртларини очиш ҳуқуқини иштирокчи давлатлар таъминлаши лозим⁶.

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияда болаларнинг таълим олишлари учун мазкур конвенцияга қўшилган давлатлар қандай ташкилий, иқтисодий, молиявий шарт-шароитлар ва имкониятлар яратиб бериши лозимлиги батафсил белгиланган. Конвенциянинг 28-моддаси биринчи қисмида қайд этилишича, иштирокчи давлатлар боланинг илм олиш ҳуқуқини эътироф этадилар ҳамда ана шу ҳуқуқ тенг имкониятлар асосида амалга оширишга аста-секин эришиш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни кўришни ўз зиммасига оладилар:

– бепул ва мажбурий бошланғич таълимни жорий этиш;

– ҳам умумий, ҳам касб-ҳунар бўйича ўрта таълимни, таълимнинг турли шакллари ривожланишини рағбатлантириш, бундай таълимдан барча болалар баҳраманд бўлишларини таъминлаш ҳамда бепул таълим жорий этиш ва зарурат бўлган ҳолларда, молиявий қўллаб-қувватлаш каби керакли чора-тадбирларни кўриш;

– ҳар бир бола ўз қобилияти асосида олий таълимдан баҳраманд бўлишини барча зарур воситалар ёрдамида таъминлаш;

– барча болалар учун таълим ва касб-ҳунар тайёргарлиги соҳасида ахборот ҳамда материаллар билан танишиш имкониятларини яратиб бериш;

– болаларнинг мактабга мунтазам боришларига қўмаклашиш ҳамда мактабни ташлаб кетадиган ўқувчилар сонининг камайиши учун чора-тадбирлар кўриш⁷.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида таълим соҳасида зарур бўлган тартиб-интизомни таъминлаш учун иштирокчи давлатлар томонидан кўрилиши мумкин бўлган чора-тадбирларни белгилловчи қоида баён этилган. Унга мувофиқ: “Иштирокчи давлатлар мактаб интизомини боланинг инсонийлик қадр-қимматини ҳурматлашда ўз ифодасини топган усуллар ёрдамида ҳамда ушбу конвенцияга мувофиқ олиб бориш мумкин бўлган барча зарур чора-тадбирларни кўрадилар”⁸.

Мазкур модданинг учинчи қисмида бутун дунёда жоҳиллик ва саводсизликка барҳам бериш учун иштирокчи давлатларнинг халқаро ҳамкорлик борасидаги мажбуриятлари, ривожланаётган давлатларни қўллаб-қувватлашдаги масъулиятларига алоҳида урғу берилган. Унга биноан: “Иштирокчи давлатлар таълимга тааллуқли масалалар бўйича, жумладан, бутун дунёда жоҳиллик ва саводсизликни тугатишга ёрдам берадиган ҳамда илмий-техникавий билимлар ва ўқитишнинг замонавий усулларида йўл очишни енгиллаштирадиган мақсадларга қаратилган халқаро ҳамкорликни рағбатлантирадиган ва ривожлантирадиган. Шу сабабли ривожланаётган мамлакатларнинг эҳтиёжларига алоҳида эътибор берилиши зарур”⁹.

Конвенциянинг 29-моддаси биринчи қисмида болага таълим беришнинг асосий йўналишларини ташкил қилиш борасидаги иштирокчи давлатларнинг мажбуриятлари ва уларни амалга оширишдан кўзланган мақсадлар тўғрисидаги нормалар баён этилган. Унга кўра, болага таълим бериш қуйидаги йўналишларда олиб борилиши лозим:

⁶ Ўша манба.

⁷ Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция / <https://lex.uz/docs/2595913>.

⁸ Ўша манба.

⁹ Ўша манба.

– боланинг шахси, истеъдоди, ақлий ва жисмоний қобилиятларини тўла ривожлантириш;

– инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомиди эълон қилинган тамойилларга ҳурматни тарбиялаш;

– боланинг ота-онага, унинг маданий ўзига хослиги, тили ва кадриятларига, бола яшаётган мамлакатнинг ҳамда у туғилган юртнинг миллий кадриятларига, ўзиникидан фарқ қиладиган маданий тараққиёт даражасига ҳурмат билан қарашни тарбиялаш;

– болани эркин жамиятда, тинчлик, сабр-тоқатли бўлиш, эркаклар ва аёлларнинг тенглиги ҳамда барча халқлар, этник, миллий ва диний гуруҳлар, шунингдек, туб аҳоли орасидан бўлган шахслар ўртасида дўстлик руҳида тайёрлаш;

– атроф-муҳитга ҳурматни тарбиялаш¹⁰.

Таълим тўғрисидаги қоидалар юқоридаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар билан бирга ер юзининг алоҳида қитъаларида жойлашган миллатларнинг ўзларининг ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий, этник, эътиқодий хусусиятлари, турмуш тарзи, урф-одатлари, тарихий анъаналари, миллий менталитетини ҳисобга олиб қабул қилган минтақавий ҳужжатларида ўз аксини топди. Хусусан, Осиё ва Африка қитъаларидаги ислом давлатлари томонидан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон ислом декларацияси (1981), Исломда инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Қоҳира декларацияси (1990), Исломда бола ҳуқуқлари тўғрисидаги пакт (2005) шулар жумласидандир. Ушбу ҳужжатларда ўз аксини топган инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, шу жумладан инсон ва фуқароларнинг таълим олиш ҳуқуқи тўғрисидаги нормаларда халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг тегишли нормалари, Ғарб давлатлари ҳуқуқий тизими, классик ислом ҳуқуқи ва одат ҳуқуқининг таъсири яққол кўзга ташланади. Хусусан, 1981 йилнинг 19 сентябрида Европа ислом кенгаши ташаббуси билан Парижда ЮНЕСКО штаб квартирасида қабул қилинган **Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон ислом декларациясининг** 21-моддасида: “Ҳар ким ўзининг туғма қобилияти ва имкониятларидан келиб чиқиб, таълим олиш ҳуқуқига эга. Ҳар ким эркин

касб ва хизмат (фаолият) турини, ўзининг туғма қобилиятларини тўлиқроқ ривожлантириш имкониятларини танлаш ҳуқуқига эга”¹¹, дея белгиланган.

1990 йилнинг 5 августида Ислом конференцияси ташкилоти аъзолари томонидан қабул қилинган **Исломда инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Қоҳира декларациясининг** 9-моддасига биноан, “Билим олиш ҳар бир инсоннинг мажбуриятидир, таълим билан таъминлаш жамият ва давлатнинг бурчидир, давлат таълим олишнинг шакллари (йўллари) ва воситалари билан таъминлайди, ҳар бир инсоннинг Ислом дини ва инсон фаровонлиги учун Бутун олам ҳақидаги турли билимларни жамият манфаатларидан келиб чиқиб олишини кафолатлайди. Ҳар бир инсон ўз шахсиятини ҳар томонлама ва барқарор ривожлантириш учун турли таълим ва тарбия муассасаларида, шу жумладан оила, мактаб, университетлар, оммавий ахборот воситаларида ва ҳоказоларда диний ва дунёвий таълим олиш ҳуқуқига эга”¹².

Декларациянинг 24-моддасида қайд этилишича, унда ўз аксини топган ҳуқуқ ва эркинликлар билан боғлиқ муносабатлар ислом шариати билан тартибга солинади. 25-моддада таъкидланишича, декларацияда зикр этилган моддаларни шарҳлаш ёки тушунтиришда ислом шариати ягона манбадир¹³.

Ислом конференцияси ташкилоти томонидан 2005 йил 28 июнда қабул қилинган **Исломда бола ҳуқуқлари тўғрисидаги пакт**да боланинг бошқа ҳуқуқлари билан бир қаторда унинг таълим олиш ҳуқуқига, ушбу ҳуқуқни кафолатли таъминлаш бўйича пактга қўшилган давлатларнинг зиммасига юклатиладиган мажбуриятларга алоҳида эътибор қаратилган. Пактнинг 12-моддасига биноан, ҳар бир бола ислом таълим тамойилларини (шунингдек, шариатга кўра эътиқод ҳамда шариатни) ўрганиш ва унинг ақлий, руҳий ҳамда жисмоний қобилиятларини ривожлантириш учун зарур воситаларни тақдим этиш орқали бепул мажбурий асосий таълим олиш ҳуқуқига, унга инсоният маданиятининг умумий стандартларига очиқ бўлишига имкон берилади. Боланинг таълим олишини ка-

¹⁰ Ўша манба.

¹¹ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон ислом декларацияси / https://idmedina.ru/books/history_culture/minaret/16/declaracia-01.htm.

¹² Исломда инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Қоҳира декларацияси / https://idmedina.ru/books/history_culture/minaret/16/declaracia-02.htm.

¹³ Ўша манба.

фолатли таъминлаш учун пактда иштирок этувчи давлатлар зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилади:

- барча болаларнинг тенг асосда мажбурий, бепул бошланғич таълим олишига тегишли шарт-шароитлар яратиш;

- ўн йил ичида барча болаларнинг прогрессив асосда бепул ва мажбурий таълим олишини кафолатлаш;

- ҳар бир боланинг қобилияти ва қизиқишини ҳисобга олган ҳолда, ҳар бир давлатнинг таълим тизимига мувофиқ олий таълим олиш учун имконият бериш;

- ҳар бир боланинг ислом шариатида, жамоат одоби ва ҳаёсига риоя қилган ҳолда ўз эътиқодига мос кийим кийиш ҳуқуқини таъминлаш;

- саводсизлик, мактабни ташлаб кетганлар ва асосий таълимдан маҳрум бўлганлар муаммосини самарали ҳал қилиш;

- таълимнинг барча босқичларида аълочи ва иқтидорли ўқувчиларга ғамхўрлик кўрсатиш;

- болалар учун ўқув китоблари (дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва бошқалар) тайёрлаш ва нашр этиш, болалар кутубхоналарини ташкил этиш, болаларга тааллуқли маданий, ижтимоий ва бадий материалларни тарғиб қилиш, болалар билимини рағбатлантиришда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш;

- балоғат ёшига яқинлашаётган болаларнинг тўғри жинсий тарбия олишини таъминлаш учун улар ҳалол ва ҳаромни (ноқонунийликни) фарқлашга хизмат қиладиган билимларни олишига шароит яратиш¹⁴.

Пактда давлат таълим муассасалари билан бир қаторда хусусий таълим муассасаларини очишга рухсат этилиши мумкинлиги, уларга қўйиладиган талаблар ҳам ўз аксини топган. Пактнинг 12-моддаси 4-бандида қайд этилишича, “Агар хусусий таълим муассасалари ислом шариати қоидаларини ҳурмат қилса ва қонунда белгиланган таълимга қўйиладиган талабларга жавоб берса, болаларнинг уларда таълим ва тарбия олишига тўсқинлик қилинмайди. Бундай муассасалар давлат томонидан

белгиланган қоидалар асосида ташкил этилади ва ўз фаолиятини амалга оширади”¹⁵.

Пактнинг 11-моддасида бола тарбияси учун масъул бўлган шахслар ва иштирокчи давлатлар муассасаларининг вазифалари белгилаб берилган. Унга кўра, соғлом тарбия боланинг ҳуқуқи бўлиб, вазиятга қараб унинг ота-онаси ёки қонуний вакиллари зиммасига юкланади ва бунда давлат муассасалари ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда уларга ёрдам беради.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида болани тарбиялашдан кўзланган мақсаднинг асосий йўналишлари ҳам баён этилган:

- боланинг шахсини, диний-ахлоқий қадриятларини, фуқаролик туйғусини, исломий ва инсоний ҳамжиҳатликни ривожлантириш, унда ўзаро тушуниш, мулоқот, бағрикенглик ва халқлар ўртасидаги дўстлик руҳини шакллантириш;

- болани янги вазиятларга дуч келиш ва салбий одатларни енгиш учун кўникма ҳамда қобилиятларни эгаллашга, илмий ва объектив фикрлаш асосида ўсишга ундаш¹⁶.

Кўпчилик ривожланган демократик давлатларнинг конституцияларида таълим олиш ва таълим бериш ҳуқуқи инсон ҳамда фуқароларнинг энг муҳим ҳуқуқларидан эканлиги эътироф этилиб, мазкур ҳуқуқни кафолатли таъминлашни давлат ўз зиммасига олган. Жумладан, **Германия Федератив Республикаси Асосий қонунининг** 5-моддасида қайд этилишича, “Санъат ва илм-фан, тадқиқотлар ўтказиш ва таълим бериш эркиндир. Таълим бериш эркинлиги Конституцияга сadoқатли бўлиш мажбуриятидан озод қилмайди”¹⁷. 12-моддага биноан, “Барча немислар ўзлари учун касбни, иш ва таълим олиш жойини эркин танлаш ҳуқуқига эгадир”¹⁸. Асосий қонуннинг 7-моддасида мактабгача таълимни ташкил этиш ва назорат қилиш, унинг турлари, шу жумладан диний таълим олиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи қоидалар ўз аксини топган. Ушбу моддага кўра, “Бутун мактаб иши давлат назоратидадир. Болалар тарбиясига ваколатли шахслар уларнинг диний таълим олиш масаласини ҳал қилиш

¹⁴ Исломда бола ҳуқуқлари тўғрисидаги пакт / <https://www.refworld.org/docid/44eaf0e4a.html>.

¹⁵ Ўша манба.

¹⁶ Ўша манба.

¹⁷ Германия Федератив Республикасининг Асосий қонуни / Масъул муҳаррир, нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи А. Х. Саидов. – Т.: “Akademnashr”, 2019. – 63-б.

¹⁸ Ўша манба. – 67-б.

ҳуқуқига эга. Диний таълим умумий мактабларда мажбурий ҳисобланади, конфессияларга мансуб бўлмаган мактаблар бундан мустасно. Диний таълим давлатнинг назорат қилиш ҳуқуқига таъсир килмаган ҳолда, диний жамоалар принциплари-га мувофиқ равишда олиб борилади, ўқитувчи ўз хоҳиш-иродасига зид ҳолда диний таълим бериш-га мажбур эмас”¹⁹.

Шунингдек, мазкур моддада хусусий мактабларни ташкил қилиш, уларда таълим бериш жараёнини амалга ошириш, хусусий мактабларга қўйиладиган талаблар, дунёвий хусусий мактабларда диний таълим беришни ташкил этиш билан боғлиқ қоидалар белгилаб қўйилган. Унга қўра, хусусий мактаблар очиш ҳуқуқи кафолатланади. Хусусий мактаблар фақат давлат рухсати билангина умумий мактаблар ўрнига ўтиши мумкин ва улар ўлакаларнинг қонунларига бўйсунди. Давлат томонидан хусусий мактабларга рухсатномалар, агар улар ўз таълим мақсадлари ва ташкил этилиши бўйича ҳам, шунингдек ўқитувчи ходимларнинг илмий малакасига қўра ҳам умумий мактаблардан қолишмаса ва агар уларда ўқувчиларга ота-оналарнинг мулкӣ аҳволига қараб бошқача муносабатда бўлиш рағбатлантирилмаса, берилиши керак. Агар ўқитувчиларнинг иқтисодӣ ва ҳуқуқӣ аҳволи лозим даражада таъминланмаса, рухсатнома берилиши рад этилиши мумкин. Бундан ташқари, ушбу моддада таъкидланишича, хусусий халқ мактабини ташкил этишга, агар таълим бошқармаси бу алоҳида педагогик манфаатларга жавоб беради, деб топса ёки ушбу мактаб болаларига тарбиялашга ваколатли бўлган шахсларнинг таклифи билан конфессиялараро, конфессиявий ёки дунёвий мактаб сифатида очилса ва агар жамоада бу хилдаги халқ мактаби бўлмаса, йўл қўйилади”²⁰.

1958 йил 4 октябрда қабул қилинган **Франция Республикаси Конституциясининг** таркибий қисми сифатида эътироф этилган 1946 йил 27 октябрдаги Конституциянинг муқаддимасида қайд этилишича, “Француз миллати болалар ва катталарга таълим олиш, касбий тайёргарлик кўриш ва маданият ҳуқуқларидан тенг фойдаланишни кафолатлайди. Барча босқичдаги бепул ва дунёвий

давлат таълимини ташкил этиш давлатнинг вазифасидир”²¹. 2004 йилдаги Атроф-муҳит хартиясининг 8-моддасига мувофиқ, “Атроф-муҳит соҳасидаги таълим ва тарбия ушбу хартияда белгиланган ҳуқуқлар ва мажбуриятларни амалга оширишга кўмаклашиши керак”²².

Италия Республикаси Конституциясининг 33-34-моддаларида таълим олиш эркинлиги, таълим муассасалари давлат, ташкилотлар ва алоҳида шахслар томонидан ташкил этилиши, давлат ва нодавлат мактабларда ўқувчилар учун тенг шароитлар яратилиши, таълим муассасаларига ўқувчи ва талабаларни қабул қилиш, уларнинг моддий ва молиявий таъминоти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи қоидалар мустаҳкамлаб қўйилган:

санъат ва фан, уларни ўқитиш эркин бўлгани каби эркиндир, яъни санъат ва фаннинг турли соҳаларида таълим олиш эркиндир;

Италия давлати таълим соҳасида умумий қоидаларни ўрнатади ҳамда барча категория ва даражадаги давлат мактабларини таъсис этади;

ташкилотлар ва алоҳида шахслар давлат ҳисобидан таъминланмайдиган мактаблар ва таълим муассасаларини таъсис этиш ҳуқуқига эга;

давлат мактаблари билан тенгликка интилаётган нодавлат мактабларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилашда қонун уларга тўлиқ эркинликни, мазкур мактаб ўқувчиларига эса-давлат мактаблари ўқувчилари учун яратилган шароитларга тенг таълим олишни кафолатлайди;

турли хил ва даражадаги мактабларга қабул қилиш ҳамда уларни тугаллаш, шунингдек, касбий фаолиятни амалга оширишга рухсат олиш учун давлат имтиҳонлари кўзда тутилган;

олий маданият муассасалари, университетлар ва академиялар давлат қонунчилиги билан белгиланган доирада ўз низомларини қабул қилиш ҳуқуқига эга;

таълим муассасалари ҳамма учун очиқ; камида саккиз йил ўқитиладиган бошланғич таълим мажбурий ва бепулдир;

қобилиятли ва рағбатлантиришга муносиб бўлган ўқувчилар ҳатто маблағлардан маҳрум бўлсалар-да, юқори даражадаги таълим олиш ҳуқуқи-

¹⁹ Ўша манба. – 64-б.

²⁰ Ўша манба. – 64-65-бетлар.

²¹ Франция Республикаси Конституцияси / Сўзбоши муаллифи А. Саидов. Таржимон Л. Исоқов. – Т.: “O‘zbekiston”, 2018. – 77-б.

²² Ўша манба. – 81-б.

га эга, давлат ушбу ҳуқуқни танлов асосида ажратиладиган стипендиялар, оилавий нафақалар ва ёрдам кўрсатишнинг бошқа шакллари тақдим этиш орқали ҳаётга жорий этишни таъминлайди²³.

Юқорида қайд этилган халқаро ва минтақавий ҳуқуқий ҳужжатлар, ривожланган демократик давлатлар конституцияларининг таълимга оид қондалари ҳозирги замон ислом давлатларининг конституцияларида ва ислом ҳуқуқининг бошқа манбаларида ўзининг у ёки бу даражада ифодасини топган. Ҳар бир давлат ўзининг миллий хусусиятлари, иқтисодий ва молиявий имкониятлари, тарихий анъаналари, ислом шариати талабларини ҳисобга олиб, инсон ва фуқароларнинг таълим олиш ҳуқуқи кафолатларини ўз конституциясида мустаҳкамлаб қўйган.

Ислом давлатларида (бугунги кунда 28 та давлатда ислом дини расман давлат дини сифатида эътироф этилган) инсон ва фуқароларнинг таълим олиш ҳуқуқи ҳақида гапирганда, таълим олиш, илм талаб қилиш исломнинг бош ғояларидан бири эканини таъкидлаш жоиз. Зеро, исломнинг муқаддас китоби бўлмиш Қуръоннинг луғавий маъноси “ўқиш”, бу диннинг бош тарғиботчиси, Аллоҳ тало томонидан инсонлар ичидан танлаб олинган элчи, пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.)га биринчи ваҳий қилинган сўз “Иқроъ”, яъни араб тилидан таржима қилганда “ўқи” сўзидир.

Бугунги кунда таълим олиш ҳуқуқи билан аталаётган, инсон ва фуқароларнинг муайян бир нарсаси, воқеа, ҳодисани (жамият, атроф-муҳит, коинот, борлиқдаги ижтимоий муносабатлар ва ҳоказо) тизимли равишда ўрганиш, тасаввур ҳосил қилиш, яъни илм олишни ислом мўмин ва мўминалар учун фарз, яъни мажбурият сифатида белгилайди. Албатта, бунда шаръий томондан фарзи айн ва фарзи кифоя даражасидаги илм турлари мавжудлигини ҳам эсда тутишимиз лозим.

Шунингдек, ислом динининг муқаддас китоби Қуръони Каримнинг Фотир сураси 28-оятда шундай дейилган: “Бандалари орасида Аллоҳдан уламоларгина кўрқарлар”²⁴. Пайғамбаримиз Муҳам-

мад (с.а.в.) ҳадисларида “Чинга (Хитойга) бориб бўлса ҳам, илм ўрганишлар”, дея таъкидланган²⁵. Ислом тарихида Бадр жангида асир тушган бир гуруҳ Макка мушрикларининг мусулмонларга ўқиш ва ёзишни таълим бериши эъзига озод этилишга ҳукм қилиниши²⁶ ҳам, илк ислом давлатчилиги меъёрлари яратилаётган бир даврда таълимга бўлган эътиборнинг даражасини кўрсатиб беради.

Ислом давлатларининг бугунги кундаги конституцияларида ҳам инсон ва фуқароларнинг таълим олиш ҳуқуқлари кафолатланган. Қуйида ислом давлатлари конституцияларида инсон ва фуқароларнинг таълим олиш ҳуқуқига оид нормаларнинг қисқача таҳлилини баён этамиз.

Бошланғич таълимнинг бепул ва мажбурий тартибда амалга оширилиши **Жазоир, Баҳрайн, Бангладеш, Ироқ, Иордания, Бирлашган Араб Амирликлари давлатлари Конституцияларида кафолатланган.** Баҳрайн Конституциясининг (2002 йил) 7-моддасида мажбурий ва бепул бошланғич таълим қонун билан белгила-ниши ва кўриб чиқилиши; Жазоир Конституциясининг (2020 йил) 68-моддасида таълим ҳуқуқи кафолатланиши, давлат таълим сифатини доимий равишда ошириб боришни таъминлаши, давлат таълими қонунда белгиланган тартибда бепул амалга оширилиши, бошланғич таълим мажбурий ҳисобланиши; Бангладеш Конституциясининг (1972 йил) 17-моддасида давлат таълим соҳасида ягона, оммавий ва умумбашарий таълим тизимини ўрнатиш ва тегишли босқичларда барча болалар учун мажбурий ва бепул таълим беришни қонун билан белгилаш мақсадида таъсирчан чоралар кўриши; Ироқ Республикаси Конституциясининг (2005 йил) 34-моддасига кўра таълим олиш жамият тараққиётининг асосий омили ҳисобланиб, давлат томонидан кафолатланган ҳуқуқ эканлиги, бошланғич таълим мажбурий бўлиб, давлат саводсизликка қарши курашни кафолатлаши; Иордания Конституциясининг (1952 йил) 20-моддасида бошланғич таълим иорданияликлар учун мажбурий ва давлат мактабларида бепул эканлиги; Бирлашган

²³ Қаранг: Жаҳон конституциялари / Масъул муҳаррир, сўзбоши ва конституцияларга кириш сўзи муаллифи А. Х. Саидов. – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2022. – 690 б.

²⁴ Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи Шайх Абдулазиз Мансур. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2004. – 437-б.

²⁵ Қаранг: Абдурашид қори Баҳромов. Илмга интилайлик // Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ойлик диний-ижтимоий, илмий-адабий нашри – “Ҳидоят” журнали, 1999 йил, 1-сон. – 1-б.

²⁶ Хассан Абдулқодир Саййид Юсуф. Тайсийру сийроти набавия. – Истанбул: “Ақдем публишинг”, 2022. – 49-б.

Араб Амирликлари Конституциясининг (1971 йил) 17-моддасида ижтимоий тараққиётнинг асоси таълим хисобланиши, бошланғич таълим барча босқичларда мажбурий ва бепул экани мустаҳкамланган²⁷.

Ўрта босқичга қадар бепул ва мажбурий таълим Миср, Эрон, Покистон, Сурия, Тунис Конституцияларида белгиланган. Жумладан, Миср Конституциясининг (2014 йил) 19-моддасида таълим ўрта ёки унга тенглаштирилган босқични тугатгунга қадар мажбурийлиги; Эрон Ислом Республикаси Конституциясининг (1979 йил) 30-моддасида ҳукумат ўрта мактабгача бепул таълимни барча фуқароларга таъминлаши кераклиги ва мамлакат ўзини-ўзи таъминлаш даражасига қадар бепул олий таълимни кенгайтириши зарурлиги; Покистон Конституциясининг (1973 йил) 25 а-моддасида давлат 5 ёшдан 16 ёшгача бўлган барча болаларга қонунда белгиланган тартибда бепул ва мажбурий таълимни таъминлаши; Сурия Конституциясининг (2012 йил) 29-моддасида таълим давлат томонидан қафолатланган ҳуқуқ экани ва у барча босқичларда бепул бўлиши кераклиги, таълим таянч ўрта таълим босқичини тугатгунга қадар мажбурийлиги, давлат қолган босқичларда мажбурий таълимни кенгайтиришга ҳаракат қилиши зарурлиги; Тунис Конституциясининг (2014 йил) 39-моддасида таълим 16 ёшга қадар мажбурийлиги, давлат барча босқичларда бепул давлат таълимини қафолатлаши ва таълим сифатини ошириш, ўқитиш ҳамда тарбия беришга доир барча имкониятлар билан таъминлаши мустаҳкамланган²⁸.

Булардан фарқи ўлароқ **Сомали** давлати ўрта босқичга қадар бепул таълимни мажбурият эмас, ҳуқуқ деб белгилайди: “Таълим – бу барча сомали фуқароларининг асосий ҳуқуқидир. Хоҳлаган фуқаро ўрта босқичгача бепул таълим олиш ҳуқуқига эга”²⁹.

Шунингдек, **Саудия Арабистони** (1992 йил, 30-модда), **Қатар** (2003 йил, 25-модда), **Малайзия** (1957 йил, 12-модда), **Судан** (1998 йил, 12-модда), **Уммон** (1996 йил, 13-модда) давлатлари Конституцияларида таълим ҳуқуқининг қафолатлари умумий асосларда қайд этилган бўлса, **Бруней** (1959 йил), **Мавритания** (1991 йил), **Комор ороллари** (2001 йил) Конституциялари ва **Фаластин Миллий Хартиясида** (1968 йил) инсон ва фуқароларнинг таълим олиш ҳуқуқи қафолатлари Конституцияда эмас, балки таълимга оид бошқа қонунчилик ҳужжатлари доирасида белгиланган. Хусусан, бу соҳада Фаластинда Таълим ва олий таълим вазирлиги томонидан 2017 – 2022 йилларга мўлжалланган таълим секторидаги стратегик режа ишлаб чиқилган³⁰.

Кўриб чиқилаётган кўплаб конституцияларда бу соҳада ислом динининг устувор роли белгиланган. Баҳрайн Конституциясининг 7-моддасига кўра, қонун таълим тизимидаги диний таълимни турли даража ва профилларда тартибга солади. Миср Конституциясининг 24-моддасига мувофиқ, диний таълим таълим тизимининг асосий предмети ҳисобланади. Яман Конституциясининг 54-моддасига кўра, давлат таълим тизимида динни ўқитишни таъминлайди. Сомали Конституциясининг 30-моддасида мусулмон бўлмаганларга тегишли мактаблардан ташқари барча мактабларда исломни ўқитиш мажбурий экани белгиланган. Тунис Конституциясининг 44-моддасига биноан, таълим тизимида давлат ёш авлодда араб ва ислом ўзига хослигининг илдиз отишига ҳаракат қилади³¹. Шунингдек, Мальдив Конституциясининг 36-моддасида таълим исломга тоатни сингдиришга, унга муҳаббат уйғотишга ҳаракат қилиши кераклиги, Малайзия Конституциясининг 12-моддасида исломий таълим муассасаларини ташкил этиш, қўллаб-қувватлаш, сақлаш, ислом динини ўргатишда ёрдам бериш ва шу мақсадларда зарурий молия-

²⁷ Қаранг: Баҳрайн Конституцияси / <https://worldconstitutions.ru/?p=79>; Жазоир Конституцияси / <https://www.wipo.int/wipolex/ru/text/580184>; Бангладеш Конституцияси / <https://www.wipo.int/wipolex/ru/text/583953>; Ироқ Конституцияси / <https://worldconstitutions.ru/?p=338>; Иордания Конституцияси / <https://worldconstitutions.ru/?p=82>; БАА Конституцияси / <https://worldconstitutions.ru/?p=89>.

²⁸ Қаранг: Миср Конституцияси / <https://worldconstitutions.ru/?p=1013>; Эрон Конституцияси / <https://worldconstitutions.ru/?p=83>; Покистон Конституцияси / <https://www.wipo.int/wipolex/ru/text/497260>; Сурия Конституцияси / <https://worldconstitutions.ru/?p=459>; Тунис Конституцияси / <https://worldconstitutions.ru/?p=1049>.

²⁹ Қаранг: Сомали Муваққат Конституцияси. 30-модда / <https://worldconstitutions.ru/?p=777>

³⁰ Қаранг: Фаластин Таълим ва олий таълим вазирлигининг 2017 – 2022 йилларга мўлжалланган таълим секторидаги стратегик режаси / https://planipolis.iiep.unesco.org/sites/default/files/ressources/palestine_education_sector_strategic_plan_2017--2022.pdf.

³¹ Сюкияйнен Л. Р. Ислам и конституции арабских стран / <https://publications.hse.ru/pubs/share/direct/803246797.pdf>.

вий таъминловчи махсус фондлар ҳақидаги федерал қонунларни қабул қилиш белгиланган.

Ислом давлатлари ичида инсон ва фуқароларнинг таълим олиш, таълим бериш ҳуқуқининг кафолатлари, таълим муассасалари фаолиятига давлат томонидан ғамхўрлик қилинишининг аниқ чора-тадбирлари белгиланган **Миср Конституцияси** яққол кўзга ташланади. Шу боис, ундаги нормаларни алоҳида келтиришни лозим топдик: “Давлат давлат харажатларининг маълум қисмини – ялпи ички маҳсулотнинг 4 фоизидан кам бўлмаган қисмини таълимга ажратишга мажбурдир. Бу кўрсаткич жаҳон даражасига етгунга қадар босқичма-босқич амалга оширилади” (19-модда).

Миср Конституциясида қайд этилишича, давлат илмий тадқиқотларга эркинлик беради, илмий тадқиқот институтларини миллий суверенитет ва билим иқтисодиётини қуриш воситаси сифатида рағбатлантиради. Давлат тадқиқотчиларга ва ихтирочиларга ҳомийлик қилади ҳамда илмий тадқиқотлар учун ялпи миллий маҳсулотнинг камида 1 фоизи миқдорида давлат харажатларидан ажратади. Ушбу кўрсаткич жаҳон стандартларига етгунга қадар ўсиб боради.

Миср Конституциясининг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, унда ал-Азҳар университетининг мақоми Конституция даражасида белгиланган. Университетга конституциявий мақом бериш бошқа ҳеч бир ислом давлатида учрамайди.

Ал-Азҳар (ал-Жоми ал-Азҳарнинг қисқа номи) – Қоҳирадаги жоме масжид, университет, ўрта ва ўрта махсус билим юрғларини ўз ичига олган йирик расмий диний муассаса. Масжид 970 – 972-йилларда фотимий халифа ал-Муиз амрига биноан Қоҳира шаҳри билан баробар қурилган. Унинг таркибидаги мадраса (996 йилда қурилган) XI асрдан бошлаб Қуръон, ҳадис, фикҳ, тил ҳамда балоғат фанлари ўқитиладиган университетга айланган. XIV-XV асрларда унга яна бир неча янги қурилган мадрасалар қўшилган. XVIII асрда ал-Азҳар энг мўътабар умуммусулмон фан ва таълим маскани сифатида шуҳрат қозонган. XIX аср бошида ал-Азҳар уламолари Наполеон Бонапарт истилосига қарши халқ ҳаракатига бошчилик қилган. XIX аср охири – XX аср бошида ал-Азҳар Абду Муҳаммад бошчилигидаги ислохот тарафдорлари ҳамда консерваторлар ўртасидаги кураш

майдонига айланган. 1961 йилда “Ал-Азҳарни ривожлантириш ҳақида”ги қонун қабул қилинган, унга вазирлик мақоми берилган. Қонунга кўра, ал-Азҳар диний муассасасига раҳбар – Шайх-ул Азҳарни Миср Президенти тайинлайдиган бўлган. Ушбу қонун асосида ал-Азҳар университетида қатор дунёвий факультетлар, жумладан, идора ишлари ва савдо, политехника, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт, педагогика ва хотин-қизлар факультетлари очилган.

Бугунги кунда ал-Азҳар ҳузурида 50 йирик уламодан ташкил топган (шулардан 30 нафари мисрлик ва 20 нафари хорижлик уламолар) Ислом тадқиқотлари академияси фаолият кўрсатмоқда. Университет кутубхонасида 20 мингдан зиёд қўлёзмалар сақланади. “Мажаллат ал-Азҳар” журнали нашр этилади. Ал-Азҳар университетининг факультетларига шу муассаса таркибига кирувчи бошланғич, ўрта ва ўрта махсус билим юрғларини муваффақиятли тугатган толиби илмлар қабул қилинади. Ўрта билим юртида ўқиш муддати – 4 йил, махсус билим юртида эса – 5 йил. Ал-Азҳар университетининг турли босқичларида 108,5 мингдан ортиқ талаба таҳсил олади. Ўзбекистонлик таниқли уламолар Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобоҳон, Шамсиддинхон Бобоҳонов, Абдуғани Абдуллаев, Юсуфхон Шокиров, қорақалпоғистонлик диний арбоб Раҳматулла Идрисов, арабшунос олим Шоикром Шоисломов ва бошқалар ал-Азҳарда таҳсил кўрганлар³².

Миср Конституциясининг 7-моддасига кўра, ал-Азҳар мустақил илмий ислом муассасаси бўлиб, ўз ишларида мутлақ ваколатга эга. У диний илмлар ва исломий ишлар бўйича асосий орган ҳисобланади. У Миср ва дунёда ислом динини тарғиб қилиш, диний илмлар ва араб тилининг тарқалиши учун масъулдир. Давлат бу мақсадларга эришиш учун етарли молиявий маблағ ажратиши керак. Ал-Азҳарнинг Буюк Шайхи мустақил ва ишдан бўшатилмайди. Катта уламолар кенгаши аъзолари орасидан Буюк Шайхни тайинлаш тартиби қонун билан белгиланади.

Миср Конституциясининг 21-моддасига биноан, давлат университетлар, фан ва тил академияларининг мустақиллигини кафолатлайди. У глобал сифат мезонларига мос университет таълимини таъминлаш ва давлат университетлари ва инсти-

³² Қаранг: Al-Azhar / <https://uz.wikipedia.org/wiki/Al-Azhar>.

тутларида бепул олий таълимни ривожлантиришни қонунга мувофиқ ўз зиммасига олади.

Давлат ялпи миллий маҳсулотнинг камида 2 фоизини бунга ажратади. У глобал даражага етгунга қадар ўсиб боради.

Хулоса қилиб айтганда, ислом давлатларида инсон ва фуқароларнинг таълим олиш ҳуқуқларининг кафолатлари ибтидоси ислом шариатининг манбалари Куръон, ҳадисларда белгиланган бўлса-да, халқаро ва минтақавий ҳуқуқий ҳужжатлар, ривожланган демократик давлатлар конституцияларининг таълимга оид қоидалари таъсирида замонавийлик касб этди. Ҳар бир давлат ўзининг миллий хусусиятларини, иқтисодий ва молиявий имкониятларини, тарихий анъаналарини, ислом шариати талабларини ҳисобга олиб, инсон ва фуқароларнинг таълим олиш ҳуқуқи кафолатларини ўз конституциясида мустаҳкамлаб қўйди. Деярли барча ислом давлатлари конституцияларида бошланғич ёки ўрта босқичгача таълим бепул ва мажбурий равишда давлат томонидан амалга оширилиши кафолатланиб, саводсизликка қарши умумий чоралар кўрилиши назарда тутилган. Кўп-лаб конституцияларда бу соҳада ислом динининг устувор роли белгиланган. Шунингдек, баъзи ислом давлатларида таълим ҳуқуқининг кафолатла-

ри конституция доирасида белгиланмаган.

Ислом давлатлари ичида Мисрнинг таълим олиш, таълим бериш, илмий салоҳиятни ривожлантиришга қаратилган молиявий аниқ чораларни белгиланган Конституцияси бу соҳада барча учун намунавий аҳамият касб этади.

Юқорида таҳлил қилинган ислом давлатлари конституцияларидаги инсон ва фуқароларнинг таълим олиш ҳуқуқи кафолатларига оид нормалар ушбу давлатларнинг таълим соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунлари ҳамда уларга тенглаштирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида батафсил баён қилинган.

Ўзбекистон Республикаси билан ислом давлатлари ўртасида халқаро ва минтақавий ташкилотлар ҳамда икки томонлама муносабатлар доирасида ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий-маърифий алоқаларнинг доираси кенгайиб ва мазмунан бойиб бораётганини, таълим ва илм-фаннинг турли йўналишларида ўзаро тажриба алмашиш йил сайин ривожланаётганини ҳисобга олиб, ушбу мамлакатларнинг таълим ва илм-фанга оид қонунчилиги ҳамда уларни амалга ошириш тажрибаси ҳақида чуқур ва кенг қамровли илмий изланишларни олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.



ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДА ФУНДАМЕНТАЛ ВА АМАЛИЙ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Doi: 10.34920/ DHR.2023.3.030



Ўткирбек ОЧИЛОВ,
Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон
Республикаси миллий маркази
бўлим бошлиғи, юридик фанлар
доктори, доцент

Аннотация. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг янги босқичига ўтиш жараёнини амалга оширишда асосий эътибор инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилмоқда. Шу боис инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тўла рўйбга чиқаришга қаратилган ислохотларнинг илмий асосларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Мақолада Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари соҳасида илмий тадқиқотларни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: инсон ҳуқуқлари, илмий тадқиқотлар, фундаментал тадқиқотлар, амалий тадқиқотлар.

Abstract. In Uzbekistan, during the transition to a new stage of socio-economic development, the main attention is paid to ensuring human rights and freedoms. Meanwhile, it is important to study the scientific foundations of reforms aimed at the full realization of human rights and freedoms. The article examines the work done to develop scientific research in the field of human rights in the Republic of Uzbekistan.

Key words: human rights, scientific research, basic research, applied research.

Аннотация. В Узбекистане при переходе на новый этап социально-экономического развития особое внимание уделяется обеспечению прав и свобод человека. В этой связи важное значение придается формированию научных основ реформ, направленных на полную реализацию прав и свобод человека. В статье анализируется проводимая в Республике Узбекистан работа по развитию фундаментальных и прикладных научных исследований в области прав человека.

Ключевые слова: права человека, научные исследования, фундаментальные исследования, прикладные исследования.

Сўнгги йилларда жамият ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар, унинг илмий асослари таъминланишига бўлган эҳтиёжни кучайтирди. Мамлакатимизда инсон қадрли улуғлигини таъминлашга қаратилган ислохотлар суръати, инсон ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларининг устуворлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан

олиб борилаётган халқчил ва инсонпарвар давлат сиёсатининг марказида тургани инсон ҳуқуқлари соҳасидаги илмий тадқиқотларни ривожлантиришни тақозо этади.

Академик А. Саидов таъкидлаганидек, кейинги ўн йилликлар давомида фундаментал юридик фан билан қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти ўртасида сезиларли узилиш юзага кел-

ганини ҳам инкор этиб бўлмайди¹. Ҳозирги кунда эса янги Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги илмий тадқиқотларнинг ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратилмоқда.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларга содиқ қолган ҳолда, инсоннинг илмий тадқиқот эркинлиги ва ҳуқуқлари тўла таъминланишига қаратилган ислохотлар изчиллик билан рўёбга чиқарилмоқда. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 27-моддасида² инсон илмий тараққиётда қатнашиш ва унинг неъматларидан баҳраманд бўлиш, ўзи муаллифи бўлган илмий, адабий ёки бадиий асарлар юзасидан маънавий ва моддий манфаатлари ҳимоя қилиниши ҳуқуқига эгалиги мустаҳкамланиши жаҳон миқёсида илмий тадқиқотларга бўлган ҳуқуқ ва эркинликларнинг таъминланишига муҳим халқаро-ҳуқуқий асос яратди.

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 15-моддасига мувофиқ, давлатлар “илмий-тадқиқот ва ижодий фаолият учун зарур бўлган эркинликни ҳурмат қилиши”³ шарт эканлиги тўғрисидаги қонуннинг белгиланиши Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациядаги нормаларга мажбурий тус берди.

ЮНЕСКОнинг Фан ва илмий тадқиқотчилар тўғрисидаги 2017 йилги тавсиясида илм-фаннинг жамият манфаатларига хизмат қилиши ҳамда глобал муаммоларни ҳал қилиш учун зарурлиги эътироф этилган⁴.

БМТнинг Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича қўмитасининг 2020 йилда қабул қилинган Фан ва иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларга оид 25-сонли умумий тартибдаги мулоҳазасида илмий тадқиқотларни амалга ошириш эркинлиги ҳамда ҳуқуқини ҳурмат қилиш ва ундан фойдаланишга тўсиқ бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай камситиш шакллари бартараф этиш назарда тутилган⁵.

Янги Ўзбекистонда билимга ва инновацияларга асосланган ижтимоий-иқтисодий тараққиёт босқичига ўтиш жараёнини амалга оширишда асосий эътибор интеллектуал капиталга, унинг ташкилий, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий асосларини шакллантиришга, илм-фан билан шуғулланиш ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлашга қаратилмоқда. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларга содиқ қолган ҳолда, инсоннинг илмий тадқиқот эркинлиги ва ҳуқуқлари тўла таъминланишига қаратилган ислохотлар изчиллик билан рўёбга чиқарилмоқда.

Биринчидан, тобора глобаллашаётган дунёда Ўзбекистоннинг инсон қадри улуғланадиган мамлакат сифатида ўз ўрнига эга бўлиши, Янги Ўзбекистонни барпо этиш мақсадида амалга оширилаётган ислохотлар марказига инсон кадр-қимматининг қўйилиши инсон ҳуқуқлари соҳасидаги тадқиқотларни кенгайтириш эҳтиёжини кучайтирди.

Иккинчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий қонунчилик такомиллаштирилди, илмий тадқиқотга бўлган ҳуқуқнинг кафолатлари кенгайтирилди. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон ҳуқуқ ва эркинликларига бағишланган нормалар ҳажми ва мазмуни бўйича кенгайтирилди. Конституциянинг 53-моддасида, “Интеллектуал мулк қонун билан муҳофаза қилинади”, – деган норма мустаҳкамлаб қўйилди. 2019 йил 29 октябрда “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги, 2020 йил 24 июлда “Инновацион фаолият тўғрисида”ги қонунлар ва бошқа жами 20 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Уларда инсоннинг илмий фаолият тури, йўналиши ва воситаларини танлаш, бажарган ишининг даражаси ва сифатига кўра моддий рағбат олиш, илмий лойиҳалар бўйича танловларда иштирок этиш, илм-фан соҳасида тадбиркорлик фаолиятини қонунчиликка мувофиқ амалга ошириш каби ҳуқуқлари мустаҳкамланди.

¹ Саидов А. Х. Давлат ва ҳуқуқ институти қандай бўлиши керак? / “Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил 6 май. – 2-б.

² Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. – Т.: “Адолат”, 2023. – 25-б.

³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг “1966 йил 16 декабрдаги Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга қўшилиш ҳақида”ги қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 9-сон, 201-модда.

⁴ Қаранг: Certified copy of the Recommendation on Science and Scientific Researchers // www.unesdoc.unesco.org/ark:/48223/pf0000265809.

⁵ Қаранг: Замечание общего порядка № 25 (2020) о науке и экономических, социальных и культурных правах (пункты 1 b, 2, 3 и 4 статьи 15 Международного пакта об экономических, социальных и культурных правах) // tbinternet.ohchr.org/_layouts/15/treatybodyexternal/Download.aspx?symbolno=E%2FC.12%2FGC%2F25&Lang=ru.

Учинчидан, мамлакатда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ислохотларни тизимли амалга оширишга қаратилган махсус стратегик дастурий ҳужжатлар қабул қилинди. 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси, 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида илмий тадқиқотларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, 2020 йилда тасдиқланган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегияси ҳамда 2023 йилда тасдиқланган Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий таълим дастурида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чоралари белгиланди.

Тўртинчидан, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларни бажариш механизми такомиллаштирилди. Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасидаги 18 та асосий халқаро шартномадан 11 тасини ратификация қилган. Жумладан, 2021 йилда Ўзбекистон Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилди ва 2023 йилда унинг бажарилиши бўйича дастлабки миллий маъруза БМТга тақдим этилди. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларнинг бажарилиши бўйича парламент комиссияси ташкил этилди, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тизими кучайтирилди.

Бешинчидан, илмий тадқиқотларни амалга оширишнинг институционал асослари ривожланди, жумладан мамлакатда юридик таълим ва фанни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди, юридик илмий марказлар кўпайди, жумладан янги юридик таълим муассасалари, юридик факультетлар очилди, юридик таълим соҳасида нодавлат муассасалар тизими вужудга келди. Олий таълим дастурларида инсон ҳуқуқлари бўйича курсларнинг ўқитилиши йўлга қўйилди.

Олтинчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги тадқиқотлар ихтисослаштирилди. Инсон ҳуқуқлари соҳасида илмий тадқиқотларни амалга ошириш мақсадида магистратура, докторантура ва мустақил илмий изланувчилик институти ташкил этилди.

Шу билан бирга, бугунги кунда инсон ҳуқуқлари соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотлар мутаносиблигини таъминлаш ҳамда

инсон ҳуқуқлари соҳасида фанлараро тадқиқотларни амалга ошириш тақозо этилмоқда.

Ҳар қандай фанда бўлгани каби инсон ҳуқуқлари соҳасидаги тадқиқотлар ҳам фундамен-тал ва амалий соҳага бўлинади. Амалий тадқиқотлар долзарб муаммолар ечимлари бўйича тезкор натижаларга эришишга мўлжалланган бўлса, фундаментал тадқиқотлар натижасида илгари ўрганилмаган, истиқболга мўлжалланган янги йўналишлар асослаб берилади. Шунингдек, фундамен-тал билимларга олимнинг интуицияси ва фаразлари асосида янги ғояларга олиб келадиган узоқ муддатли ва қийин изланишлар эвазига эришилади. Амалий тадқиқотлар эса ҳуқуқшуносликда ўрнашиб бўлган қонуниятлар ва назарий ёндашувлар доирасида тезкор натижа олишга қаратилади.

Ҳозирги кунда жаҳон фанида фундаментал юридик тадқиқотларга эътиборнинг муайян даражада пасайиб, амалий тадқиқотларга эса ўсиши тенденцияси мавжуд. Бу ҳолат маълум даражада миллий фанда ҳам кузатилмоқда.

Биринчидан, амалий юридик илмий тадқиқотлар самараси, одатда, аниқ қонунлар қабул қилиниши ёки ҳуқуқий амалиётнинг такомиллаштирилиши билан боғлиқ қисқа муддатли натижаларга эришилганида намоён бўлади. Фундамен-тал илмий тадқиқотлар эса бундай натижалар бера олмайди, у янги илмий назария, илмий йўналиш, ғоя ва қарашлар, тушунча ва қонуниятларни асос-лантиришга қаратилади, унинг амалий натижалари мавҳумдай кўринади.

Иккинчидан, бозор иқтисодиёти шароитида ресурс сарфи жиҳатидан қисқа муддатларда самарали натижани қўлга киритишга интилиш амалий тадқиқотларга устуворлик берилишига сабаб бўлмоқда.

Учинчидан, ҳозирги кунда юридик фанлар бўйича диссертациявий тадқиқотларнинг илмий янгилигини асослаш талаби қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга доир таклифларни ишлаб чиқиш мажбурияти билан боғлаб қўйилган. Бундай ҳолат чуқур фундамен-тал илмий-назарий таҳлилга нисбатан эътиборсиз муносабатни келтириб чиқаради, бу эса истиқболда жуда муҳим бўлган янги ҳуқуқий ғоялар, фундамен-тал назарий ҳулосалар шаклланишига тўсик бўлиши мумкин.

Юридик фан соҳасида ҳам бошқа соҳаларда бўлгани каби фундаментал илмий тадқиқотларсиз

тараққиётнинг янги босқичи талабларига жавоб бера оладиган илмий кашфиётларни яратиб бўлмайди⁶. Фундаментал илмий тадқиқотларсиз миллий ҳуқуқий тизим тараққиётининг маълум босқичига келиб турғунлик юзага келиши, ривожланишнинг кейинги босқичига ўтишга тўсиқ бўладиган гоё танқислиги келиб чиқиши мумкин.

Жамиятнинг барча соҳаларида янгиланишлар ва ўзгаришларни амалга ошириш мақсад қилинган шароитда юридик илмий тадқиқотларнинг фақат амалий натижаларга йўналтирилиши юридик фан учун олдин маълум бўлмаган воқеликлар, жараёнлар, қонуниятларнинг эътибордан четда қолишига олиб келади. Замонавий ижтимоий муносабатларга тўғри баҳо бериш ва уларни самарали тартибга солишдаги муаммолар ҳам кўпинча юридик фанларнинг фундаментал асослари чуқур тадқиқ этилмаганлиги, фундаментал тадқиқотларнинг камлиги билан боғлиқ бўлади.

Ҳатто дастлабки қарашда ўта мавҳумдай кўринган фундаментал илмий тадқиқотларнинг натижалари ҳам келажакда салмоқли амалий аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Ваҳоланки, қонунчиликни такомиллаштиришга фундаментал илмий-назарий таҳлилларсиз киришиш илмий натижаларнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солиш эҳтиёжининг сифат жиҳатдан қондирилмаслиги ҳолатини келтириб чиқариши мумкин. Шунинг учун бизнинг назаримизда юридик фанда илмий тадқиқотлар янгилигини амалдаги қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга қатъий боғлаб қўйиш мумкин эмас.

Миллий юридик фанда фундаментал ва амалий илмий тадқиқотларнинг аҳамияти масаласи инсон ҳуқуқлари соҳасидаги тадқиқотларга ҳам тааллуқлидир.

Инсон ҳуқуқлари ўзининг бутун инсоният учун умумий бўлган умуминсоний универсал қадриятлар мазмунига эга бўлиши билан бирга ҳар бир миллат ўзлиги билан боғлиқ миллий маданий мазмунга ҳам эга. Шунинг учун инсон ҳуқуқлари соҳасидаги муаммоларга ечим топиш учун тайёр хулоса ва ғояларни хориждан механик қабул қилиб

бўлмайди, чунки улар миллий-маданий қадриятларга бегона маданият асосида яратилган бўлиши мумкин. Бу борада жаҳон илмий доираларида икки асосий методологик ёндашув мавжуд:

биринчи ёндашувга кўра, инсон ҳуқуқларини фақат муайян жамиятдаги маданият, қадриятлар мазмуни асосидагина тушуниш мумкин;

иккинчи ёндашувга кўра, инсон ҳуқуқлари универсал бўлиб, миллий хусусиятлардан қатъи назар давлатлар уларни ўз жамиятларига жорий қилишга мажбур⁷.

Истиқболда инсон ҳуқуқларининг миллий маданий ва ахлоқий мазмуни, унда умуминсоний ва миллий қадриятлар нисбати масаласини ўрганиш учун фундаментал тадқиқотларни кенгайтириш муҳим ҳисобланади ва уларнинг ўрнини қонунчиликка тезкор ўзгартириш киритишга хизмат қиладиган амалий тадқиқотлар билан тўлдириб бўлмайди. Фундаментал тадқиқотлар инсон ҳуқуқлари соҳасида амалий тадқиқотларни амалга ошириш учун методологик ёндашув асосларини яратиб беради.

Масалан, агар илмий тадқиқотга фақат инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш нуқтаи назаридангина ёндашилса, халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш тадқиқотнинг пировард мақсадига айланади. Бунинг натижасида эса, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларнинг ўзи ҳам но-мукамал бўлиши мумкинлиги ва муайян миллий маданиятга эга жамиятда инсон қадрига ҳурмат ҳолатининг яхшиланишига олиб келмаслиги эҳтимоли эътибордан четда қолади⁸. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигини таъминлашга фундаментал тадқиқотлар нуқтаи назаридан ёндашилганда эса инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш — бу инсон қадрига ҳурматни таъминлайдиган ягона восита эмаслиги, балки воситалардан фақат бири эканлиги, унинг миллий маданий қадриятлар билан боғлиқ бошқа воситалари ҳам борлиги аниқланиши мумкин.

⁶ Қаранг: Перепелица Е. В. Фундаментальные исследования в современной юридической науке // Журнал “Философия права”, 2020, № 1 (92). — С. 44-45.

⁷ Қаранг: Альбов А. П. Права человека: философско-правовой анализ // Бюллетень “Теория, история и практика правового регулирования общественных отношений”, 2022 г., №3, Том 7. — С. 15-18.

⁸ Қаранг: Coomans F., Grunfeld F., Kamminga M., Methods of Human Rights Research: A Primer (April 27, 2009). Human Rights Quarterly, Vol. 32, pp. 183-184, 2010 / www.ssrn.com/abstract=1395689.

Бундан ташқари фақат амалий тадқиқотлар нуқтаи назаридан ёндашадиган ҳуқуқшунос олимлар инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро миқёсда юз бераётган тенденцияларни қўллаб-қувватлашга интилиб, бу тенденцияларни инкор қилувчи фундаментал ғоя ва ҳулосаларни четлаб ўтишлари эҳтимолдан холи эмас.

Бугунги кунда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги фундаментал ва амалий илмий тадқиқотларни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

А.Х.Саидов Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш заруриятининг асосий уч жиҳатини асослайди:

биринчи жиҳати – бу жамиятда инсон ҳуқуқ ва манфаатлари устуворлигини таъминлаш бўйича стратегик мақсадларни рўёбга чиқариш;

иккинчи жиҳати – Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари соҳасида ўз зиммасига олган халқаро мажбуриятлари бажарилишини таъминлашнинг ижтимоий-маданий асосларини мустаҳкамлаш, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тўғрисидаги декларацияси ҳамда Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастури қоидаларини жорий қилиш;

учинчи жиҳати – жамиятда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, кундалик ҳаётда уларга риоя этиш бўйича зарур қўникма ва малакаларни ривожлантириш⁹.

Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги илмий тадқиқотларнинг институционал асослари такомиллаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июндаги фармони билан тасдиқланган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий стратегиясига¹⁰ мувофиқ инсон ҳуқуқлари мутахассислиги бўйича магистрлик дастури жорий қилинди. 2021-2022 ўқув йилида 10 нафар, 2022-2023 ва 2023-2024 ўқув йилларида 15 нафардан магистрант ўқишга қабул қилинди. Бундан ташқари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази ҳузурида инсон

ҳуқуқлари ихтисослиги бўйича илмий кадрларни тайёрлаш йўлга қўйилди. 2021-2023 йилларда мазкур ихтисослик бўйича 11 нафар докторант, 20 дан ортиқ мустақил изланувчи илмий тадқиқот олиб бормоқда, ҳозирга қадар 2 та докторлик (DSc) диссертациясининг ҳимояси амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 7 февралдаги қарори билан Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий таълим дастури¹¹ тасдиқланди, унда инсон ҳуқуқлари маданиятини ривожлантиришга қаратилган комплекс тадбирлар назарда тутилган. Бунда инсон ҳуқуқлари бўйича магистратура мутахассислигини такомиллаштириш, инсон ҳуқуқлари ихтисослиги бўйича илмий кадрларни тайёрлашни такомиллаштириш, кадрларни тайёрлаш ва малакасини оширишда хорижий олий таълим ва илмий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш масалалари қамраб олинган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказда Инсон ҳуқуқлари ихтисослиги доирасида фанлараро тадқиқотларни амалга оширишга эътибор берилмоқда. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги тадқиқотлар асосан юридик фанларга таллуқли бўлса-да, у қўллаб-қувватлашнинг тадқиқот объекти бўлиши мумкин. Шунингдек, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги тадқиқотларда фалсафа, ҳуқуқшунослик, социология ва бошқа фанларнинг ўзаро бир-бирини тўлдириши зарурияти мавжуд. Масалан, фанлараро ҳамкорлик доирасида файласуф олимлар инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг фалсафий-ахлокий асосларини тушунтиришга, ҳуқуқшунос олимлар инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг назарий ва норматив-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга, социолог олимлар эса инсон ҳуқуқлари соҳасидаги реал ижтимоий муносабатлар ва ҳолатни аниқлашга ҳисса қўшишлари мумкин.

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қуйидаги йўналишларда фундаментал ҳамда амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда:

- инсон ҳуқуқлари ривожланишининг назарий асослари;
- инсон ҳуқуқларининг фалсафий-ҳуқуқий асослари;

⁹ Саидов А. Х. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги сифатли таълимдан инсон ҳуқуқлари маданиятини юксалтириш сари // “Янги Ўзбекистон” газетаси, 2023 йил, 9 февраль. – 1-3-бетлар.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.06.2020 й., 06/20/6012/0953-сон.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий таълим дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 08.02.2023 й., 07/23/46/0078-сон.

- инсон ҳуқуқлари генезиси ва ривожланишининг тарихий-ҳуқуқий асослари;
- инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро стандартларнинг шаклланиши ва ривожланиш истиқболлари;
- инсон ҳуқуқлари бўйича таълимотлар ва қарашлар тарихи;
- инсон ҳуқуқлари ривожланиши ва глобаллашув даври муаммолари;
- инсон ҳуқуқларини ўрганиш методологиясини ривожлантириш;
- инсон ҳуқуқларининг умуминсоний ва миллий ахлоқий мазмуни;
- рақамли жамиятга трансформация шароитида инсон ҳуқуқларининг таъминланиши муаммоси;
- конституциявий ислохотлар ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш устуворлиги;
- инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ва тарғиботнинг ривожланиши;
- инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро, минтақавий ва миллий механизмлар;
- инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий қонунчилик ва ҳуқуқий амалиёт;
- инсоннинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва экологик ҳуқуқларини таъминлаш муаммолари;
- инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича хорижий тажриба ва қиёсий-ҳуқуқий таҳлил;
- аёллар, болалар, ёшлар, кексалар, мигрантлар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари ҳуқуқларини таъминлаш;
- инсон ҳуқуқлари соҳасида мурожаатлар институти ва бошқалар.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги илмий тадқиқотлар ривожланишининг ҳозирги босқичида қуйидаги ишларни амалга ошириш муҳим, деб ҳисоблаймиз:

Биринчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги илмий тадқиқотларни амалга ошириш инфраструктурасини янада такомиллаштириш, турли илмий марказларда мазкур ихтисослик бўйича илмий изланиш ва диссертациялар ҳимояларини рағбатлантириш керак. Бунинг учун тегишли кафедра-лар, илмий кенгашлар фаолиятини йўлга қўйиш, уларнинг ривожланган хорижий давлатлардаги илмий марказлар билан ҳамкорлигини кенгайтириш зарур. Илмий тадқиқотларни мувофиқлаштирувчи илмий ташкилот сифатида **Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ ҳузурида Инсон ҳуқуқлари академиясини** ташкил қилиш муҳимдир.

Иккинчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги фундаментал ва амалий илмий тадқиқотлар уйғунлиги ҳамда бир-бирини тўлдириши орқали ривожланишини таъминлаш лозим. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартлар ва инсон ҳуқуқларининг миллий талқини мутаносиблиги бўйича илмий изланишларни кенгайтириш зарур. Ҳам фундаментал, ҳам амалий жиҳатларга эга бўлган фангина илғор кашфиётларни амалга оширишга қодир.

Учинчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги фанлараро тадқиқотларни кенгайтириш зарур. Бунда тадқиқотчиларга илмий изланиш эркинлигини кенгайтириш, фалсафа, юриспруденция, социология ва бошқа фанлар соҳасидаги олимларнинг ҳамкорликда ишлашларини рағбатлантириш керак.

“ЁШЛАР ҲУҚУҚЛАРИ: ИМКОНИЯТЛАР ВА ҲИМОЯ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМЛАРИ”



Жорий йилнинг 23 октябрь куни Тошкентда “Ёшлар ҳуқуқлари: имкониятлар ва ҳимоя қилиш механизмлари” мавзусида Марказий Осиё ёшлар форуми бўлиб ўтди. Ушбу халқаро форум Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 12 майдаги фармони билан тасдиқланган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 75 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури” доирасида ўтказилди.

Анжуман Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази томонидан Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Ёшлар иттифоқи ҳамда Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциацияси билан ҳамкорликда ўтказилди. Форумни ташкил этишда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, Олий комиссар бошқармасининг Марказий Осиё бўйича минтақавий бўлими, БМТнинг Ўзбекистондаги доимий мувофиқлаштирувчиси, БМТ Тараққиёт дастурининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси, ЕХХТ Демократик институт-

лар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси, Фридрих Эберт номидаги жамғарма каби халқаро ташкилотлар билан яқин ҳамкорликда иш олиб борилди.

Форумнинг очилиш қисмида БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Фолькер Тюрк, ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси директори Маттео Меккаччи, ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги вакили вазифасини бажарувчи Жофри Ижумба, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти амалдаги раисининг Ёшлар масалалари бўйича махсус вакили Мемет Жаку ҳамда Ислон ҳамкорлик ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссияси вакили Муҳаммад Лавал Сулаймон ва бошқа халқаро ҳамда миллий ташкилотлар вакиллари иштирокчиларга самимий табрик йўллашди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ

директори Акмал Саидов форумнинг очилиш қисмида сўзлаган нутқида ушбу нуфузли анжуман Президентимиз Ш. М. Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 78-сессиясида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузурида Марказий Осиё ёшларини ривожлантиришга қўмаклашиш бўйича ишчи гуруҳ ташкил этиш тўғрисидаги ташаббусини амалга ошириш доирасида ўтказилгани билан, айниқса, аҳамиятли эканини таъкидлади.

Халқаро форум ўз ишини учта ялпи мажлис доирасида давом эттирди.

Унда сўзга чиққанлар таъкидлаганидек, ҳозирги кунда дунё аҳолисининг 16 фоизини 15 – 24 ёшдаги навқирон авлод ташкил этади. Ёшлар янгиланишларни ҳаракатга келтирувчи куч бўлиб, улар салоҳиятини юзага чиқариш ва муносиб дунёни бунёд этиш мамлакатлар зиммасидаги муҳим вазифадир. Бунинг учун ёшлар фаолиятини доимий равишда эътибор марказида тутиш, уларнинг интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш лозим. БМТ томонидан қабул қилинган 2030 йилгача Барқарор ривожланиш кун тартибида ана шу йўналишдаги устувор вазифалар белгиланган. Хусусан, Барқарор ривожланиш бўйича барча 17 мақсад ва уларга эришишга доир 169 вазифанинг ҳар бирида ёшлар манфаати акс этган.

Ёшлар эҳтиёжини рўёбга чиқариш, улар салоҳиятини ривожлантириш ва ҳуқуқларини кенгайтириш мақсадида БМТ томонидан 2030 йилгача мўлжалланган “Ёшларни жамият ҳаётига жалб қилиш орқали демократияни мустаҳкамлаш” номли ёшлар стратегияси қабул қилинган. Ўзбекистон ушбу стратегияни жадал суръатларда амалга ошираётган дунёнинг ўнта давлати қаторига киради.

Мамлакатимизда ёшларнинг етук ва баркамол бўлиб вояга етиши, замонавий мезонлар асосида таълим олиши ҳамда жамиятга фаол интеграция-

лашувига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Янги таҳрирдаги Конституциямизда ёшларнинг ҳуқуқлари ҳар томонлама ҳимоя қилиниши, уларнинг ривожланиши ҳамда ўз мақсадларига эришиши учун тенг имкониятлар яратилиши белгиланган.

Ўзбекистон ёшлар масаласида халқаро майдонда муҳим ташаббусларни илгари сурмоқда. Жумладан, 2022 йилнинг сентябрь ойида Самарқандда бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитида Қозоғистон, Қирғиз Республикаси, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон ўртасида ёшларга оид сиёсатнинг умумий йўналишлари тўғрисида битим имзоланди.

Форумда ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг халқаро, минтақавий ва миллий воситалари, механизмлари, глобал ва минтақавий миқёсда ёшлар ҳуқуқларини илгари суриш истиқболлари муҳокама қилинди. Сиёсат ва жамоат фаоллари, илмий-академик доира тадқиқотчилари, тадбиркорлар, талабалар, миллий ва халқаро ташкилотлар вакиллари ўртасида муҳокамалар, баҳс ва мунозаралар бўлиб ўтди. Сўзга чиққанлар ушбу халқаро форум ёшлар сиёсати, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш механизмлари бўйича зарурий билимларга эга бўлиш, ўзаро тажриба алмашиш, долзарб ғоя ва лойиҳаларни рўёбга чиқариш учун муҳим ахборот-маърифат ва амалий муҳокама-мунозара майдони бўлганини алоҳида таъкидлашди.

Форум якунида Ёшлар ҳуқуқлари бўйича Марказий Осиё декларацияси лойиҳаси ишлаб чиқилди. Форумнинг асосий натижалари ва амалий тавсиялари ўз мужассамини топган ушбу муҳим ҳужжат истиқболда ёшлар ҳуқуқлари соҳасидаги янги саъй-ҳаракатлар ва илғор ташаббуслар учун мустаҳкам замин вазифасини бажаришига ишонч билдирилди.



ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИГА ОИД ТАМОЙИЛЛАРНИ ИЛГАРИ СУРИШДА ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЗАРУР



Фолькер Тюрк,
БМТнинг Инсон ҳуқуқлари
бўйича Олий комиссари

“Ёшлар ҳуқуқлари: имкониятлар ва ҳимоя қилиш механизмлари” мавзусидаги Марказий Осиё ёшлар форумидаги нутқ

Ёшлар дунё аҳолисининг учдан бир қисмидан ортиғини – қарийб ярмини ташкил қилади. Улар юз фоиз келажак деганидир. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси бугунги ёшлар ва келажак авлод учун тинч, адолатли ҳамда баркамол истиқболни таъминлаш воситаларини тақдим этишини қатъий ишонч билан айта оламан.

Жорий йилда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 75 йиллигини фақатгина сарҳисоб учун нишонламаймиз.

Ҳа, бу декларация дунёни ўзгартиришга, мустамлака ҳукмронлигидан мустақиллик, шахсий, сиёсий ва иқтисодий эркинлик учун курашни кучайтиришга ёрдам берди. Тўғри, у турли хил фуқаролик жамияти ташкилотларининг кўпайишига имкон берди.

Аммо биз бугун ҳақида, инсоният келажagini шакллантириш вазифасини илгари сурадиган миллионлаб ёшлар ҳақида гапиришимиз керак.

Ёшлар ҳаракати кўпчилигимизни сайёрамизнинг соғломлиги ва инклюзив келажакка бўлган ҳуқуқни илгари суриш бўйича узоқни кўзлаган ҳамда истиқболли ишлари билан илҳомлантирди. Бу – дискриминация, маҳрумлик ва ишончсизликдан холи яшаш ҳуқуқи. Ҳаётимизга таъсир қиладиган қарорларда иштирок этиш ҳуқуқи.

Кўпгина ёшлар сиёсатда иштирок этиш ва давлат қарорларини қабул қилиш, ишга жойлашиш, тиббий хизматлардан фойдаланиш, шу жумладан жинсий ва репродуктив саломатлик, шунингдек,

ҳарбий хизматдан виждонан воз кечиш каби соҳаларда ёши туфайли тўсиқ ва қийинчиликларга дуч келмоқда.

Қарор қабул қилувчилар, шу жумладан ҳукуматлар, давлат ва хусусий муассасаларда бўлганлар ёшларнинг ташвишларини эшитишлари, уларнинг инсон ҳуқуқларидан тўлиқ фойдаланишлари ҳамда ўз келажакига таъсир қиладиган қарорларда овоз беришлари учун чоралар кўришлари жуда муҳимдир.

Мазкур форум Ўзбекистоннинг бу борада амалга оширган кўплаб муҳим қадамларидан биридир.

Бу инклюзив ва тинч жамиятларни барпо этишда ёшларнинг муҳим ролини таъкидлаш учун имкониятдир. Бу Марказий Осиё ёшлари учун ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ўрганиш ва энг муҳими, қарор қабул қилувчиларга ўз муаммолари ҳамда ташвишларини билдириш учун платформадир. Бу ерда ёшлар инсон ҳуқуқлари улар учун нимани англатишини ва инсон ҳуқуқлари учун қандай келажакни хоҳлашларини акс эттиришлари мумкин.

Ушбу форум давомида ўтказилган маслаҳатлашувлар орқали ёшлар декабрь ойида бўлиб ўтадиган Олий даражадаги тадбиримизда тақдим этиладиган “Инсон ҳуқуқлари – 75” ташаббусининг асосий натижаларидан бири бўлган Ёшлар декларациясини ишлаб чиқишга ҳисса қўшадилар.

Мен барчангизга раҳмат айтаман ва муҳокамалар самарали бўлишини тилайман.

МАТИЛЬДА БОГНЕР: ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДАГИ ФАОЛИЯТИНИ ЮҚОРИ БАҲОЛАЙМИЗ*

Бу йил Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси” қабул қилинганига 75 йил тўлади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА мухбири Бирлашган Миллатлар Ташқиқоти Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг Марказий Осиёдаги вакили Матильда Богнер билан суҳбатлашди.



– Богнер хоним, маълумки бу йил Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганига 75 йил тўлди. XX асрнинг муҳим халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларидан бири сифатида мазкур декларациянинг халқаро ҳуқуқ тизимидаги ўрни, аҳамияти ҳақида гапириб берсангиз.

– Бундан етмиш беш йил муқаддам миллионлаб одамлар ҳаётини барбод қилган, жуда кўп вайронагарчиликка сабаб бўлган Иккинчи жаҳон уруши тугаган. Умуман, биринчи ва иккинчи жаҳон уруши инсоният ҳаётида нисбатан қисқа давр ичида содир бўлган икки даҳшатли воқеа ҳисобланади. Ана шундай оғир бир вазиятда дунёнинг турли минтақалари давлатлари даҳшат, вайронагарчилик ва қашшоқликка якун ясайдиган муҳим ҳужжат – декларацияни яратиш учун бирлашди.

Улар ўзлари ва келажақ авлод учун урушдан узоқлашиш йўлини кўрсатадиган харита яратди. Барча давлатлар янада адолатли, тенг ҳуқуқли

ва қарама-қаршиликка, зарбага чидамли жамият барпо этадиган қадамларни режалаштирди ва муайян хариталар тузди. Бу хариталарда фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар белгилаб берилди. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ, ҳар қандай камситиш, ўзбошимчалик билан ҳибсга олиш ва қийноқдан холи яшаш ҳуқуқи акс эттирилди. Қолаверса, таълим ва тўғри овқатланиш, соғлиқни сақлаш, тоза сув, санитария, ижтимоий ҳимоя ва уй-жой тўғрисидаги ҳуқуқлар ҳам қамраб олинди.

Ушбу тарихий ҳужжатда эркин фикр билдириш ва шахсий дахлсизликка эришиш, эркин уюшмалар тузиш ва тинч йиғилиш ўтказиш, адолат ва адолатли меҳнат шароитига эга бўлиш, одил судлов ва қонуннинг тенг ҳимояси, давлат ишида бемалол ва мазмунли иштирок этиш сингари ҳуқуқлар ҳам аксини топган.

Ҳар бир кишига хос аини ҳуқуқлар 30 моддадан иборат Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида жамланди ва инсон кадр-қимматини юксалтириш йўлида ҳуқуқий асос бўладиган тарихий ҳужжат яратилди.

Жорий йил нишонланадиган ушбу декларациянинг 75 йиллиги БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг 30 йиллигига тўғри келди. Шу муносабат билан эълон қилинган “Инсон ҳуқуқлари – 75” бир йиллик ташаббусининг уч асосий мақсади универсаллик, тараққиёт ва БМТ бошчилигида шериклар билан ҳамкорликдан иборат. Лойиҳа 2023 йил декабрь ойида Женевада бўлиб ўтадиган юқори даражадаги тадбир билан якунланади. Эътиборли жиҳати, ўша анжуманда инсон ҳуқуқлари келажаги бўйича глобал

* <https://uza.uz/posts/535403>.

чақириқлар, ғоялар эълон қилинади.

– **Декларация қабул қилиниши оддий одамлар турмуш тарзида қандай ўзгаришлар ясади?**

– Ўтган 75 йил ичида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси дунё мамлакатларига улкан тараққиёт йўлини кўрсатди. Беш юздан ортиқ тилга таржима қилинган ва натижада Гиннес рекордлари китобига киритилган декларация ҳақиқатан том маънодаги дунёвий универсал ҳужжатдир.

Глобал ва минтақавий миқёсда доимий асосда қўлланадиган етмишдан зиёд инсон ҳуқуқлари бўйича шартнома қабул қилинишига туртки бўлган мазкур ҳужжат 2030 йилгача Барқарор ривожланиш кун тартибининг асоси, дейиш мумкин.

– **Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси Ўзбекистон ҳуқуқ тизимида қандай ўрин тутди?**

– Декларация 1966 йил БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқ ҳамда Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ тўғрисидаги халқаро пактларни ишлаб чиқиш учун йўл очди. Бу икки шартнома, одатда, Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро билл деб ҳам аталади.

Ўзбекистон 1995 йилдан буён ушбу асосий ва инсон ҳуқуқлари бўйича кўплаб бошқа халқаро шартномаларга амал қилади. Янги Конституцияга кўра, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормалари билан бир қаторда барча халқаро шартномаларни мамлакат ҳуқуқий тизимининг ажралмас қисми, деб билади. Қолаверса, мамлакат БМТнинг шартномавий органларига мунтазам равишда ҳисобот беради ва мазкур тузилмалардан тавсия олади.

– **Жорий йил 30 апрель кuni умумхалқ референдуми асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг янги таҳририда декларацияда қайд этилган қоидалар қай даражада аксини топган, деб ўйлайсиз?**

– Декларацияда мавжуд 30 моддада асосий фуқаровий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ жамланган. Дунёдаги кўплаб конституциялар каби Ўзбекистон Конституцияси ҳам декларациядан илҳомлангани, барча ҳуқуқларга ҳаволани ўз ичига олгани аниқ.

Инсон ҳуқуқлари ҳар қандай замонавий давлат конституциявий тузуми асосини ташкил этиб, нафақат шахс, гуруҳ ва давлатга тегишли муносабатни белгилайди, балки давлат тузилмаларига, қарорни қабул қилиш ва назорат қилиш жараёнига алоқадор. Шу боис ҳуқуқ тўғрисидаги қонун

лойиҳаси ҳар қандай замонавий конституциянинг ажралмас қисмини ташкил қилади. Масалан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида илмий-ижодий эркинлик, илм-фан ютуқлари натижасидан баҳраманд бўлиш ҳуқуқини тартибга солишга жиддий эътибор қаратилган. Хусусан, 27-моддада ҳар бир инсон жамият маданий ҳаётида, илмий тараққиётда эркин иштирок этиш, санъатдан баҳраманд бўлиш, соҳа ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқига эгаллиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Асосий қонунида ҳам илм-фан, ижод, таълим масалаларига алоҳида урғу берилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституциясида мустақамлаб қўйилган иқтисодий-ижтимоий ҳуқуқлар тизимида илм-фан, ижод, маданият билан боғлиқ ҳуқуқ муҳим ўрин эгаллайди.

– **Сир эмас, халқаро геосиёсий вазиятда айрим давлатлар томонидан халқаро ҳуқуқ нормаларига риоя қилиш билан боғлиқ муаммолар мавжуд. Умуман, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини ратификация қилган давлатлар ўз мажбуриятини қай даражада бажармоқда?**

– Давлатлар инсон ҳуқуқларини ҳурмат, ҳимоя қилиш ва бажаришга мажбурдир. Яъни ҳурмат қилиш мажбурияти давлатлар инсон ҳуқуқларидан фойдаланишга аралашмаслик ёки уларни чеклашдан тийилиши кераклигини аңлатади. Ҳимоя қилиш мажбурияти давлатдан шахс ва гуруҳни инсон ҳуқуқлари бузилишидан ҳимоя қилишни талаб қилади. Бажариш мажбурияти эса давлат инсонга асосий ҳуқуқдан фойдаланишга ёрдам бериш учун ижобий ҳаракат қилиши кераклигини аңлатади.

БМТ тизимида инсон ҳуқуқларини назорат қилиш механизмнинг икки тури мавжуд: шартномага ёки низомга асосланган органлар.

Мустақил экспертлар қўмиталаридан ташкил топган Инсон ҳуқуқлари бўйича 10 та шартномавий орган инсон ҳуқуқлари бўйича асосий халқаро шартномалар бажарилишини назорат қилади. Ўзбекистон БМТнинг шартномавий органларига ҳам мунтазам равишда ҳисобот беради ва мазкур тузилмалардан тавсия олади.

Низомга асосланган органларга Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш, махсус процедуралар, универсал даврий таҳлил ва мустақил текширув қиради.

“Инсон ҳуқуқлари – 75” ташаббусининг яна бир асосий мақсади давлат институтлари (ижро

этувчи, конун чиқарувчи органлар ва суд ҳокимияти), маҳаллий ва минтақавий ҳокимият, шунингдек барча учун инсон ҳуқуқларидан кенг-роқ фойдаланишга қаратилган аниқ ўзгаришларни келтириб чиқарадиган таклифлар ишлаб чиқишдан иборат. БМТга аъзо давлатлар “Инсон ҳуқуқлари – 75” доирасида камида биттадан бештагача энг муҳим ташаббус ва таклиф киритишга чақирилади.

– **Ўзбекистон Президенти “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 75 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги фармонни имзолади. Ушбу фармон ҳақида қандай фикрдасиз?**

– Биз Ўзбекистон ҳукуматининг инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, илгари суриш ва бажариш мажбуриятини юқори баҳолаймиз. Эъти-

роф этиш керак, фармонда бир неча йўналиш бўйича давлат режасини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва амалга ошириш белгиланган. Шу билан бирга сиёсат, қонунчилик ва амалиётни Ногиронлар ҳуқуқи тўғрисидаги конвенция, Қийноққа қарши конвенция Факультатив протоколи ва инсон ҳуқуқлари бўйича бошқа асосий шартномаларга мувофиқлаштириш каби кўплаб ташаббуслар илгари сурилган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фаол аъзоси сифатида, биз Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, ҳимоя қилиш ва бажаришга интилишини юқори баҳолаймиз, қўллаб-қувватлаймиз.

ЎЗА мухбири
Гўзал Сатторова суҳбатлашди



СУД ҚАРОРИНИ ЧИҚАРИШДА СУДЬЯНИНГ ХОЛИСЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ

Doi: 10.34920/ DHR.2023.3.031



Маъруфжон ТАЖИБОЕВ,
юридик фанлар бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент

Аннотация. Мақолада одил судловни амалга оширишда ишларнинг қонуний, асосли, адолатли ва холис кўрилиши муҳим аҳамиятга эга экани ёритилган. Фуқаролик иши муҳокамасидан судьяни четлаштириш масалалари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси нормалари мисолида таҳлил қилинган. Муаллиф ушбу кодексни такомиллаштириш бўйича ўз таклифларини ишлаб чиққан.

Калит сўзлар: суд мустақиллиги, судьянинг холислиги, судья ўзини ўзи рад этиши, судьяни фуқаролик ишларини кўришдан четлаштириш, қонун устуворлиги.

Abstract. The article highlights the importance of legal, reasonable, fair and impartial consideration of cases in the administration of justice. The issues of removing a judge from the hearing of a civil case are analyzed on the example of the norms of the Civil Procedure Code of the Republic of Uzbekistan. The author has developed his own suggestions for improving this code.

Key words: judicial independence, judge's impartiality, judge's self-recusal, judge's exclusion from hearing civil cases, rule of law.

Аннотация. В статье подчеркивается важность законного, разумного, справедливого и беспристрастного рассмотрения дел при отправлении правосудия. Вопросы отстранения судьи от рассмотрения гражданского дела анализируются на примере норм Гражданского процессуального кодекса Республики Узбекистан. Автор разработал собственные предложения по улучшению этого кодекса.

Ключевые слова: независимость судебной власти, беспристрастность судьи, самоотвод судьи, отстранение судьи от рассмотрения гражданских дел, верховенство закона.

2023 йил 30 апрель куни мамлакатимизда ўтказилган умумхалқ референдуми орқали қабул қилинган янги тахрирдаги **Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг** 15-моддасига кўра, “Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади”¹.

Мамлакатимизда Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш вазифаси, аввало, республика судлари зиммасига юклатилган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “**Судлар тўғрисида**”²ги қонунининг 4-моддасида судларнинг асосий вазифаси фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази, 2023. – 9-б.

² Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонуни / <https://lex.uz/docs/5534923>.

қонунлари, халқаро шартномаларида, шунингдек инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда кафолатланган ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини, давлат ва жамоат манфаатларини, юридик шахслар ҳамда якка тартибдаги тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат экани белгиланган.

Конституциямизнинг 130-моддасига биноан, “Ўзбекистон Республикасида одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилади”. “Судлар тўғрисида”ги қонуннинг 58-моддасига асосан, “Ўзбекистон Республикасида судьялар қонунга мувофиқ одил судловни амалга оширишга ваколат берилган шахслардир”.

Одил судловни амалга ошириш – **Фуқаролик процессуал кодексида**³ белгиланганидек, ишларнинг **қонуний, асосли** ва **адолатли** кўрилиши ҳамда ҳал этилишидир.

Қонунийлик деганда Конституциямиз нормаларида белгиланган қонун устуворлиги, яъни судга келиб тушган ҳар қандай низони фақат амалдаги қонун нормаларига қатъий риоя қилган ҳолда ҳал этиш тушунилади.

Асосли ҳал этиш деганда фуқаролик (жиноят, иқтисодий, маъмурий) ишида муҳоама қилинаётган низони фақат келтирилган ишончли, асосли, қонунларда белгиланган тартибда тақдим этилган исботлаш воситалари орқали аниқланган далиллар асосида кўриб чиқиш тушунилади.

Ишларни **адолатли** ҳал этиш деганда судья томонидан ҳар бир келтирилган исботлаш воситалари, гувоҳларнинг кўрсатмалари, далилий ашёлар таҳлил этилгандан кейин одилона ҳулосага келиш тушунилади. Адолатлиликнинг яна бир асосий мезонларидан бири – бу ишларни ҳолисона ҳал этишдир.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да қайд этилишича, “адолат” сўзи “одиллик, одилона иш тутиш, тўғрилиқ” каби маъноларни англатади.

Шунинг учун ҳам судьялик лавозимига илк бор киришаётган шахс одил судловни амалга ошириш, ҳолис ва адолатли бўлиш ҳақида қасамёд қабул қилиши белгиланган. Унда, “Зиммамга юкла-

тилган вазифаларни ҳалол ва виждонан бажаришга, одил судловни фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга оширишга, судьялик бурчим ва виждоним буюрганидек беғараз, ҳолис ва адолатли бўлишга тантанали қасамёд қиламан”⁴, деган сўзлар ифода-ланган.

Қасамёд қабул қилган судья ўз зиммасига олган мажбуриятларни сўзсиз, оғишмай ижро этиши шарт. Шундай мажбуриятлардан бири – судья Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига оғишмай риоя этиши, ўз ваколатларини амалга оширишда, хизматдан ташқари муносабатларда Судьялик одоби кодекси талабларига риоя қилиши, суд ҳокимияти обрўсини, судьянинг шаъни ва кадр-қимматини тушириши ёки унинг беғаразлиги, ҳолислиги ва адолатлилигига шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳар қандай хатти-ҳаракатдан ўзини тийиши шартлигидир.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 14-моддасига мувофиқ, “Суд ишларни Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари асосида ҳал қилиши шарт”⁵.

Судлар фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири – бу унинг фуқаролик ишларини ҳал этишдаги **ҳолислигидир**.

“Ҳолислиқ” сўзи араб тилидан олинган бўлиб, “софлик” деган луғавий маънони англатади. Айрим изоҳли луғатларда “ҳолислиқ” сўзи “ҳаққонийлик”, “объективлик”, “самимийлик”, “беғаразлик” деган маъноларни англатиши ҳам кўрсатилган.

Бундан кўринадики, судьянинг ҳолислиги деганда, унга қонуний, асосли ва адолатли кўриб чиқиб, ҳал этиш учун берилган фуқаролик ишини ҳаққонийлик, объективлик, самимийлик ва беғаразлик билан кўриб чиқиб, қарор қабул қилиши тушунилади.

Судьянинг фуқаролик ишини ҳаққонийлик ва беғаразлик билан кўриши зарурлигига кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Хусусан, фуқаролик ишлари бўйича судларда кўриладиган фарзандни ота ёки онанинг тарбиясига олиб бериш, никоҳдан ажратиш, алимент миқдорини камайтириш ёки кўпайтириш, маъна-

³ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси / <https://lex.uz/docs/3517337>.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонуни. 60-модда / <https://lex.uz/docs/5534923>

⁵ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси / <https://lex.uz/docs/3517337>.

вий зарарларни ундириш, бой берилган фойдани ундириш, давлат божини тақсимлаш, оталик ёки оналикдан маҳрум этиш каби низоларни ҳал қилишда судьядан юксак одамийлик ва адолатлилик талаб этилади.

Судья юксак мақомга эга бўлса ҳам, ишларни кўриб ҳал этишда мустақил бўлса ҳам, унинг фаолиятида – ишларни кўриб чиқишида ҳолисликка амал қилиш имкониятини бермайдиган ҳолатлар ҳам амалиётда учраб туради. Ана шундай ҳолатларда судья ўз иш юритувидаги фуқаролик ишини кўрмаслиги чоралари мавжудми? Агар мавжуд бўлса, қандай йўл тутиш лозим?

Зеро, Асосий қонунимизнинг 136-моддаси тўртинчи қисмида судьяни муайян ишнинг муҳокамасидан четлаштиришга, унинг ваколатларини бекор қилишга ёки тўхтатиб туришга, бошқа лавозимга ўтказишга фақат қонунда белгиланган тартибда ва асосларга кўра йўл қўйилиши белгиланган⁶.

Шунингдек, судьяни қонунчиликда белгиланган тартибда четлаштириш Фуқаролик процессуал кодексида белгиланган бўлиб, унга кўра, энг аввало, судьянинг ўзи шундай ҳолатлар мавжуд бўлган ҳолларда ўзини-ўзи рад этиши, фуқаролик ишида иштирок этаётган тарафлар ва бошқа кўмаклашувчилар ҳам судьяни ва суд процессида иштирок этаётган прокурор, суд мажлиси котиби каби масъулларни рад этиш юзасидан мурожаат қилишлари кўзда тутилган. Шу билан бирга, ишда иштирок этувчи шахслар, агар судьянинг ишни кўришда ҳолислиги ва беғаразлигига шубҳа туғдирадиган ҳолатлар мавжудлигини тасдиқловчи аниқ асосларга эга бўлса, ишни кўраётган судьяни рад қилиш юзасидан арз қилиш ҳуқуқига эга.

Судьянинг рад этилиши имкониятининг мавжудлиги – судьянинг фуқаролик ишини қонуний, асосли ва адолатли кўришини, шунингдек иш материалларидаги ҳужжатларга ва тарафларнинг келтирган ваъдаларига ҳаққонийлик, объективлик, самимийлик ва беғаразлик билан ҳуқуқий баҳо беришини таъминлашга эришишнинг ноёб усулидир.

Судьяни рад этиш жараёни қуйидагилардан иборат:

- рад этишни вужудга келтирувчи ҳолатларнинг мавжудлиги ёки юзага келиши;
- рад этишни ҳал этиш юзасидан мурожаат қилиш ҳуқуқи ва асослари;
- рад этиш ҳақидаги аризаларни кўриб чиқиш тартиби, кўриб чиқувчи ваколатли шахслар ва уни кўриб чиқиш муддатлари;
- рад этиш ҳақидаги ариза қаноатлантирилган ҳолатда, ишни кўришни давом эттириш тартиби ва вақти;
- рад этиш ҳақидаги ариза қаноатлантирилмаган ҳолларда ишни давом эттириш тартиби;
- қайта раддия бериш асослари ва уни кўриб чиқиш тартиби.

Рад этишни вужудга келтирувчи ҳолатларнинг мавжудлиги ёки юзага келиши судья ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларни рад этиш ёки улар ўзини ўзи рад этишига сабаб бўлади. Бу қуйидаги икки хил ҳолатда амалга оширилади:

Биринчиси – судьянинг ўзини ўзи рад қилиши, яъни унинг ҳолислигига путур етказадиган ҳолатлар мавжудлигини шахсан судьянинг ўзи англаб етиши;

Иккинчиси – ишда иштирок этувчиларнинг судьянинг ҳолислигига шубҳалари мавжудлиги юзасидан тақдим этган аризаси асосида судьянинг рад қилинишидир.

Судьянинг ўзини ўзи рад қилиши процессуал қонунчилигимизда бир нечта асосларга мувофиқ амалга оширилиши кўрсатилган.

Биринчидан, Фуқаролик процессуал кодекси 21-моддасининг 1-бандида кўрсатилган асосларга кўра судья ўзини ўзи рад қилиши мумкин. Бунинг учун судья ўз иш юритувига келиб тушган фуқаролик ишлари илгари кўрилганида судья сифатида иштирок этган бўлиши талаб этилади.

Бундай вазият вужудга келишига судья биринчи инстанция суди судьялигидан бошқа туманлараро суднинг судьялик лавозимига ёки юқори инстанцияларга (вилоят, Олий Суд таркибига) ўтказилган бўлиб, ўзи қуйи суд таркибида мазкур фуқаролик ишини кўрган бўлиши, юқори инстанцияда яна шу иш унинг иш юритувига келиб тушганлиги сабаб бўлиши мумкин.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази, 2023. – 106-б.

Иккинчидан, Фуқаролик процессуал кодекси 21-моддасининг 3-бандида акс этирилган ҳолатларнинг мавжудлиги, яъни шу иш муқаддам кўрилган вақтда судьянинг ҳакамлик судининг судьяси, прокурор, эксперт, мутахассис, таржимон, суд мажлиси котиби, гувоҳ ёки вакил сифатида иштирок этган бўлиши талаб этилади.

Мазкур ҳолатнинг вужудга келишига ҳам биринчи ҳолатда бўлгани каби фуқаролик ишларининг муқаддам кўрилганлиги асос бўлади.

Юқорида келтирилган ҳар икки ҳолатда ҳам судьянинг ўзини ўзи рад этишига асос – ишларнинг муқаддам кўрилганлиги ва унда судьянинг рўйхатда кўрсатилган шахс сифатида иштирок этганидир. Бу ҳолатларда нафақат судьянинг ўз аризаси, балки ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризаси ҳам инобатга олинади.

Чунки орадан бир неча йил ўтиб кетгани сабабли фуқаролик ишини кўраётган судьянинг мазкур фуқаролик ишини кўргани ёдида чиққан бўлиши табиий ҳолдир. Бундай ҳолат ишда иштирок этаётган тарафлардан бирининг ёдида сақланган бўлса, у ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

Учинчидан, Фуқаролик процессуал кодекси 21-моддасининг 4-бандига мувофиқ, судья ишда иштирок этувчи тараф ёки ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг қариндоши бўлса, ўзини ўзи рад этиши керак.

Бу ҳолатда ҳам судьянинг ёки иштирокчилардан бирининг аризасига асосан рад этиш масаласи кўриб чиқилади.

Тўртинчидан, Фуқаролик процессуал кодекси 21-моддасининг 5-бандига мувофиқ, судья ишни кўраётган ҳайъат таркибига кирувчи судьянинг қариндоши бўлса, ўзини ўзи рад этиши лозим.

Бу ҳолат фуқаролик ишлари фақат юқори инстанция судларида кўрилатган жараёнда юзага келади. Унда ҳам судьянинг ўзини ўзи рад этиши ёки иштирокчилардан бирининг аризасига асосан рад этиш масаласи кўриб чиқилади.

Судьянинг ишда иштирок этувчиларнинг аризаси асосида рад қилинишининг сабабларидан яна бири, Фуқаролик процессуал кодекси 21-моддасининг 2-бандида кўрсатилган. Яъни судья ишнинг натижасидан шахсан, бевосита ёки билвосита

манфаатдор бўлса ёхуд унинг ҳолислиги ва беғаразлигига шубҳа туғдирадиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса, у рад этилиши мумкин.

Ушбу ҳолатнинг мавжудлиги судьялик қасамёдига зид равишда иш олиб борилаётганини тасдиқлайди.

Мазкур моддада қайд этилган сўзларнинг маъноларига эътибор берсак:

– **ишнинг натижасидан шахсан манфаатдорлик** деганда, ишни кўраётган судья иш кўрилмаслигидан ёки иш юритишдан тугатилишидан ёхуд даъвонинг қаноатлантирилишидан ёки даъвонинг қаноатлантирилмасдан қолдирилишидан ёхуд тарафларнинг келишув тузишларидан манфаатдорлиги тушунилади;

– **билвосита** сўзи бирор кимса ёки нарса воситасида судьянинг ишни ўз манфаатдорлигидан келиб чиқиб, ҳал қилишини англатади;

– **бевосита** сўзи эса “бирор бир воситасиз”, “тўғридан-тўғри” деган луғавий маънони англатади. Бу ҳолатда судья атайин суд процессуал ҳужжатларидан бирини қабул қилишдан олдин, ишда иштирок этувчи тарафлар билан ўзининг манфаатдорлигига кўра ишни ҳал этиш юзасидан савол-жавоблар қилиши, шунингдек иккинчи тарафнинг келтирган ваъдаларига ва келтирган далилларига эътиборсиз бўлиши тушунилади.

Шу ўринда айрим хорижий давлатларнинг процессуал қонунчилигидаги судья ва ишда иштирок этувчи шахсларни рад этиш нормаларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Россия Федерациясининг Фуқаролик процессуал кодексида⁷ судьяни ишни кўришдан қандай ҳолларда четлаштириш аниқ кўрсатилган. Кодекснинг 14-моддаси 4-бандида ишни кўрган судья ёки суд таркиби, шу судья ёки суд таркибидан кўриб яқунланиши шартлиги, шу модданинг 5-банди 1-қисмида, судьяларни ёки суд таркибини фақат улар ўзини ўзи рад қилганликлари ёки судьялар рад этилганлиги сабабли алмаштирилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Кодекснинг 16-моддасида судьяни рад этиш учун асослар белгиланган бўлиб, унга кўра судья:

– аввал шу иш кўрилганда прокурор, судья ёрдамчиси, суд мажлиси котиби, вакил, гувоҳ, экс-

⁷ Қаранг: Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации / https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_39570/.

перт, мутахассис, таржимон, шунингдек ушбу иш юзасида суд келиштирувчиси бўлгани;

– кўрилатган ишда иштирок этаётган шахсларнинг ёки улар вакилларининг яқин қариндоши экани;

– ишнинг ҳал этилишида шахсан бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлиши;

– суд таркибидаги судьялар билан қариндошлик алоқаларига эга экани асос сифатида белгиланган.

Кўриниб турибдики, Россия Федерациясининг Фуқаролик процессуал кодексида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексида белгиланган нормаларга ўхшаш нормалар ўз аксини топган, фақат уларда судьянинг суд мажлисида суд келиштирувчиси бўлганлиги ҳам уни рад этишга асос бўлиши қайд этилган.

Яна бир жиҳати, судьянинг иш юритувидаги низо бўйича суд жараёнидан ташқари тарафларнинг қилган мурожаатлари юзасидан берилган маълумотлар судьяни рад этиш учун асос бўлмаслиги кўрсатилган.

Қозоғистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 38-моддаси⁸ судья:

– иш муқаддам кўрилганда судья, медиация ўтказувчи, прокурор, гувоҳ, эксперт, мутахассис, таржимон, консультант, тарафларнинг вакили, суд мажлиси котиби, суд ижрочиси сифатида иштирок этган бўлса;

– ишда иштирок этувчиларнинг қариндоши бўлса;

– ишнинг кўрилиш натижасидан шахсан билвосита ёки бевосита манфаатдор бўлиб, унинг ишни ҳолис ва беғараз кўришига шубҳа бўлса;

– шунингдек, коллегиял тартибда кўрилатган иш юзасидан судьяларнинг бири билан қариндош, турмуш ўртоғи ёки яқин қариндоши бўлса, рад этилиши белгиланган.

Беларусь Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси 35-моддаси⁹ судьяни рад этиш ёхуд судья ўзини ўзи рад этиши асослари белгиланган бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексида мавжуд

бўлган нормалар билан ўхшаш. Фарқли жиҳати шундаки, Беларусь Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 106-моддасида, агар судья муқаддам суд иштирокчиларига ҳуқуқий ёрдам кўрсатган бўлса ҳам, у рад этилиши мумкинлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 23-моддасига кўра, юқорида таҳлил қилинган ҳолатлар мавжуд бўлса, судья, прокурор, эксперт, мутахассис, таржимон, суд мажлиси котиби ўзини ўзи рад қилиш ҳақида ариза бериши мумкин эмас, балки шартдир. Бундан кўриниб турибдики, ўзини ўзи рад қилиш ҳолатлари мавжуд бўлса-да, лекин судьянинг ўзини ўзи рад қилиш чораларини кўрмаслиги судьялар қасамёдини бузиш билан тенглаштирилади, тарафларда унинг ишни ҳолис ва беғараз кўриб чиқишига нисбатан табиий шубҳа туғилади.

Рад қилиш ҳақидаги ариза асослантирилган бўлиши ва ишни мазмунан кўриш бошлангунига қадар маълум қилиниши лозим. Рад қилиш асоси судга ёки рад қилинаётган шахсга ишни кўриш бошланганидан сўнг маълум бўлиб қолган ҳолатлардагина рад қилиш ҳақида кечикиб арз қилишга йўл қўйилади.

Айни бир шахс томонидан айни бир асослар бўйича такроран судьяни рад этиш бўйича арз қилиниши мумкин эмас. Такроран рад этиш арз қилинган тақдирда, у кўриб чиқилмайди.

Россия Федерациясининг Фуқаролик процессуал кодексининг 16-моддаси 2-бандига мувофиқ, ўзини ўзи рад этиш асослантирилган бўлиши ва суд муҳокамаси бошлангунга қадар тақдим этилиши лозим. Иш бошлангандан кейин судьяни рад этишга фақат кейинчалик маълум бўлган ҳолатлардагина йўл қўйилиши белгиланган. Мазкур модданинг 4-бандига кўра, судьяни рад этиш бўйича аризаси қаноатлантирилмаган шахс томонидан судьяни рад этиш ҳақида қайта ариза беришга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ, судьяни рад этиш ёхуд судья ўзини

⁸ Қаранг: Гражданский процессуальный кодекс Республики Казахстан / https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=34329053&pos=930;-43#pos=930;-43.

⁹ Қаранг: Гражданский процессуальный кодекс Республики Беларусь / https://kodeksy-by.com/grazhdanskij_protseessualnyj_kodeks_rb/105.htm.

Ўзи рад этиши юзасидан ариза қуйидаги тартибда тақдим этилади:

– судьянинг ўзини ўзи рад этиш ҳақидаги аризаси суд таркибининг раисига тақдим этилади, агар бир таркибли суд бўлса, суд мажлисининг ўзида муҳокамага қўйилади;

– фуқаролик иши иштирокчилари томонидан суд мажлисининг ўзида раислик қилувчига ёхуд девонхона орқали суд раисига киритиш учун ёки суд процессида муҳокама қилиш учун ариза берилади;

– фуқаролик иши коллегиял тартибда муҳокама қилинаётганда эса суд мажлисидаги суд таркибига ариза тақдим этилади.

Ариза қандай тартибда тақдим этилишидан қатъи назар, фуқаролик ишига тикиб қўйилади.

Юқорида кўрсатилган аризани кўриш ваколатига эга бўлган мансабдор шахс суд мажлисини очиб, Фуқаролик процессуал кодексининг 24-моддасига мувофиқ, суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг фикрини, агар рад қилиниши талаб этилаётган шахс тушунтириш беришни хоҳласа, унинг тушунтиришини ҳам эшитиши керак.

Ишни якка тартибда кўрадиган судьяни рад қилиш тўғрисидаги масала суд раиси томонидан, якка таркибли судда эса шу судьянинг ўзи томонидан ҳал этилади.

Суд ҳайъатининг аъзоси бўлган судьяни рад қилиш ҳайъат аъзолари бўлган қолган судьялар томонидан ушбу судья йўқлигида ҳал этилади. Рад қилишни ёқлаб ва унга қарши берилган овозлар сони тенг бўлиб қолганда, судья рад қилинган ҳисобланади.

Иш ҳайъатда кўрилаётганда икки судьяни ёки суднинг бутун таркибини рад қилиш арз қилинган тақдирда, рад қилиш масаласи суднинг шу таркиби томонидан оддий кўпчилик овоз билан ҳал қилинади.

Рад қилиш масаласини ҳал этиш учун судья (суд) алоҳида хонага (маслаҳатхонага) киради ва рад қилишни қабул қилиш ёки қабул қилмаслик тўғрисида ажрим чиқаради.

Ўзини ўзи рад қилиш тўғрисидаги ва прокурор, эксперт, мутахассис, таржимон ва суд мажлиси котибини рад қилиш ҳақидаги масала ишни кўриб чиқаётган суд томонидан ҳал қилинади.

Судья рад қилинган тақдирда иш фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судида, лекин бошқа судья томонидан кўрилади ёки кўриш учун фуқаролик ишлари бўйича бошқа туманлараро, туман (шаҳар) судига ўтказилади.

Россия Федерациясининг Фуқаролик процессуал кодекси 20-моддасида аризани кўриб чиқиш тартиби белгиланган бўлиб, унга кўра, суд ариза юзасидан барча иштирокчилар фикрларини эшитиши, шунингдек рад аризасини берган шахснинг тушунтиришларини тинглаши мумкин.

Ушбу модданинг 2-бандида якка тартибда ишни кўраётган судья аризани кўриб чиқиш ҳуқуқига эга экани, маслаҳатхонага кирмасдан аризани муҳокама қилиши кераклиги, натижаси юзасидан асосланган баённома тузиш билан чегараланиши кўрсатилган.

Ишни коллегиял тартибда кўраётган суд эса рад этишни сўраган судьянинг иштирокисиз, маслаҳатхонага кирган ҳолда ажрим чиқариш орқали аризани ҳал этади.

Шунингдек, 21-моддада судьяни рад этиш ёхуд судья ўзини ўзи рад этиши юзасидан тақдим этилган ариза қаноатлантирилган тақдирда:

– фуқаролик ишини кўриш шу суднинг бошқа судьясига олиб берилади, агар шу суднинг ўзида бошқа таркиб мавжуд бўлмаса, юқори инстанция суди орқали бошқа суд таркибига олиб берилади;

– агар судья ёки суддаги бутун таркиб рад этилса ва шу судда бошқа таркиб бўлмаса, фуқаролик иши юқори инстанция орқали бошқа судга ўтказилади;

Қозғоғистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексига кўра, ишларни кўриш жараёнида рад этиш ҳақида қайта ариза беришга йўл қўйилмайди.

Кодекснинг 41-моддасида суд мажлисида прокурор, суд мажлиси котиби, мутахассис, эксперт, таржимон, суд мажлиси маслаҳатчиси рад этилса ёхуд улар ўзини ўзи рад этса, арз мазкур суд мажлисининг ўзида кўриб чиқилиши белгиланган.

Агар рад этиш ёхуд ўзини ўзи рад этиш суд мажлиси процессидан алоҳида тартибда берилган бўлса, суд мажлиси иштирокчиларига хабар берилмаган ва улар жалб этилмаган ҳолда, ариза келиб тушган иш кунининг эртасигача бўлган вақтда кўриб чиқилиши, агар қўшимча маълумотлар та-

лаб этиладиган бўлса, кейинги суд мажлисига қолдирилиши белгиланган.

Биринчи инстанция суди судьясини рад этиш ёхуд судья ўзини ўзи рад этиши масаласи шу суднинг раиси ёки бошқа судьяси томонидан, агар улар мавжуд бўлмаса, вилоят судининг судьяси томонидан ариза келиб тушган иш кунининг эртасигача кўриб чиқилади.

Судьяни рад этиш ёхуд судья ўзини ўзи рад этиши юзасидан берилган ариза қаноатлантирилмаган тақдирда, фуқаролик ишлари шу таркибда давом эттирилади.

Судьяни рад этиш ёхуд судья ўзини ўзи рад этиши юзасидан тақдим этилган ариза қаноатлантирилган тақдирда эса фуқаролик ишларини кўриш кейинга қолдирилади, суд мажлиси қачон ва ким томонидан кўриб чиқилиши ҳақида қўшимча хабар берилади.

Судьяни рад этиш ёхуд судья ўзини ўзи рад этиши юзасидан берилган ариза муҳокамаси натижалари бўйича қабул қилинган ажримга нисбатан шикоят берилиши, прокурорнинг қайта кўриш ҳақида тақдимнома киритиши мумкин эмас.

Тарафларнинг ажримга нисбатан берган аризалари ва прокурорнинг тақдимномаси апелляция шикояти билан юқори инстанция судига юборилиши мумкин.

Судьяни рад этиш ёхуд судья ўзини ўзи рад этиши юзасидан берилган ариза қаноатлантирилган тақдирда, фуқаролик ишлари шу суднинг бошқа таркибида кўриб чиқилади. Агар бошқа таркиб мавжуд бўлмаса, фуқаролик иши юқори инстанция суди орқали бошқа суд таркибига ўтказиб берилади.

Хулоса қилиб айтганда, Россия Федерацияси, Қозоғистон Республикаси ва Беларусь Республикаси қонунчилигида белгиланган судьяни рад этиш масаласига оид нормалар Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигидаги норма-

лар билан ўхшаш. Шунингдек, юқоридаги барча мамлакатлар процессуал қонунчилигида судьялар алмаштирилганда, иш дастлабки муҳокамадан бошланиши белгиланган.

Юқоридаги таҳлиллар асосида, **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига қуйидаги нормалар киритилишини таклиф этамиз:**

Биринчи таклиф: Кодекснинг “Судьяни ва процесснинг бошқа иштирокчиларини рад қилиш” номли 4-бобини “*Судьянинг ҳолислигига таъсир этувчи омиллар, судья ва процесснинг бошқа иштирокчиларини рад қилиш*” деб номлаш мақсадга мувофиқ.

Иккинчи таклиф: Кодекснинг 21-моддаси номига “*Судьянинг ҳолислигига таъсир этувчи омиллар*” жумласини киритиш керак.

Учинчи таклиф: 21-модданинг биринчи қисмини “*Судьянинг ҳолислигига таъсир этувчи омиллар*” деб юритиш ва унга 2-банддан ташқари қолган бандларни киритиш, судьяни рад қилиш асосига эса фақат 2-бандни киритиш мантиқан тўғри бўлади.

Тўртинчи таклиф: 24-модданинг иккинчи қисмини қуйидаги янги таҳрирда бериш таклиф этилади:

“Ишни якка тартибда кўрадиган судьяни рад қилиш тўғрисидаги масала суд таркиби қандай бўлишидан қатъи назар, шу судьянинг ўзи томонидан ҳал этилади”.

Бешинчи таклиф: 24-моддани қуйидаги янги қисм билан тўлдириш таклиф этилади:

“Рад қилишни қабул қилиш ёки қабул қилмаслик тўғрисидаги ажримга нисбатан келтирилган шикоят фуқаролик ишига қўшиб қўйилади ва суднинг ҳал қилув қарорига нисбатан берилган апелляция ёки кассация шикояти билан бирга муҳокама қилинади”.

АКСИОЛОГИК ТАМОЙИЛЛАРНИНГ РЕНЕССАНС ДАВРЛАРИДАГИ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Doi: 10.34920/ DHR.2023.3.032



Ҳаким ТЎХТАЕВ,
Ўзбекистон Миллий университети
профессори в.б.

Аннотация. Мақолада Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишга киришган янги Ўзбекистонда қадриятлар билан боғлиқ омиллар ва аксиологик қонуниятларнинг Ўйғониш даврларига хос намоён бўлиш хусусиятлари, амал қилиш диалектикаси ҳамда қадриятлар тўғрисидаги мутафаккирлар қарашларининг жаҳон цивилизациясига таъсири илмий-фалсафий жиҳатдан ўрганилган.

Калит сўзлар: аксиологик омиллар, қадриятлар тизими, қадрият мезонлари, миллий манфаатлар, Учинчи Ренессанс.

Abstract. The article examines the factors associated with values and axiological laws in new Uzbekistan, which began to lay the foundation of the Third Renaissance, the features of the manifestation and dialectics of the application of axiological laws characteristic to the Renaissance period and the influence of thinkers' views on values and world civilization is studied scientifically and philosophically.

Key words: axiological factors, value system, criteria of value, national interests, the Third Renaissance.

Аннотация. В статье рассмотрены факторы, связанные с ценностями и аксиологическими принципами в новом Узбекистане, начавшем закладывать фундамент Третьего Ренессанса, особенности проявления и диалектика применения аксиологических законов, характерных для периода Возрождения: с научно-философских позиций исследуется влияние взглядов мыслителей разных эпох на ценности и мировую цивилизацию.

Ключевые слова: аксиологические факторы, система ценностей, критерии ценности, национальные интересы, Третий Ренессанс.

Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишга киришган янги Ўзбекистонда қадриятлар билан боғлиқ омиллар ва аксиология қонуниятлари Ўйғониш даврларига хос намоён бўлиш хусусиятлари ҳамда амал қилиш диалектикасини илмий-фалсафий ўрганиш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этмоқда. Негаки, бундай Ренессанс даврларида аксиологик омиллар таъсирчанлиги кучайиши, уларга эътибор ортиши, қадрият мезонларига амал қилиш даражаси юксалиши кузатилади. Ушбу омиллар муайян халқ ёки бирор бир авлоднинг ўз тарихий миссиясини тўлатқис англаб олиши, эзгу мақсадлар ва миллий манфаатлар асосида бирлашиши, қисқа даврда улкан

ишларни амалга ошириши учун муҳим маънавий таянч вазифасини ўтайди.

Юртимиз ўтмишига ҳолисона назар ташлаган ҳар бир киши бир эмас, икки марта бундай ноёб жараён, яъни Ренессанс рўй берганини кузатиши мумкин. Ватанимиз тарихида “илк ўрта асрлар” деб юритиладиган милоднинг IX – XII асрлари ҳамда Амир Темур ва Темурийлар даври инсоният тарихининг ана шундай буюк юксалиш даврлари бўлгани, ўзига хос улкан Ренессанс рўй бергани шубҳасиз.

Бу жиҳатдан, Марказий Осиё ва айниқса, мамлакатимизда қадриятлар тўғрисидаги ғоялар ривожига унинг жаҳон цивилизациясига таъсирини илмий

ўрганиш мавзунинг муҳим жиҳатларини англашга ёрдам беради. Дарҳақиқат, ҳар қандай халқ, биринчи навбатда, буюк зотлари, инсоният тамаддумига улкан ҳисса қўшган олиму уламолари билан ғурурланади. Мамлакатимиз ҳам ўзининг қўҳна тарихи, бой мероси, урф-одат ва анъаналари билан ажралиб туради. Бу халқнинг буюк сиймолари жаҳон илм-фани ва маданиятининг барча соҳалари ривожига салмоқли ҳисса қўшганлар. Бинобарин, Президентимиз Ш. М. Мирзиёев таъкидлаганларидек, **“Имом Бухорий, Бурҳониддин Марғиноний, Исо ва Ҳаким Термизийлар, Маҳмуд Замахшарий, Муҳаммад Қафқол Шоший, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий ва бошқа кўплаб даҳолар номи нафақат ислом, айни вақтда жаҳон цивилизацияси тарихида ҳақли равишда олтин харфлар билан битилган”**¹.

Мамлакатимизда Биринчи Ренессанс даврида шаклланган кадриятлар тизими ва аксиология қонунлари амалиёти исломий таълимот ҳамда ислом фалсафасининг асослари Қуръон ва ҳадисларда баён қилинган ғоялар асосида шаклланган. Қуръон – муқаддас китоб. Унда ислом қонун-қоидалари, иймон-этикод талаблари, ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрлар ўз ифодасини топган. Сунан эса ҳадислар мажмуи бўлиб, Қуръондан кейин туради ва уни тўлдиради. Унда Муҳаммад пайғамбарнинг сўзлари, хатти-ҳаракатлари ҳадислар шаклида жамланган. Қуръон ва сунандан кейинги муҳим манба – шариатдир. Шариат исломда ҳуқуқий, ахлоқий меъёр ва амалий талаблар тизими ҳисобланади.

Алоҳида эътироф этиш керакки, ислом, унинг асосий қомуси – Қуръонда, шу билан бирга ҳадиси шарифларда таърифлаб берилган илоҳий кадриятлар мамлакатимиз халқлари тарихи, маданияти ва маънавиятига ниҳоятда катта таъсир кўрсатди. Бу таъсирни турлича баҳолаш, таҳлил қилиш мумкин, аммо унинг ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам муайян аҳамиятга молик эканлигини инкор қилишнинг илоҳи йўқ. Юртимиз заминидан милоннинг VIII асридан кейин яшаган ҳар бир мутафаккир, олим, шоиру аллома ижодида ислом динининг илоҳий кадриятлари таъсири яққол сезилиб туради.

Биринчи Ренессанс даври кадриятлари тизими

учун асос бўлган диний илмлар соҳаларида ад-Доримий, имом Бухорий, имом Термизий, имом Мотуридий ва имом Бурҳониддин Марғинонийлар пешқадамлик қилган бўлсалар, дунёвий билимлар жаҳҳасида ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, ал-Форобий, ал-Беруний, Абу Али ибн Сино каби алломалар юртимиз довуғини дунёга ёйганлар.

Бугунги кунда илк ўрта асрларда юртимиздан етишган аллома ва атоқли муҳаддислар сифатида кўпроқ имом Бухорий, имом Термизий, имом Мотуридий ва имом Бурҳониддин Марғинонийлар номлари тилга олинади. Аслида эса улардан ҳам илгарироқ бу борада бутун араб дунёсида машҳур бўлган алломаларимиз кўп.

Улардан бири **Абу Муҳаммад ас-Самарқандий ад-Доримий** (789 – 869 йй.) бўлиб, унинг қаламига мансуб “Сунан ад-Доримий” (“Ал-Муснад”) китоби ишончли ҳадислар тўплами, ушбу алломанинг энг машҳур асари ҳисобланади. У ҳадисларни мавзуларга ажратиб баён этган. Ушбу асар муқаддима (муқаддима 57 та кичик бобдан иборат) ва 23 китобдан иборат бўлиб, ўз навбатида, ҳар бир китоб ҳам кўп сонли боблардан ташкил топган.

Уламолар кўп ҳолларда Имом ад-Доримийнинг ушбу асарига таъриф беришганда асарда келтирилган ҳадисларнинг иснодига² юқори баҳо берадилар. Унда муаллиф асарига энг сара иснодли ҳадисларни жамлаганини таъкидлайдилар.

Эътиборли томони шундаки, Имом ад-Доримийнинг “Сунан ад-Доримий” асарида келтирилган ҳадислардан деярли у яшаган даврда фаолият кўрсатган буюк муҳаддислар ал-Бухорий, Муслим ибн ал-Ҳажжож, Абу Довуд ас-Сижистоний, ат-Термизий, ан-Насафий, ибн Можа ва бошқа кўплаб таниқли ҳадисшунослар ўз асарларида фойдаланганлар. Ислом алломалари уни “Ас-Саҳиҳ” деб аташни таклиф қилганлар ва “Ас-Сихоҳ ас-Ситта” (“Олти Саҳиҳ”) китоблари жумласига (Ибн Можанинг “Саҳиҳи” ўрнига) киритишни тавсия этишгани асло тасодиф эмас. Алломанинг ҳаёти ва илмий-маънавий мероси, хусусан, унинг “Сунан” асари юртимиз илм-фани ва маданияти тарихини чуқур ўрганиб, халқимизга етказиш ва миллий кадриятларимиз тикланишида катта аҳамиятга эга.

Халқимиз даҳосини яққол намоён этган, ислом фалсафаси ва миллий тафаккурига катта таъсир кўр-

¹ Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 28-б.

² Иснод – ҳадис айтувчи ровийлар рўйхати. Яъни ҳадиснинг бошланишида уни биринчи бўлиб айтган ва эшитган кишидан бошлаб, ҳадисларни тўпловчига қадар барча шахсларнинг исмлари бирма-бир кўрсатиб чиқилади ва бу ҳадиснинг асоси, далили ҳисобланади.

сатган, ҳадисшунос олим ва файласуф **Имом ал-Бухорий**дир. Мутафаккирнинг “Ал-Жомий ас-саҳиҳ”³ асари умумэтироф этилган олти саҳиҳ китобнинг биринчисидир. Ал-Бухорий умри давомида ёзиб олган минглаб ҳадислардан энг ишончли 7275 тасини саралаб, шу китобга киритган. Ушбу китоб шундай улкан маънавий хазинаки, унда келтирилган саҳиҳ ҳадислар Куръони Карим оятларидан кейин ислом шарияти, калом ва фикҳ илмларида шаръий ҳукмларга асос бўлиб хизмат қилади.

Ал-Бухорий “Ал-Адаб ал-муфрад” асарида инсон ахлоқи, одоби, маънавий камолотига оид ҳадисларни келтирган. Жумладан, ота-она олдидаги фарзандлик бурчлари, ота-онани рози қилиш, уларнинг ҳақини адо этиш, ота-она амрига итоат қилиш, уларнинг дилини оғритмаслик, ота-она дуоси, қариндош-уруғларга меҳр-шафқат, раҳмдиллик кўрсатиш, такаббурлик, бадфеъллик, зулмкорликнинг ёмонлиги, ростгўйлик ва ёлгонлик, ҳалол ва ҳаром, савоб ва гуноҳ ишлар каби инсон маънавиятига доир муҳим қадриятлар ҳадислар асосида баён этилган.

Ал-Бухорий энг яхши фазилатларга инсоф, адолат, садақа бериш, одамларга салом бериш кабиларни, энг ёмон иллатларга шартномага амал қилмаслик, ёмон сўзларни айтиш, кек сақлаш ва ноҳақлик қилиш кабиларни киритади. Имом Бухорий ҳадисларида очкўзлик, мунофиқлик, аҳмоқлик, нодонлик, ғийбат, бўҳтон тошини ёғдириш ва бошқа тубан иллатлар қаттиқ қораланади.

Муҳаддислик билан шуғулланадиганлардан пок диёнат ва тақводорлик, ўтқир зеҳн ва қобилият талаб қилинади. Имом ал-Бухорий бу соҳада ўзига асосий дастуриламал қилиб олган эҳтиёткорлик маслаги унинг диёнат, иймон-ихлос ва художўйликда юксак даражага эришганини кўрсатади⁴. Имом ал-Бухорий ғоятда беғубор, ҳалол, покиза, диёнатли инсон бўлиб, ғийбату ноҳақликлардан узоқ юрган. У доимо: “Ғийбат қилиш ҳаром эканини билганимдан бошлаб, ҳеч қачон бирор киши ҳақида ғийбат гапирмаганман”, деб таъкидлар экан.

Жаҳон тафаккури, ислом олами ҳамда ўзбек фалсафаси тараққиётида **ат-Термизий** буюк муҳаддис ва мутафаккир сифатида муҳим ўрин тутати. Термизий асарларида илм эгаллаш, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги ҳурмат, таълим-тарбия, хулқ-одоб қоидалари, ҳалоллик, поклик, саҳийлик, адолат, инсоф ва

бошқа инсоний қадриятлар улуғланган. Шу билан бирга тубан иллатлардан бўлмиш ёлгончилик, тухмат, адоват, зулм, хиёнат, фисқу фасод, таъмағирлик кабилар қораланган.

Имом ат-Термизийнинг “Ал-Жоме ас-саҳиҳ” (бу асар “Сунани Термизий” деб ҳам юритилади)⁵ китобида ахлоқ ва хулқ-одоб қоидаларига алоҳида эътибор қаратилган. Унда ўзгаларга яхшилик қилиш, хайрли ишлар билан машғул бўлишнинг афзаллиги тўғрисида сўз юритилади. Бу китобдаги ҳадисларда, хусусан, садақанинг моҳияти ҳақида шундай дейилади:

- одамларга хайрихоҳлигининг – бу сенинг садақанг;
- хайрли ва яхши ишлар қилишга даъват этишинг, одамларни зулмдан қайтаришинг – сенинг садақанг;
- адашган кишиларга йўл кўрсатишинг – садақа;
- ҳатто камбағалларга хушмуомалада бўлишинг ҳам сенинг садақанг;
- ерда халақит бериб ётган бирор тош, тиканак ёки суякни бир чеккага олиб қўйишинг ҳам садақа ҳисобланади.

Атоқли олим У. Уватов таъкидлаганларидек, “Мазкур асарнинг “Ас-Сунан” номи билан аталиши унда, асосан, фикҳ масаласига доир аҳком ҳадислар жуда кўп келтирилганлигидир. Шу билан бирга асарда панд-насихат, ахлоқ-одоб, гўзал хулқ хусусида ҳам жуда кўп ҳадиси шарифлар келтирилган”⁶.

Имом Бухорий ва ат-Термизий ҳадисларида Муҳаммад пайғамбарнинг (с.а.в.) ахлоқ, хулқ-одоб, илм-фан, касб-хунар, таълим-тарбия, иймон, этикод, инсонпарварлик, ҳалол йўл билан бойлик орттириш ва уларнинг бир қисмини муҳтожларга хайр-эҳсон қилиш тўғрисида қариндошлари ва яқинларига айтган ҳикматли фикрлари жамланган. Ушбу ҳадислар асрлар мобайнида кишиларни эзгуликка, одамийликка чорлаб келган. Улар ҳозир ҳам баркамол авлодни тарбиялашга, улар онгига умуминсоний ва миллий қадриятларни сингдиришга хизмат қилмоқда.

Марказий Осиёдаги Биринчи Ренессанс даврида яшаб ижод қилган буюк мутафаккирлардан бири **Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий**дир. У ҳалифа ал-Маъмун ташкил қилган академия – “Байт ул-ҳикмат”да катта мавқега эга бўлган. Унинг ушбу академия олимлари билан илмий баҳсларда илгари сурган ғояларида, яратган асарларида ҳаёт фалсафасида

³ Қаранг: Олтин силсила. Саҳиҳ-ул Бухорий / 1 – 8 жуз. – Т.: “Ҳилол нашр”, 2013.

⁴ Уватов У. Ўзбекистон – буюк алломалар юрти – Т.: “Маънавият”, 2010. – 23-б.

⁵ Қаранг: Абу Ййсо Муҳаммад ат-Термизий. Сунани Термизий (Ал-Жоме ас-саҳиҳ). Ж. I / Мирзо Кенжабек таржимаси. – Т.: «Мовароуннаҳр», 2017. – 528 б.; Абу Ййсо Муҳаммад ат-Термизий. Сунани Термизий (Ал-Жоме ас-саҳиҳ). Ж. II / Таржимон Мирзо Кенжабек. – Т.: «Мовароуннаҳр», 2017. – 448 б.

⁶ Уватов У. Ўзбекистон – буюк алломалар юрти – Т.: “Маънавият”, 2010. – 39-б.

кадриятларнинг умуминсоний томонлари изоҳланган.

Мусо Хоразмий дунёқарашида ижтимоий-фалсафий масалалар, хусусан жамият, унинг истиқболи ҳақидаги фикр-мулоҳазалар алоҳида ўрин эгаллайди. Жамият тараққиётида илм-фан, маданият ва одоб-ахлоқнинг катта ўрин тутиши ҳақида аллома томонидан баён этилган фикрлар ҳозирги давр учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Одамлар ақл-идроқи, иймон-этиқодини мустаҳкамлаш, руҳан поклаш ва кишилар ўртасидаги инсоний муносабатларни мустаҳкамлашда илмий, маданий ва диний кадриятларнинг муҳимлиги хусусидаги фикрлари ниҳоятда муҳимдир.

Хоразмий: “Олимнинг қадри ўтмишдошлари фикрларини келажакка ҳокисор етказиб беришда”, деб ҳисоблар эди. Мутафаккир қуйидагича ёзади: “Ўтмиш даврларда ўтган олимлар фаннинг турли тармоқларида асарлар ёзиш билан ўзларидан кейин келадиганларни назарда тутардилар. Улардан бири ўзидан аввалгилардан қолган ишларни амалга оширишда бошқаларидан ўзиб кетади, уни ўзидан кейин келувчиларга мерос қолдиради, бошқаси ўзидан аввалгиларнинг асарларини шарҳлайди, бу билан қийинчиликларни осонлаштиради, ўзидан аввалгилар ҳақида яхши фикрда бўлади, такаббурлик қилмайди ва ўзи қилган ишидан мағрурланмайди”⁷. Бу сўзлар бутун шарқ олимлари учун умумий талаб ва ахлоқий камолот мезони, улар маънавий қиёфасининг устувор хусусияти сифатида намоён бўлади.

Шарқ маданияти тарихида муҳим ўрин тутган аллома **Абу Наср Форобий** (873 – 950 йй.) ҳам кадриятларга катта эътибор берган. Форобийнинг кадриятлар тўғрисидаги фикрларини “Мадина ал-фозила” таълимотида яққол кузатиш мумкин. Бу таълимот “Фозил одамлар шахри”⁸ китобида тўлароқ ифодасини топган. Қомусий олим сифатида Форобий фозил жамият тўғрисидаги таълимотида юксак ғоялар, адолатли ижтимоий муносабатлар қарор топган даврда вужудга келадиган маънавий-ахлоқий кадриятларнинг умумий тизимини изоҳлаб берган.

Форобий “Фозил одамлар шахри” ҳамда “Бахт-саодатга эришув ҳақида” каби асарларида ўзаро ёрдам ва бирлашув асосида вужудга келадиган инсон жамоаси, ҳамкорлик, илм ва яхши ахлоқнинг асосий жиҳатларини ташкил қилиши лозим бўлган ижтимоий муносабатлар, кишиларни бахт-саодатга элтувчи давлат, етук хислатларга эга бўлган ва фуқаро томонидан сайланадиган бошқарувчиларга

эга бўладиган жамият тўғрисидаги фикрларни қайд қилади. Унинг асосий орзуси ва мақсади – энг буюк маънавий-ахлоқий кадриятлар, илм-фан қадри баланд бўлган жамиятдир.

Абу Райҳон Беруний қомусий олим сифатида кадриятларнинг табиатини жуда яхши ўрганган. Маънавий кадриятларнинг вужудга келиши Беруний фикрича, ижтимоий муносабатлар, кишиларнинг яшаш тарзи, моддий эҳтиёжлари, қизиқишлари, манфаатлари, талаблари ва мақсадлари билан узвий боғлиқ. Масалан, кишилар ўртасидаги ҳамкорлик одамларни бирлашиш эҳтиёжлари кўплиги, ҳимоя қилиш қуроллари камлиги ва душманлардан ўзини ҳимоя қилиш зарурати туфайли вужудга келган.

Беруний: “Инсон – энг асосий кадриятлардан биридир, тафаккур эса уни бошқа жонзотлардан ажратиб турадиган маънавий омилдир”, деб ҳисоблаган. У маънавий кадриятлар тизимини ўзига хос тарзда ифодалайди, яъни яхши ва ёмон хулқларга ажратади. Унинг фикрича, яхши хулқларга – ростгўйлик, одиллик, оқиллик, мардлик, ботирлик ва мурувватлилик каби қадри хусусиятлар, ёмон хулқларга эса ёлғончилик, золимлик, қаллоблик, ўғрилиқ, ҳийлагарлик, номардлик каби жиҳатлар мансубдир.

Кадриятлар муаммоси **Абу Али ибн Синонинг** (980 – 1037 йй.) ҳам диққат марказида турган. Олим асарларининг катта қисми фалсафа муаммоларига бағишлаб ёзилган бўлса-да, афсуски, уларнинг кўпчилиги, масалан, 20 томдан иборат “Адолат” номли фалсафий энциклопедияси, “Шарқ фалсафаси”, “Яхши иш ва гуноҳ” асарлари бизгача етиб келмаган. Кадриятлар муаммоси Абу Али ибн Синонинг “Рисолат ут-тайр” (“Қушлар тили”), “Донишнома”, “Соломон ва Ибсол” каби бизгача етиб келган асарларида ўз ифодасини топган. Унинг назарида ўз ибтидосини Аллоҳдан олган борлиқ ва табиат инсонни ўраб турувчи абадий макондир. Шу жиҳатдан унинг қадри бекиёс, инсон эса ҳамма бойликларни табиатдан олади, ундан ўзига даво топади.

Ибн Сино инсон, унинг ўзини ўзи идора қилиши ҳақидаги фанларнинг (инсоншунослик) аҳамиятини тўғри таъкидлайди. У маънавий-ахлоқий кадриятларнинг аҳамиятига ҳам катта эътибор берган. Олимнинг фикрича, одамзод қадри – бошқалар билан ҳамкорлиги, яхши ахлоқий фазилатларга эга бўлиш учун интилиши, донолиги, ўзгаларга яхшилик қила олишидадир. Файласуф назарида, яхшилик роҳат-фароғатга ва лаззатланишга олиб келиши, ёмонлик эса азобланиш ва уқубатга олиб бориши билан тавсифла-

⁷ Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий. Танланган асарлар. – Т.: “Фан”, 1983. – 59-б.

⁸ Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2016.

нади. Ибн Сино “Ахлоқ илми ҳақида рисола” асарида ифбат, шижоат, ҳикмат, адолат, сахийлик каби инсоний-маънавий қадриятларни таърифлайди.

Умуман олганда, Абу Али ибн Сино асарларида таъкидланишича, “Инсон табиати туғилишидан бошлаб ахлоқли ёки ахлоқсиз бўлмайди, кишилар тайёр сифатлар, кўникмалар, фазилат ва иллатлар билан дунёга келмайдилар. Улар аслида ҳаётда шахсий ва ўзгалар тажрибаси, ажодлар анъаналари, таълим-тарбия натижасида шаклланадилар ва муайян ижтимоий мавқега эришадилар. Таълим-тарбия бошқа кишилар таъсири остида инсон ижобий ахлоқий фазилатларини ўзида шакллантиради. Ёки ёмон сифатлар, хусусиятлар соҳибига айланади. Ҳар бир инсон томонидан ўзида ижобий ахлоқий фазилатларни камол топтириш қанчалик қийин бўлса, салбий сифатлардан қутулиш ундан ҳам мураккаброқ”.

Халқимиз шухратини жаҳонга танитган **Абулқосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад Замахшарий** (1075 – 1143 йй.) фалсафа ва ахлоқий қадриятлар илмида ўз даври учун қимматли ғоялар яратган. Замахшарийнинг “Навобих ал-калом” (“Нозик ибора”), “Атбоқ аз-заҳаб” (“Олтин шодалар”), “Ал-фоик фи Ғариб ил адис” (“Ғариб ҳадислар ҳақида асар”) каби китобларида инсон ва унинг жамиятдаги ўрни, ахлоқий фазилатлари, адолатли, иймонли, эътиқодли бўлиш каби ғоялар ўғит, насиҳат, ибратомуз иборалар шаклида баён қилинади.

Замахшарий фикрича, Аллоҳ таоло боғу тошлар, тирик мавжудотлар, денгизу саҳроларни яратган. У инсоннинг қилмишидан, юриш-туришидан доимо огоҳ бўлиб туради. Бас, шундай экан, инсон бу дунёда хайрли ишлар билан шуғулланиши, одил бўлиши, ёмонлик ва ёвузликка қарши кураш олиб бориши, ҳақиқат тарафдори бўлиши керак. Алломанинг ахлоқий қарашларида, панд-насиҳат ва ибратомуз сўзларида инсоннинг гўзал фазилатларни касб қилиши, хулқ-одоб қоидаларини эгаллаши зарурлиги таъкидланади.

Замахшарий тўғрилиқ ва покликни улуғлайди. Уларни инсоннинг энг яхши фазилатлари сирасига киритади. Аллома ўз даврининг инсонпарвар мутафаккири бўлган. Ахлоқий қадриятларда инсон шахси ва унинг фазилатларини юксакликка кўтарган, инсоний фазилатларга катта ўрин берган. Унинг илм-ўрганиш, хорижий тилларни билиш, таълим-тарбия, хулқ-одоб тўғрисидаги ҳикматли сўзлари, панд-насиҳатлари, ўғитлари янги Ўзбекистонда баркамол ва етук ёшларни тарбиялашга ҳисса қўшиши шубҳасиздир.

Амир Темур ва Темурийлар даврида, айниқса, қадриятлар масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Ўрта асрларда Мовароуннаҳрдаги сиёсий қадриятларнинг ўзига хос талқинида **Амир Темур**, умумбашарий қадриятларнинг илмий таҳлилида Муҳаммад Тарағай Улуғбек асос солган “**Улуғбек академияси**” катта ўрин тутди. Подшоҳлар, ҳукмдор ва сиёсий арбобларнинг ахлоқ-одоб қоидалари, давлат ва сиёсат юритиш санъати баён қилинган “Темур тузуклари”да ижтимоий сиёсий қадриятларга катта аҳамият берилган. Асар Шарқда ва Ғарбда машҳур бўлган, кўп марта чоп этилган. Унда сиёсатдоннинг ахлоқи, юриш-туриши, сиёсат бобидаги фаолияти, халқ, қўшин, уламолар, аркони давлат ва бошқаларга муносабати учун асосий мезон бўладиган сиёсий қадриятлар ўша замон нуқтаи назаридан баён қилинган. Амир Темурнинг моҳир давлат арбоби, тажрибали сиёсатдон ва саркарда сифатидаги ўғит ҳамда насиҳатлари кейинги давр сиёсий арбоблари, аҳли фозиллар учун дастуриламал бўлиб хизмат қилган.

Амир Темур ўз ҳаётини Мовароуннаҳр халқининг фаровонлиги, юрт ободлиги учун сарфлади. Унинг даврида ҳашаматли бинолар, мадрасалар, гўзал боғлар бунёд этилди. Мамлакатимиз Шарқнинг гўзал худудига айланди. Амир Темур маданият ва илм-фан ҳомийси сифатида машҳур бўлди. Ўз саройига олиму фузалоларни жамлади. Темурийлар даврида тасаввуф таълимоти кенг қулоч ёйди. Соҳибкирон тасаввуф қоидаларидан мамлакатдаги салбий иллатларни йўқотишда, турли жанжал, низоларни бартараф қилишда, ҳақиқат ва адолат ўрнатишда инсонпарварлик ғояларини тарқатишда фойдаланди. “Темур тасаввуфдаги покликни, тўғри ва софдил бўлиш, ҳаром-ҳаром ишлардан қочиш, ҳалол меҳнат қилиш, бирор касбни эгаллаш, муҳтожларга меҳр-шафқат кўрсатиш каби ғояларни халққа сингдириш учун кураш олиб борди”⁹.

Умумбашарий қадриятлар таҳлилида **Мирзо Улуғбек**нинг фикрлари ва кашфиётлари ҳам ўзига хос ўрин тутди. У ўз атрофига Қозизода Румий, Али Қушчи каби ўнлаб мутафаккирларни тўплади, улар билан бирга умумбашарий қадриятлар, коинот сирлари, унда рўй бераётган жараёнлар аҳамиятини ўрганиш борасида ўз замонасидан илгарилаб кетди. Сирасини айтганда, улар нафақат умумбашарий қадриятларни тадқиқ этдилар, балки илм-маърифат, ҳақиқат, зиёлилик, фозиллик каби умуминсоний қадриятларнинг турли хусусиятларини изоҳлаб бердилар. Улуғбек бошчилик қилган олимлар фаолияти фақат коинот сирларини тадқиқ қилиш билан чегара-

⁹ Назаров Қ. Ўзбек фалсафаси. – Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2013. – 131-б.

ланиб қолмайди. Афсуски, ҳозирги даврда қўпчилик бу фаолиятни фақат “Зижи Қўрагоний” асари билан боғлиқ, деб ўйлайди. Аслида, Улуғбек академиясининг фаолияти ўрта асрлар илмий ҳурфиқрилигининг энг ёрқин намуналаридан биридир. Улуғбек академияси олимлари коинот ва юлдузларни инсон учун абадий макон бўлган оламнинг башарий қадриятлари сифатида тушунганлар ва тадқиқ этганлар.

Улуғбек таълимотига кўра, билим инсоннинг қомиллик мартабасига эришишига восита ҳисобланади. Илм кишиларни кибру-ҳаводан, манманликдан, мутаассибликдан, нафс қулига айланишдан асрайди, дилларни ёритади, қалбларни турли хил иллатлардан поклайди, ҳаёт йўлини нурафшон қилади, ёмонликни жиловлайди, эзгуликка даъват этади. Мирзо Улуғбек, айниқса, мурувват ва саховатнинг инсон маънавий юксалишидаги ўрни бекиёслигини таъкидлайди.

Юртимиз маданиятида ўчмас из қолдирган буюк мутафаккир **Алишер Навоий** (1441 – 1501 йй.) ўзининг “Хамса”, “Тухфат ул-аброр”, “Маҳбуб ул-қулуб” ва бошқа асарларида қадриятлар масаласига катта эътибор берган. Унинг мероси фалсафий фикрларга бой бўлиб, китобларида жамият тараққиёти, инсоннинг бахт-саодати, қомил инсон ва фозил жамоа, таълим-тарбия ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ўз ифодасини топган.

Алишер Навоий ўша даврда тарғиб қилинадиган: “Инсоннинг маънавий қиёфаси унинг тақводорлиги ва тоат-ибодатлари билан бегиланади”, деган қарашни эътироф этади. Кишининг қиёфасини унинг маънавий-ахлоқий қадриятлари ва яхши ишлари безайди, деган фикрни илгари суради. Навоий томонидан изоҳланган қадриятлар тизими ҳам ана шунга асосланади ва илоҳий, табиий ҳамда инсоний қадриятларнинг бир бутунлиги сифатида талқин этилади. Бунда абадий илоҳият – Аллоҳ, унинг энг серқирра ва сермазмун намоён бўлиши – коинот ва табиат, бу зоҳирийликнинг “гултожи” бўлган инсон диалектик алоқадорликда намоён бўлади. Бунда одамзот эришиши лозим бўлган мақсад – нафақат Аллоҳ жамоли, балки бахтли ҳаётга эришиш ва қомил инсон бўлиб вояга етишдир.

Алишер Навоий халқ орасида инсонпарварлик ғояларини ёйди. Турли миллат ва элатлар ўртасидаги дўстликни улуғлади. Навоийнинг Форобий, Ибн Сино, Беруний сингари мукамал жамият тўғрисидаги қарашларида умумижтимоий қадриятлар тизими ўз ифодасини топган, қомил инсон таълимотида эса етук инсон қиёфасига ҳос бўладиган шахсий қадриятлар тизими таърифланган. Бунда ана шу икки қадриятлар тизимининг адоқадорлиги яққол кўриниб туради.

Навоий инсоннинг оқиллик, саҳийлик, поклик каби ҳислатларини тараннум этиб, ҳаёти давомида манфаатпарастлик, рикорлик, инсон шаънини ерга урувчи разолат ва қабохатлардан ўзини тия олган, инсонпарварлик ва эзгуликка хизмат қилувчи ғояларни илгари суриб яшаган.

Халқимиз шухратини оламга ёйган, унинг тафаккур ва дунёқарашига катта таъсир кўрсатган Заҳириддин **Мухаммад Бобур** (1483 – 1530 йй.) ўз даврининг йирик мутафаккири, давлат арбоби, мумтоз адабиётимизнинг атоқли вакили, тарихчи олим, шоир ва таржимондир. У Темурийлар авлодидан бўлиб, Андижонда туғилган. Ҳиндистонда 300 йилга яқин ҳукм сурган улкан империяга асос солган.

Бобур ўзининг лирик асарлари билан машҳур. У ғазал, рубоий, маснавий ва бошқа назмий асарларида улуғ шоирлар Умар Хайём, Ҳофиз Шерозий, Алишер Навоий бошлаб берган энг яхши анъаналарни давом эттирган. У гуманист шоир бўлиб, инсонни, унинг эрки ва бахтини қуйлаган, ишқ-муҳаббат, вафодорлик, меҳру шафқат каби олижаноб туйғуларни тараннум этган. Бобур маърифатни халқ орасида ёйишга, илмни жамият равнақи йўлида хизмат қилдиришга интиланган.

Бугунги кунда улуғ аждодларимизнинг халқимиз учун қилган хизматлари олдида маънавий қарздорликни ҳис қилиш, ота-боболаримизга муносиб бўлишга интилиш, уларнинг эзгу амалларини давом эттириш замонавий қадриятлар соҳаси ривожини учун бекиёс ўринга эга. Бу – қадриятлар соҳаси трансформациясини ижтимоий-аксиологик жараёнлар ривожини ва таъсирига кўра таҳлил қилишдан ҳосил бўлган асосий ҳулосалардан биридир.

Келтирилган мисоллардан ҳулоса шуки, истиклолга эришмаган халқда ўз қадриятларини юксалтириш имкони бўлмайди. Яъни мустақиллик – қадриятлар соҳасидаги ўзгаришлар трансформациясини такомиллаштиришнинг бош омилдир.

Зеро, мустақиллик эркинликнинг, тенглар ичида тенгликнинг ифодаси, давлатнинг жаҳонда ўз ўрни, овози борлигидан далолатдир. Жамиятнинг қадриятлар соҳасидаги ўзгаришлар трансформациясига ҳос ижтимоий-аксиологик омиллар эркинлик муҳитида ўз ифодасини топади.

Ҳулоса қилиб айтганда, бугунги кунда юртимизда янги Ренессансга интилишнинг мустаҳкам тарихий илдизлари бор ва бу халқимизга қуч бағишламакда. Фикримизча, ушбу жараённи ҳозирги даврда эзгу қадриятларга таяниб эришилаётган натижа сифатида қабул қилиш тўғри бўлади. Мазкур ёндашув мамлакатимизда Учинчи Ренессансга барпо этишдек олий мақсадга эришишда муҳим аҳамият касб этади.

ЕВРОПАДА СИЁСАТ ВА ДИН ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР ТАРИХИ

Doi: 10.34920/ DHR.2023.3.033



Сайёра САИДОВА,
Республика ёш олимлар
кенгаши нодавлат нотижорат
ташкilotи директори

Аннотация. Халқаро муносабатлар ва жаҳон сиёсатидаги тўб ўзгаришлар, сиёсий режимлар ва давлат тизимларининг ўзгариши баъзан бифуркация нуқталарини келтириб чиқаради, бунда диний сиёсатдаги муносабатларни қуриш парадигмаси тўбдан ўзгаради. Замонавий босқич учун бундай ҳал қилувчи омил дунёнинг биполяр тизимининг қулаши ва глобаллашув шароитида катта демографик ўзгаришлар бўлди. Агар тарихга мурожаат қилсак, сиёсат ва дин ўртасидаги муносабатларда бир-биридан тўбдан фарқ қилувчи иккита парадигма – ҳуқуқий ва сиёсий манфаатларга асосланган парадигмалар ажралиб туради.

Калит сўзлар: демографик ўзгариш, сиёсий эркинлик, сиёсий манфаатлар, антик давр, эътиқод.

Abstract. Fundamental changes in international relations and world politics, changes in political regimes and state systems sometimes cause bifurcation points, in which the paradigm of building relations in religious politics changes radically. Such a "decisive factor" for the modern stage is the collapse of the world's bipolar system and major demographic changes in the context of globalization. If we turn to history, relations between politics and religion can be distinguished only by two fundamentally different paradigms - based on legal and political interests.

Key words: demographic change, political freedom, political interests, antiquity, belief.

Аннотация. Коренные изменения в международных отношениях и мировой политике, смена политических режимов и государственных систем иногда вызывают точки бифуркации, в которых кардинально меняется парадигма построения отношений в религиозной политике. Таким «решающим фактором» на современном этапе стал распад мировой биполярной системы и крупные демографические изменения в условиях глобализации. Если обратиться к истории, то в отношениях политики и религии можно выделить лишь две принципиально разные парадигмы – основанные на правовых и политических интересах.

Ключевые слова: демографические изменения, политическая свобода, политические интересы, античность, вера.

Ретроспектив қараш шуни кўрсатадики, тобе халқлар ва давлатларга нисбатан диний мурасасизлик доимо сиёсий беқарорликка олиб келадиган омил бўлиб келган, шунинг учун у ёки бу даражада диний эркинлик берган антик давр ҳукмдорлари буни, қоида тариқасида, сиёсий

манфаатни кўзлаб ёки маълум эътиқодларга шахсий муносабат боис амалга оширган. Қадимий давр ва ўрта асрлар босқичида принциплар ҳамда ҳуқуқларга асосланган бирон бир қонуният ҳақида гапиришнинг ҳожати йўқ. Агар Рим империяси давригача диний ҳаёт, қоида Тариқасида, миллий

чегаралар билан ихоталанганини ҳисобга олсак, бу ҳолатни осон тушунтириш мумкин. Эътиқод эркинлиги масаласи ҳуқуқий эмас, балки миллий ва сиёсий масала эди. А. Шмеман бу ҳолатни жуда тўғри таърифлаб, “Қадимги одам учун дин шахсий танлов эмас, балки оила, уруғ, давлат масаласи эди. Динда у барча қонун-қоидалари билан инсоният жамиятининг миллий-сиёсий ришталарини, манбасини ва санкциясини кўрди ҳамда ҳис қилди. Ўз худоларидан воз кечиш ўз оиласидан, халқидан, ватанидан воз кечишни англатарди”¹, дея таъкидлайди. Шунинг учун ибодат қилиш эркинлиги штатлардаги сиёсий эркинлик даражаси билан белгиланади. Антик давр давлатларидаги диннинг мавқеига баҳо берар экан, профессор М. Стецкевич шундай хулосага келади: “Қадимги дунё давлатларида маълум даражада бағрикенглик ва эркинлик, агар у содир бўлган бўлса, ҳуқуқ сифатида кўрилмаган, прагматик мулоҳазалардан келиб чиқиб, фақат рухсат этилган, асосланган”².

Ҳуқуқий давлат сифатида Римда ҳам дин ва эътиқод масалалари сиёсий манфаатлар призмаси орқали кўриб чиқилган. Тарихчи А. Гарнак: “Христианлик дин сифатида Рим давлати учун номақбул бўлиб туюлиши керак бўлган бирор нарсани ўз ичига олмаган”, деб тўғри таъкидлаган. Рим ўз фуқароларидан содиқлик ифодаси сифатида давлат култида ташқи иштирок этиш, Рим кадриятларига бўйсуниш ва унинг анъаналарига қўшилишни талаб қилган³. Шу ўринда бир муҳим ва асосий хусусиятни таъкидлаш лозим – ўша давр сиёсатида дин давлат ёки миллий хавфсизлик омили сифатида қабул қилинган.

Рим империясида вужудга келаётган черков ва давлат иттифоқининг мафкуравий платформаси кейинчалик сиёсат ҳамда дин ўртасидаги муносабатларга оид кўплаб назарий ишларда ҳал қилувчи роль ўйнаган концепцияга асосланади. Бу ерда гап “умумий манфаат” концепцияси ҳақида бормоқда. Рим учун бу ғоя давлат мафкурасининг муҳим элементларидан бири эди. Жамият ва давлатнинг фаровонлиги ғояси император Константиннинг Милан фармони (эдикти) билан христиан дини-

нинг рухсатини ва кейин қонунийлаштирилишини оқлади. Бундан ташқари, фармон қабул қилинишидан бир неча ўн йиллар олдин, худди шу жамоат манфаати насронийликни исталмаган ва ҳатто зарарли деб тан олишни талаб қилган.

Шундай қилиб, дин ва ҳокимиятнинг унга муносабати сиёсий вазиятга ва мавжуд тарихий-сиёсий конъюнктура билан боғлиқ ҳолда маълум бир диннинг фойдалилигига боғлиқ бўлди. Шахснинг хоҳиш-иродаси, эътиқоди, инсон ҳуқуқлари миллат ва давлат манфаатлари соясида қолган. Яъни шахсий манфаат умумий манфаатдан пастда, фойда ҳуқуқдан афзал, шахс манфаатлари давлат манфаатлари олдида аҳамиятсиз. Бу ҳолат диннинг жамиятдаги мавқеини жуда хира қилади ва маълум бир конфессиявий тизим ҳокимиятнинг сиёсий манфаатларига қанчалик мос келишига боғлиқ. Аслида, бу ёндашув билан дин сиёсатнинг бир қисмига, унинг таркибий элементига айланган. Шундай қилиб, манфаат ва фойда тамойилига асосланиб, давлат ва динлар иттифоқлари давлат – конфессиявий муносабатларнинг маълум парадигма контурини шакллантирган.

Ўз навбатида, христиан мутафаккирлари ҳам жамоат манфаати ғояларига ўз ҳиссаларини қўшиб, уни қабул қилишган. Диншунослар диний фаолиятда куч ишлатишнинг фойдалилиги, яъни давлатнинг қудратли қуроллари ёрдамида эътиқодни мустаҳкамлаш ва тарқатиш ҳақидаги назарияларини ишлаб чиқишган. IV асрдаёқ Августин бутпарастларни мажбурий равишда насронийликка ўтказиш ғоясини илгари сурган эди. Христианликнинг илк даврларидаги қатъий ва сиёсий бифарқлик “индивид ўзини давлат назоратидан озод деб ҳисоблаган ҳудудни тўсиб қўйган”⁴ ва Тертуллианнинг: “Бирга сиғиниш бошқасига зарар ёки фойда келтирмайди”⁵, деган ибораси кейинги асрлик амалиётда унутилган ва рад этилган.

Умумий фаровонлик ва фойда ғояси мафкуравий ядрога айланган ҳозирги концептуал парадигма минг йилдан ортиқ вақт давомида мавжуд бўлиб, баъзи шаклларда ҳозирги кунда ҳам ўзини намоён қилмоқда. Дин ва сиёсат ўртасидаги бун-

¹ Қаранг: Шмеман А. Исторический путь православия. – М.: «Терра», 2010. – С. 47.

² Қаранг: Стецкевич М. С. Свобода совести. – СПб., 2006. – С. 25.

³ Қаранг: Гарнак А. Церковь и государство вплоть до установления государственной церкви // Раннее Христианство в 2 в. Т1. – М.: «Фолио», 2001. – С. 307.

⁴ Қаранг: История политических учений. Вып.1 / Под ред. проф. О. В. Мартышина. – М., 2007. – С. 60.

⁵ Қаранг: Тертуллиан Квинт Септимий Флоренс. Апологетик. К Скапуле: 2. / А.Ю. Братухин, пер. с лат. - СПб.: «Издательство Олега Абышко», 2005.

дай муносабатлар тизимида уларнинг ҳар бири ўз манфаатини кўзлайди, бу кўпчилиكنинг маълум бир манфаатида расмий равишда ифодаланади. Шахс манфаатлари, шахснинг ҳуқуқи ва эътиқоди бу ерда биринчи даражали аҳамиятга эга эмас, баъзида умуман эътиборга олинмайди⁶.

Сиёсатнинг динга нисбатан тубдан янги муносабати фақат XX асрда ўрнатилди. Иккинчи минг йилликнинг охирига келиб, инсоният нафақат тан олишга, балки инсоннинг шахсий эътиқодини энг олий қадрият деб эълон қилишга ҳам рози бўлди ҳамда уни ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқи деб атади. Бироқ унга қадар бу йўл узоқ ва жуда оғриқли бўлди. Ўрта асрлардан кейинги ҳар бир тарихий давр янги мафкуравий парадигманинг ривожланишига ҳисса қўшди.

Уйғониш даври табиий ҳуқуқ тушунчасини қайта тиклади ва ривожлантирди. Жумладан, Марсилиий Падуанский “Дунё химоячиси” (1324 й.) трактатида, “Черковнинг эътиқод масалаларида устувор мавқега эга бўлиш учун диний табиий ҳуқуқи йўқ, инсон эса диний виждон эркинлигига табиий ҳуқуққа эга”⁷, дея ёзади. Франческо Петрарка (1307 – 1374) ўз асарларида (“Манзилсиз мактублар”, “Рим курияси” ва бошқалар) фикр эркинлиги ҳуқуқини талаб қилиб, инсоннинг эркинликка муҳаббати туғма туйғу эканини исботлайди⁸. Европа гуманистлари – Жордано Бруно, Жованни Боккачо, Франсуа Рабле ва бошқалар ўрта асрлардаги қадриятлар тизимини силкитиб, аста-секин эътиқодни танлаш эркинлигининг янги ғоясини яратдилар.

Реформация мафкурачилари нафақат Уйғониш даври ғояларини ривожлантиришни давом эттирдилар, балки уларни қатъият билан ҳаётга татбиқ этишга киришдилар. Лютернинг индулгенцияларни сотишга қарши машҳур тезисларининг нашр этилиши кенг камровли сиёсий оқибатларга олиб келди⁹. Гарчи немис ислоҳоти асосчисининг тезисларида виждон эркинлигига нисбатан

аниқ шакллантирилган ҳуқуқий даъволар мавжуд бўлмаса-да, ҳақиқий мафкуравий пойдевор қўйилган эди. Албатта, узоқ вақт давомида дунёвий ҳукумат ҳам, диний ҳокимият ҳам шахсий эътиқод эркинлиги тушунчасига қўтарила олмади, фақат ҳукмрон бўлмаган динларга бағрикенгликка руҳсат берди¹⁰, аммо диний эътиқод эркинлиги тушунчаси Европада яшин тезлигида ривожланди. Эски парадигма энди тузатиб бўлмайдиган ёрикни келтириб чиқарди.

XVII–XVIII асрлардаги давлат-конфессиявий муносабатлар мажмуасига яна бир муҳим элемент – давлатнинг дунёвийлиги масаласи киритилди. Черков ва давлатни ажратиш назарияси мафкурачилари давлатнинг дунёвийлик тамойилида ифодаланган сиёсат ва диннинг ўзаро автономиясиз диний эркинликни таъминлаш мумкин эмаслигини тушундилар. Жон Локк: “Виждон эркинлиги ҳар бир инсоннинг табиий ҳуқуқидир ва ҳеч ким диний масалаларда қонун ёки куч билан мажбурланмаслиги керак”¹¹, деб таъкидлаган. Яна бир қанча таниқли мутафаккирлар, жумладан Б. Спиноза, Ф. Вольтер, К. А. Гельвеций¹², Р. Уильям, П. Бейль, Ш. Монтескье¹³, И. Кант¹⁴ ва бошқалар сиёсат ҳамда дин бир-бирига хизмат қилишига асосланган эски моделнинг асоссиз эканини исботлашга ҳаракат қилишган. Бироқ қарашларининг барча илғор жиҳатларига қарамай, XVII–XVIII асрлар фалсафий ва сиёсий тафаккури “инсон ҳуқуқлари” тушунчасини ўзлаштира олмади. Бу даврда аксарият ҳукумат вакиллари динга давлат ва жамият учун фойдалилиги нуктаи назаридан қараган. Шунинг учун ҳам бу давр мутафаккирлари ўз асарларида ҳокимият диний муассасалардан давлат ва жамият манфаатлари йўлида фойдаланганини қайд этишган.

Европада сиёсат ва дин ўртасидаги муносабатлар тарихи:

– черков-давлат иттифоқи моделидан дунёвий давлатларга;

⁶ Қаранг: Таранюк Ж. П. Правовой и прагматичный подходы к формированию отношений религии и политики // Сб. научных статей / Под ред. И. А. Василенко. – М.: Издатель Воробьев А. В., 2011. – С. 61 – 64.

⁷ Қаранг: Савельев В. Н. Свобода совести: история и теория. – М., 1991. – С. 54.

⁸ Қаранг: Костюкович П. И. Религиоведение. – Минск: «Новое знание», 2002. – С. 161.

⁹ Қаранг: Лютер Мартин. 95 тезисов. Диспут о прояснении действительности индульгенций. – СПб. 1996.

¹⁰ Қаранг: Тарновский Е. Четыре свободы. – СПб.: «Макет», 1995. – С. 45-46.

¹¹ Қаранг: Локк Дж. Избранные философские произведения / В 2-х томах. Т.2. – М., 1969. – С. 175.

¹² Қаранг: Гельвеций К. А. О человеке // В 2-х томах. Т.2. – М., 1974. – С. 226.

¹³ Қаранг: Монтескье Ш. О духе законов // Избранные произведения. – М., 1955. – С. 553-554.

¹⁴ Қаранг: Кант И. Религия в пределах только разума. – М., 2002.

– диннинг фойдалилиги ва мақсадга мувофиқлиги тамойилидан виждон ва эътиқод эркинлигига;

– сиёсий манфаатлар устуворлигидан шахс манфаатлари устуворлигига;

– монархнинг иродасидан қонун устуворлиги тамойилига трансформациянинг аниқ тенденциясини намоён этади.

Сиёсат ва дин ўртасидаги муносабатларнинг янги концептуал белгисининг асосий нуқтаси инсон ҳуқуқлари масаласи эди. Шахс, унинг эътиқод қилиш ҳуқуқлари, қандай ва кимга ишонишни танлаш эркинлиги XX асрнинг иккинчи ярмида демократик мамлакатларда дин соҳасидаги сиёсат шаклланишининг асосий аксиологик йўналиши бўлди. Виждон эркинлиги ва диний эътиқод эркинлиги соҳасидаги инсон ҳуқуқлари турли даражадаги бир қатор халқаро ҳужжатларда ўз аксини топди. Давлатлар, халқаро иттифоқлар ва ташкилотлар диний эркинлик ҳақидаги янги тушунчада демократик диний сиёсат юритиш истагини шунчалик тез ифода этдики, белгиланган меъёрлар нафақат давлатлар конституциялари учун йўриқнома, балки мамлакатлар ташқи сиёсатини муайян даражада ўзаро боғловчи воситаларга ҳам айланди. Айтиш мумкинки, давлат-конфессиявий муносабатларни шакллантириш ва баҳолашнинг янги мезонли ёндашуви – халқаро-ҳуқуқий меъёр шаклланди.

Халқаро ҳуқуқий ёндашув контекстида дин ҳокимиятнинг оппортунистик манфаатлари дои-

расидан ташқарида бўлиб чиқади, давлатга ҳам, бошқа шахсга ҳам бўйсунмайдиган инсоннинг шахсий иши сифатида қаралади. XX асрда халқаро ҳуқуқий корпус томонидан шакллантирилган диний сиёсатнинг либерал-демократик андозалари давлатларни шахснинг эркин ҳаёти учун энг қулай шароитларни таъминлашга қаратилган.

Хулоса қилиб айтганда, глобал миқёсда сиёсат ва дин ўртасидаги муносабатларнинг замонавий концептуал асосларини шакллантириш жараёнида кишилик жамиятининг ижтимоий ва илмий тафаккури аста-секин тубдан янги тизимга ўтди. Унда диний сиёсатнинг асосий мезони оммавий манфаат, давлат ва диннинг ўзаро манфаатлари эмас, балки ҳар бир инсоннинг фикрлаш эркинлигига бўлган шахсий ҳуқуқидир. Дунё мамлакатларидаги тарихий парадигмалар турли ўзига хос шакл ва тафсилотлар билан бир қаторда умумий хусусиятларни ҳам намоён этади: дин ва давлат иттифоқи, маълум бир диннинг ҳукмронлиги, шахсий ҳуқуқларга эътибор бермаслик, динларнинг тенгсиз позицияси, “нодавлат” конфессияларни камситиш ва бошқалар. Шу билан бирга, тарихий парадигмада сиёсат ва дин ўртасидаги муносабатларнинг асосий тартибга солувчиси давлат ҳамда монарх иродаси билан сингган манфаат ва фойда тамойили эди. Шунини таъкидлаш керакки, халқаро ҳуқуқий стандартларни шакллантириш жараёни аввалги концептуал моделнинг эволюцияси эмас, балки парадигмаларнинг тубдан ўзгаришини англатади.

НАЗМ ГУЛШАНИ

КОНСТИТУЦИЯМ ШАЪНИГА



Зиёвиддин Мансур – журналист ва публицист. 1954 йил 16 майда Наманган вилоятининг Уйчи туманида таваллуд топган. “Қалбим парчалари”, “Сирли салтанат”, “Дилраболар диёри”, “Ноёб кашфиёт”, “Башарият аҳлига мактуб”, “Карантинда топган хазинам”, “Яккатут манзумаси” каби шеърий тўпламлари, 2 томлик “Сайланма” асарлари нашр этилган. Ҳозирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Наманган вилояти бўлими раҳбари сифатида фаолият олиб бормоқда. “Эл-юрт ҳурмати” ордени билан мукофотланган.

Эй улуғ Қомусим,
Қутлуғ Қомусим,
Асосий қонуним – Конституциям!
Сен – менинг ҳуқуқим,
Орим-номусим,
Иқболим, ғурурим,
Фаҳрим,
Фаҳриям!

Сен борсан – ҳар эзгу ишим бўлар ўнг,
Адолат манбаи ҳар боб, ҳар сўзинг.
Ҳақ нозил айлаган тўрт китобдан сўнг,
Халқ учун чин маёқ – Бош китоб ўзинг!

Истиқлол маҳсули бўлиб эл аро
Дунёга келгандинг Қуёшдай тўлиб.
Сен янги таҳрирда таратдинг зиё
Учинчи Ренессанс маҳсули бўлиб.

Сен кафил,
Толеим, камолим юксак,
Ишонч-ла боқурман
Порлоқ эртамга.
Ҳар қандай минбарда
Мен кериб кўкрак,
Баҳтимдан мактансам арзир оламга.



Сўзимни ҳеч ким ман этолмас, ҳатто
Ёвлар ҳам йўлимда бўла олмас ғов.
Асосим: ҳақ ишга берганинг фатво,
Ишончим: эркимга бўлганинг гаров.

Эй ҳуқуқ оламин экспертлари!
Қиёсланг,
Қиёсланг
Қомуслар аро
Гувоҳдир
Қуёш,
Ой,

Гувоҳ
 Ер шари,
 Қомус йўқ
 Бизнинг Бош
 Қомусдан аъло!
 Завқ, қувонч уйғонмас қай дилда ахир
 Юртимда барча тенг, аҳил, дўсту ёр?!
 Боиси: бизда, ҳеч кимга эмас сир,
 Адолат – бош мезон,
 Қонун – устувор!
 Кездим мен дунёнинг кўп давлатларин,
 Юртимга қиёслаб, бўлдим шод, мамнун.
 Бизларда ҳаттоки юрт сарҳадларин
 Қўшинмас, ҳимоя қилади қонун!
 Шу боис тонгдай пок кўнглим қатида
 Бир хитоб жўш уриб, айлар бошим тик:
 Дунёнинг қайси бир мамлакатада
 Эл азиз ва инсон азиз бизчалик?!
 Не-не халқ, эллар ҳақ-ҳуқуқ ғамин еб,
 Ҳамон хор-зор яшар, минг бор таассуф.
 Шу эваз юртимга кўз тегмасин деб,
 Рост гап, гоҳ қилгум келади “суф-куф”.

Чунки, Бош Қонуним!
 Сен ҳар инсоннинг
 Суянчи,
 Таянчи,
 Мададкорсан.
 Эртанги юрт – Янги Ўзбекистоннинг
 Мукамал ҳуқуқий пойдеворисан!
 Юртдошлар!
 Бизда бахт, омад барқарор,
 Яқиндир бундан-да ёрқин келажак!
 Бўлса гар шу тахлит қонун устувор,
 Юртимиз дунёга
 Сайқал бўлажак!
 Шу эваз дилларда жўшар муттасил
 Юксалиш туйғуси –
 Ўсиш туйғуси.
 Бунга мард элим ва сен ўзинг кафил,
 Эй буюк юртимнинг
 Буюк Қомуси!



ЎТМИШ ВА БУГУННИ БОҒЛОВЧИ КЎПРИК

Doi: 10.34920/ DHR.2023.3.034




Худоёр МАМАТОВ,
юридик фанлар доктори,
профессор

Ҳорун ар-Рашид ислом илм-фани равнаки учун ғоят жонбозлик кўрсатган. Унинг илм эгалари, қалам аҳлларига нақадар эътиборли бўлгани ҳақида ман-баларда кўплаб илиқ фикрлар битилган. Жумладан, ўша даврда бирор-бир мавзуда китоби чиққан муаллифга, ўша китобнинг вазнига тенг оғирликда олтин ҳадя қилинар экан. Бу қалам ҳақи бўлганми ёки подшоҳнинг тухфаси – бизга номаълум. Бу хабарни эшитиб, эҳтимол ўша даврнинг қаламкашлари, чоп этилган китобларини тарозига тортиб, вазнини чама-лашга тушган бўлсалар ажаб эмас. Аммо гап фақат китобнинг вазнидами? Амир ал-мўминин учун китобнинг қанча тош босиши муҳим бўлганми? Йўқ, албатта...

Академик Акмал Саидовнинг яқинда чоп этилган **“Ҳазрат Занги ота”** номли китобини қўлимга олганимда, беихтиёр юқоридаги фикрлар ҳаёлимдан кечди. Бу бежиз эмас, сабаби китобнинг вазни салмоқлигина экан. Кейин уни варақлашга тушдим. Шу асно яна бир фикр кечди ҳаёлимдан. Океаншунослик фанида илмий исботини топган бир ҳақиқат бор: қайси сув ҳавзасининг туби қанчалар чуқур бўлса, сатҳи шунчалар тинч ва сокин бўлар экан. Буюк уммоннинг Тинч океани деб аталиши ҳам шундан – унинг бошқа океанлардан кўра чуқур эканидан.

Аввало айтиш жоиз, китоб жуда салмоқли, мазмунига ҳам салобатига мувофиқ тарзда тартиб берилган. Саҳифалар рангли иллюстрация ва суратлар билан зийнатланган. Китоб ўн бобдан иборат бўлиб, унда улуғ авлиё Занги ота ҳақида, у зоти бобарокатнинг ҳаёти, фаолияти, маънавияти ва маърифатига оид қимматли маълумотлар берилган. Фанда фундаментал деган ибора ишлатилади. Бу чуқур асосли, деган маънони билдиради. Бинобарин, мазкур ки-



тобни бобма-боб мутолаа қилиб чиққанымдан сўнг, унинг ҳақли равишда фундаментал асар эканлигига амин бўлдим. Шу ўринда, мазкур китоб муқаддам кичикроқ ҳажмда чоп этилганини, ҳурматли Президентимизнинг таклифлари билан у ҳар томонлама бебаҳо маълумотлар билан тўлдирилиб, бадий безаклар бериб, қайта нашр этилганини айтиб ўтиш жоиз. Қаранг, китобнинг сўзбошисида муфтийларимиз (собиқ ва амалдаги) ҳамда Президентимизнинг Занги отанинг ислом олами, шонли тарихимиз саҳифаларида тутган ўрни, буюк зотга Амир Темур томонидан кўрсатилган ҳурмат ва бугунги кунларда Занги ота зиёратгоҳини дунёнинг турли мамлакатларидан келадиган зиёратчилар учун қулай шарт-шароитларга эга, кўкаламзор, обод бир маскан, мухташам бир қадамжога айлантириш борасида амалга оширилган ишлар, мамлакатимизда наинки зиёрат туризмини ривожлантириш, балки ўсиб келаётган ёш авлод-

нинг таълим-тарбиясида ҳам алоҳида ўрин тутиши ҳақидаги фикрлари билан танишамиз.

Шундан сўнг муаллиф китобнинг яратилишига сабаб бўлган омиллар устида муфассал тўхталиб, Занги ота зиёратгоҳининг ўтмиши ва бугунги кунгача бўлган солномаси устида тўхталади. Қадамжонинг турли даврлардаги кўринишлари акс этган фотосуратлар, нафақат биргина шу масканга, умуман дин ва диний алломаларимиз, меросимизга муносабат қандай бўлганининг моддий манзарасини ҳосил қилади. Масалан, 1956 йили зиёратгоҳнинг дарвозаси устида кетаётган таъмирлаш ишлари акс этган фотосуратга боқиб, муаллифнинг, *“Собиқ шўролар тузуми даврида зиёратгоҳлар ҳам, зиёратчилар ҳам шафқатсиз таъқибга учраган. 1930 йили Занги ота зиёратгоҳининг масжиди ёпиб қўйилган. 1945 йили масжид расман очилган бўлса-да, 1946 йил яна ёпилган, зиёратгоҳ эса даҳрийлар музейига айлантирилган”*, деган сатрларини тушуниш ва тасаввур қилиш осон кечади. Шу ўринда яна бир гап: мазкур тасвири тасмага туширган суратчи Ф. Гринберг юртимиз тарихидан далолат бергувчи бир ҳолатни мангуга муҳрлаш баробарида, ўзи ҳам унинг таркибий бир қисми бўлаётганини, вақти келиб унинг ҳам номи шундай фундаментал асарда зикр этилишини ўйлаб ҳам қўрмаган бўлса керак. Бу ҳам мазкур китобнинг аҳамиятга молик жиҳатларидан бири.

Қадимда бизда мавжуд бўлган китобот санъати, китобга тартиб бериш маҳоратини ёдга олайлик. Ҳазрат Навоийнинг “Ҳазойин ул-маоний” асарини эсланг. Мутафаккир шоир уни тўртта бобга ажратиб: “Бадоеъ ул-бидоя”, “Наводир ун-нихоя”, “Ғаройиб ус-сигар” ва “Наводир уш-шабоб” деб номлаган. Китобга бу тарзда тартиб бериш, унинг тадрижийлигини таъминлашга ҳамда ўқувчининг ҳукмига ҳавола этилаётган маълумотларнинг кетма-кетлиги ва фикрнинг узвийлигига хизмат қилади. Ҳар қандай асарнинг ўқимишли экани, унинг мазмун-моҳияти билан бир қаторда шакли ва муаллифнинг танлаган ифода услубига ҳам вобаста эканини таъкидламоқчиман. Зотан, биз тарихимиз, маданиятимиз, маърифий маҳзанларимизга қайтиб, уларни қайта тиклаш орқали буюк келажакимизни яратиш йўлига тушган эканмиз, биринчи навбатда, халқимиз орасида китобга иштиёқ, унинг шакл ва мазмун жиҳатини яхшилаш, муталаа имкониятлари, бир сўз билан айтганда, китобхонлик маданиятини ўстиришимиз керак.

Ҳар ёқда сочилиб ётган маржон ва марварид ҳеч қандай қиймат касб этмаслигини барчамиз биламиз. Уни битта-биттадан териб, ишлов бериб, бир ипга тизилганидагина у яхлит бир зебу зийнат воситасига

айланади. Муаллифнинг зиёли ва ўткир зеҳнли инсон экани, камида тўртта хорижий тилни мукаммал билиши ва жуда кўп адабиётлар билан таниш экани китобнинг ҳар бир саҳифасидан англашилиб туради. Масалан, асли исми Ойхўжа ибн Тошхўжа бўлган бу улўғ зотнинг Занги ота номи билан аталиши ҳақида халқ орасида кенг тарқалган бир қараш бор эди. Камина ҳам кези келганда ана шу маълумот билан кифояланганим рост, яъни ҳазрат *“қора танли, лаблари дўрдоқ, барваста киши бўлган”*. Шу боис у кишини Занжи ота (кейинчалик фонетик ўзгаришга учраб, Занги ота) деб аташган. Муҳими, муаллиф шу каби биргина фарз билан кифояланиб қолмаган. Зотан, Ойхўжа ибн Тошхўжанинг шажараси Пайғамбаримизга бориб тақалади, қолаверса, ўз даврининг йирик алломаси Аҳмад Яссавий ҳам эндиgina чилласи чиққан боланинг отасига: *“Ўғлинг занжи тугилибди, ўзининг араб қавмига тортибди”*, деган сўзларини мисол келтириб, бу мавзуга нуқта қўйиши мумкин эди. Лекин олим худди мана шу масалани атрофлича ўрганиб, бу борадаги маълумотларни тўплаб, беш хил мулоҳазани ўқувчилар ҳукмига ҳавола этган. Унинг ҳар бири Занги отанинг шаънига, илмий салоҳиятига, касбий лаёқатига тўла-тўқис мувофиқ келади. Дейлик *“занги”* сўзининг *“занжи”* маъноси (арабча *“қора танли”*) – у зотнинг рангу рўйига; *“катта, улўғ, мағрур”* маъноси (туркий сифатлар) – келбатли киши бўлганига; *“занги”* сўзининг яна бир маъноси *“нарвон”* экани – улўғ зотнинг тариқатда тутган даражаларига; *“Эмин ота”* деб аталиши – халқ орасида *“қўли эм табиб”* бўлганликларига батамом мос келади.

Муаллиф шу сафда Занги отага халқ томонидан берилган яна бир кўнё – Ҳимматий сифати устида ҳам атрофлича фикр юритади. Юқорида айтганимиздек, мавзунини у зотнинг мард, танти ва қўли очиқ инсон бўлгани ҳақидаги маълумотлар билан мухтасар қилиб қўймайди. Балки, бу сўзнинг луғавий ва истилохий маъноларини чуқур тадқиқ этади, сўфизм таълимотида қанчалик моҳиятга эга эканини изоҳлайди. Билим бисотимизни, маълумотлар маҳзанимизни борича бойитиш йўлини тутди. Бу эса ҳиммат камарини маҳкам боғлаб, хилватда анчайин хизмат қилинганидан далолат.

Ҳар ким бошлаган ишини мана шу каби жонбозликлар билан намоён этса, ҳиммат кўрсатса, Учинчи Ренессанс сари катта-катта одим олишга муяссар бўламиз. Бу ташаббусни давлатимиз раҳбари ишонч билан илгари сурганлари, у фақатгина хоҳиш ва истакнинг маҳсули эмас, балки шунга яраша етарли асос ҳамда тажрибага эга эканимиздан. Миллатимиз

тарихда эришган Биринчи ва Иккинчи Ренессанс, асосан, араб ҳамда форс маданияти таъсирида рўй берган. Бугун эса ана шу иккита Уйғониш даврида яратилган шонли ўтмиш, давлатчилик тарихига эгамиз. Архимед айтгани каби “таянч нукта”миз бор. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бу дунёда борлигимизни намоён қилиб турадиган ҳаётимиз ойнаси бўлмиш алломаларга эгамиз: **“Буюк аллома ва адибларимиз, азиз-авлиёларимизнинг бебаҳо мероси, енгилмас саркарда ва арбобларимизнинг жасоратини ёшлар онгига сингдириш, уларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз керак”**¹.

Давлатимиз раҳбарининг мана шу нутқи ҳар биримизда катта меҳнат, улкан масъулият ҳиссини пайдо қилади. Ростини айтиш керак, собиқ шўро тузумидан мерос бўлиб қолган боқимандалик кайфиятига гирифторм бўлган ва бу иллатдан ҳали-ҳануз қутула олмаётган кишилар ҳам орамизда йўқ эмас. Президентнинг чақириғини давомли қарсаклар билан қаршилаб, амалда бирорта иш қилмайдиганлар ҳам бор. Ана шу ўринда академик Акмал Саидовнинг “Ҳазрат Занги ота” китоби Янги Ўзбекистон сиёсатига қанчалик ҳамоҳанг эканлиги яна бир қарра кўзга ташланади. Ёшларни илм эгаллашдан оғишмасликка, бошланган ишни шараф билан охирига етказиб, машаққатли меҳнатнинг кўплар учун фойдали бўлган маҳсули билан қониқиш ҳосил қилишга ундайди. Зотан, енгилнинг остини, оғирнинг устини кўзлайдиган вақтлар ўтди. Навоий ҳазратларининг таъбири билан айтганда, риёзат чекмай маърифатга эришиб бўлмайди.

Бу дунёда барҳақ бўлмиш бир ҳақиқат бор: тузишдан кўра бузиш осон. Ҳали оқ-қорани танимаган болангизнинг қўлига бирор кўғирчоқми, ўйинчоқми ёки китобни бериб кўринг. Зум ўтмай кўғирчоқни қисмларга ажратиш ташлайди, китобни ҳам беҳисоб бўлақларга бўлиб ташлайди. Ўтган аср дохийларидан бири буни “болаларча сўллик” касали деб номлаганидан ҳам хабарингиз бор. Лекин аста-секин улғайиб, одамнинг эси киради. Нарса ва ҳодисаларга бошқача назар ташлай бошлайди. Фойда ва зарарни фарқлайдиган, қадриятларни қадрлайдиган шахс сифатларини намоён этади. Бу дунёнинг асоси илмданлигини, илм эса катта машаққат билан қўлга киритилмаган кимё эканини англайди. Мазкур китоб худди мана шу каби кишилар учун бебаҳо маҳзан бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

Бежиз биз уни фундаментал асар деб номламадик.

Бинобарин, китобдан салмоқли ўрин эгаллаган “Занги ота ва Анбар она тарихига оид янги тадқиқотлар” ёки “Занги отанинг шажара ва силсилаларига доир янги маълумотлар” бобларидан шу қадар кўп маълумот олиш мумкинки, бу китобни улуг зотнинг “википедияси” даражасида баҳолаш имконини беради.

Ҳақиқат баҳсда, баҳс эса қиёсда намоён бўлиши – аксиома, исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Шу жиҳатдан олиб қараганда, китобнинг яна бир алоҳида жиҳати, у ўтмиш билан бугунги кун ўртасидаги кўприк вазифасини ўташидир. Сана ва воқеалар талқини фотосуратлар билан тарихнинг тараққиёт босқичлари тарзида тартиб берилгани диққатимни тортди. Сир эмас, кино ва телевидение намоёишлари оқ-қора тасвирдан ранглига кўчиб борган. Бунда ҳам шу жараёнга амал қилинган. Аввалига ўтган асрнинг ўттизинчи, эллагинчи йилларига мансуб фотосуратлар жойлаштирилган бўлса, кейин ёрқин ва рангин иллюстрациялар сизни “кеча”нинг қирғоғидан “бугун”нинг соҳилига олиб ўтади. Диний алломаларимиз, улуг зотларнинг қадамжоларида қанчалик катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётгани янгилашиш жараёнининг кўлами қанчалар кенг эканини исботлайди.

Ҳали фото ва кинотасвир воситалари бўлмаган даврда, Амир Темур ҳазратлари, жаҳон аҳлига, *“Агар бизнинг қудратимизга шубҳа қилсангиз, келиб биз қурган иморатларга боқинг”*, деган гапни ирод қилган. Бугун фан ва техника мисли кўрилмаган даражада раванк топди. Энди, бемалол юртимизда дин соҳасида ислохотлар ўтказилаётгани, ижобий натижалар қўлга киритилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Лекин бу ишларни атай кўриб кўрмасликка, эшитиб эшитмасликка оладиганлар йўқ дейсизми? Ҳақиқий ҳолат бунда қолиб, уч-тўртта ғаразғўйнинг гапига қараб хулоса қиладиган сиёсий доиралар озми? Шу жиҳатдан олиб қараганда, менинг назаримда бу китоб ўшандай кишилар учун ҳам яхшигина ўрганиш объекти, тўғри тасаввур берадиган манба бўлиши шубҳасиз.

Шунинг баробарида китобнинг мундарижасига киритилмаган яна бир боб бор: уни таъбир жоиз бўлса *“Ҳошиядаги маълумотлар”* деб аташ мумкин. Қуръон оятлари, муқаддас ҳадислар ва таниқли инсонларнинг эътирофларини ўз ичига олган ана шу бобда бир қатор хорижлик мутахассислар ва таниқли инсонларнинг, хусусан БМТнинг Ўзбекистондаги вакили бўлиб ишлаган Хелена Фрейзер, ЮНЕСКОнинг Тошкентдаги ваколатхонаси собиқ раҳбари

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // 28.12.2018 / <https://president.uz/uz/lists/view/2228>.

Майкл Барри Лейн, француз тарихчи олими Тьерри Заркон ва бошқаларнинг юртимизда виждон эркинлиги ҳамда диний бағрикенглик соҳасида олиб борилаётган ишлар, динимиз ва алломаларимиз хусусида билдирган фикр-мулоҳазалари ҳеч қандай иштибоҳга ўрин қолдирмайди.

Китобда “Занги отанинг аجدод-авлодлари шажараси”, “Яссавий тариқати силсиласи”, шунингдек ҳар икки улуғ зотнинг насабномаларининг тадрижий кетма-кетликда берилиши ғоят ибратли ишлардан бўлган. Айтиш жоизки, бу маълумотларни ўқувчига етказиб берилишининг ортида, унинг шу кунларга қадар етиб келгани муҳим аҳамият касб этади. Зотан, шажаралар, насабномалар жамийки бошқа диний адабиётлар, қўлёзмалар сингари кескин таъкиб ва тазйикка учрагани ҳали ёдимиздан қўтарилгани йўқ. Бундай муҳим ҳужжатларнинг аксари йўқолиб кетгани, оиласининг тинчлиги, фарзандларининг хавфсизлиги учун одамларнинг ўзлари уни ўтда ёққани ёки овлоқ жойларга олиб бориб қўмгани аччиқ бўлса ҳам ҳақиқат.

Шу нуқтаи назардан, китобга илова қилинган силсила ва шажара, шунингдек, насабнома сингари ҳужжатларни сақлаб келган авлодларга тасанно десак арзийди. Унинг китобдан жой олиши эса олимнинг изланишлари маҳсули, топилмалар устида қаттиқ ишлаганини тасдиқлайди.

Москвада бўлган бир анжуман чоғида мухбирларимиздан бири таниқли авар шоири Расул Ҳамзатовдан, улуғ мутафаккир шоир Алишер Навоий ҳақида интервью беришини сўраганида, “Аввало таҳорат олиб келсам майлими?”, деган экан. Бу мусулмонларга хос одоб, улуғларга бўлган муносабатнинг бир шингили холос. Қайсиким, улуғ инсонларнинг қадамжоларини зиёрат қилишнинг, марқадрларига киришнинг ўз қоидалари бор. Масалан, масжидга кираётган киши билан ундан чиқаётган киши остонада юзма-юз келиб қолса, ким кимга йўл беради? Дейлик масжиддан чиқаётган кишининг ёши улуғ бўлса? Чиқаётган киши кираётган одамга йўл бўшатар экан. Бунинг замирида улкан маъно бор, мантиқ билан унинг маъносини чақиш унча мушкул эмас. Худди шунингдек, зиёратгоҳларга қадам қўйиш, қабр бошида туриш, остонадан салом бериб, ўнг оёқда ўтиш – буларнинг бариси одоб-ахлоқ доирасидаги савоб амаллар сирасига киради. Китобда шу ва шунга доир яна қўллаб ҳар бир инсон учун фойдали маълумотлар келтирилган.

Китобга киритилган иқтибослардан бирида давлатимиз раҳбарининг: **“Илм ўтда ёнмайдиган, ҳеч**

ким сиздан тортиб ололмайдиган бойликдир”, деган сўзлари келтирилган. Дарҳақиқат, илмни уммонга ўхшатган Мирзо Бедилнинг сўзлари билан ҳамонанг бу сатрлар. Хоссатан, асил марварид уммоннинг тубида бўлади, сиртидан фақат кўпик ҳовучлашинг мумкин. Унинг қанча суви борлигини ҳеч ким сарҳисоб қилмаган бўлса керак. Қора денгизда сайр қилиб юрган кезлари адибларимиздан бири академик шоир Ғафур Ғуломга: “Устоз, шу денгизнинг суви неча челақ чиқсайкин?” деб савол берибди. Шоир унга жавобан, “Бир челақ”, деб жавоб қилган экан бамайилхотир. Суҳбатдоши таажжубланиб, “Қанақасига бир челақ?” дея яна қайта сўраганида: *“Денгиздек челагинг бўлса, бир челақ бўлади”*, деб жавоб қайтарган экан шоир.

Ўша чоғ академик шоиримиз ҳазрати Мирзо Бедилнинг илм уммонга ўхшаши ҳақидаги гапини ёдга олган бўлса, ажаб эмас. Челақ деганда у инсоннинг имконияти, илмга бўлган иштиёқи, эҳтиёжини назарда тутган, назаримизда. Зотан, уммоннинг улуғлиги ҳавзасининг кенглиги билан эмас, сув сатҳининг чуқурлиги билан баҳоланади. Сувсиз ўзанининг ҳеч қандай қийматга эга эмаслиги Орол денгизидан қиёс. Бинобарин, аввалбошда айтганимиз каби, амир ул мўъминин Ҳорун ар-Рашид янгидан нашр этилган китобнинг вазнинигина қадрламаган, балки унинг замирида қандай маънолар, маълумотлар жой олганига ҳам эътибор қаратган. Шу жиҳатдан мазкур китобнинг саҳифалари қўлёзмалар, тарихий ҳужжатлар, китобга кирган айрим сўзлар ва ибораларнинг изоҳли луғати, зиёрат одоби, ҳазратнинг ижодидан берилган намуналар – қўйингки, бундан бошқа яна қўпгина ижобий жиҳатлари билан йирик бир қомусий асар дунёга келганидан дарак беради.

Шу ўринда Президентимизнинг мазкур китобдан жой олган куйидаги сўзлари ёдга тушади: **“Шарқ донишмандлари айтганидек, “Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – билимсизликдир”²**. Бу китоб ўқишга, ундан маънолар ўқишга яна бир даъват. Мазкур китобнинг саҳифаларида илмга ундовчи чақириқлар бисёр.

Ростини айтганда, академик Акмал Саидовнинг “Ҳазрат Занги ота” номли салмоқли китоби олдимда тураркан, ўзимни улкан уммон қаршисида тургандек ҳис этдим. Унда шонли ўтмишимиз билан боғлиқ барча асотирлар мавж уриб тургандек. Ҳақиқатдан илмга чанқоқ бўлсанг, истаганингча олиб ичишинг, эҳтиёжингни қондиришинг мумкин. Бу эса фақатгина сув оладиган идишининг ҳажмига боғлиқ.

² Саидов А. Ҳазрат Занги ота / Тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи нашр. – Т.: “Zamon-Press-Info Nashriyot uyi”, 2023. – 42-б.

ЯНГИ МАЪРИФИЙ ЭПОПЕЯ ЧОП ЭТИЛДИ

Doi: 10.34920/DHR.2023.3.035



Носир ТОИРОВ,
Ўзбекистон журналистлари
уюшмаси аъзоси

“Исломшунос шоир ва таржимон Олимжон Бўриев Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақидаги эпопеясини ёзиб тугатди. Мазкур асарни исломий-тарихий манбалар билан тўлдириб, ўзига хос маънавий-маърифий ва ирфоний мавзуда Муҳаммад (с.а.в.)нинг мукамал тарихини якқалам қилишга муяссар бўлди.

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг ҳаётлари тарихи ёритилган назмий эпопея ўзбек адабиётидагина эмас, балки мусулмон оламида яратилган салмоқли ва қамрови кенг сийратномалардан биридир. Шу жиҳатдан катта аҳамиятга эга ушбу асар фойдали тарихий маълумотлар ва инсонларни эзгуликка ундовчи насиҳатлар ифодаланган муҳим манба ҳисобланади.

Унда ёшларни эзгу амалларга чорлаб, уларнинг комил инсон бўлиб етишишига хизмат қиладиган муҳаддис аждодларимизнинг дурдона асарлари, хусусан, Имом Бухорийнинг “Ал-Жомийъ ас-саҳиҳ” китобида келтирилган ҳадислар ғояси мужассам”.

Акмал Саидов,
академик

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида таъкидлаганидек: **“Биз бутун жаҳон жамоатчилигига ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказишни энг муҳим вазифа, деб ҳисоблаймиз. Биз муқаддас динимизни азалий қадриятларимиз мужассамининг ифодаси сифатида беҳад қадрлаймиз. Биз муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон мурося қила олмаймиз. Ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл**

инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади”¹.

Бу фикрлар давлатимиз раҳбари ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини теран англашини, халқимизнинг асрий маънавий қадриятларини нақадар эъозлашини тасдиқлайди.

Истиқлол шарофати билан қабул қилинган Конституциямизда цензурага йўл қўйилмаслиги, виждон эркинлиги таъминланиши белгиланган. Мустақиллик йилларида Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Сирожиддин Саййид, Маҳмуд Тоир, Турсуной Содиқова, Муҳаммад Исмоил каби таниқли ўзбек шоир ва адиблари ўз ижодларида Қуръони

¹ Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида нутқ сўзлади / <https://president.uz/uz/lists/view/1063>.


Каримга, ҳадисларга мурожаат қилиб, асарларида авлиёлар, валийлар образларини яратишди.

Бизнинг ота-боболаримиз асрлар давомида Қуръонни фақат араб тилида ўқишган ва ёдлашган. Қадимда Қуръонни фақатгина араб тилини билганлар тушунар, унинг маъноларини таржима қилишга рухсат йўқ эди. Яқин-яқингача Қуръон маъноларини ўзбек тилига назмий усулда таржима қилиш ҳам мумкин эмас, деб ҳисобланар эди. Мустақиллик шарофати билан ўзбек халқи Қуръон маъноларини ўз тилида ўқишга муяссар бўлди. Бугунги кунда ушбу муқаддас китоб маъноларининг ўзбек тилида бешта таржимаси мавжуддир.

Таниқли ўзбек шоири ва таржимони Олимжон Бўриев ижодида кўп маротаба Қуръони Каримга мурожаат қилади, ундан илҳомланади.

Қирққа яқин китоблар муаллифи Олимжон Бўриев истиқлол йилларида ислом маърифатини тараннум этувчи ўндан ортиқ асарларни муаллиф ёки таржимон сифатида нашр эттирди. Жумладан, ҳазрат Низомий Ганжавий ва ҳазрат Хусрав Деҳлавийнинг “Хамса” асарларини, Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг “Ҳафт авранг” китобини ўзбек тилига таржима қилди. Ҳофиз Шерозий, Камол Хўжандий ва Абдурахмон Жомийнинг ғазал девонлари ҳамда юзга яқин форс мумтоз шоирлари шеърларини ўзбек тилига ўгириб, “Эрону Турон назмул-жавоҳири” баёзига тартиб берди. Шунингдек, у “Амир Темур”, “Жалолиддин жасорати” шеърӣ романлари, “Шоҳнома” эпосеяси, “Аҳмад Фарғонӣ”, “Замахшарӣнома”, “Маънавият гултожи” ва бошқа китоблар муаллифидир.

Олимжон Бўриев бир қанча асар ва ҳадисларга мурожаат қилиб, Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ҳақларида юзлаб шеърлар ёзди. Бу ижодӣ жараён Қуръон маъноларини ўзбек тилига шеърӣ усулда таржима қилишга замин ҳозирлади. Натижада, “Саодатнома” номли асар дунёга келди². Бу асар атоқли олим академик Азиз Қаюмовнинг юк-



сак баҳосига сазовор бўлди. Китобхонлар томонидан илиқ қабул қилинди.

Шоир ва таржимон Олимжон Бўриевнинг динӣ-маърифӣ йўналишдаги бой ижодӣ тажрибаси унинг пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ҳаётлари тарихига мурожаат қилишига асос бўлди.

О. Бўриев “Сарвари олам Ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаётлари тарихи” номли эпосея ёзди ва у 2023 йилда “Zilol buloq” нашриётида чоп этилди³.

Асарда ишончли манбалардан унумли фойдаланган ҳолда пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг ота-боболари, болаликлари, ёшликлари, камолот давлари, уйланишлари, рисолат келгани, мушриклар билан муросалари ва динга даъватлари, Мадинага ҳижратлари, кўрган азиятлари ҳамда шодликлари, олий инсонӣ фазилатлари меҳр ва муҳаббат билан назмӣ ифода этилган.

Бу асар халқимизни, айниқса, ёш авлодни юксак маънавият руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшади, деган умиддаман.

² Қаранг: Бўриев О. Икки аср ижоди. Қулӣёт. – Т.: “Tafakkur qanoti”, 2018.

³ Бўриев О. Сарвари олам Ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаётлари тарихи / Масъул муҳаррир академик Акмал Саидов. Тақризчилар: Шайх Абдулазиз Мансур, профессор Убайдулла Уватов. – Т.: “Zilol buloq”, 2023.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТЎРТИНЧИ МИЛЛИЙ МАЪРУЗАСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Женевада бўлиб ўтган БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши Универсал даврий шарҳ бўйича ишчи гуруҳининг 44-сессиясида Ўзбекистоннинг тўртинчи миллий маърузаси кўриб чиқилди. Йиғилишда Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ директори Акмал Саидов бошчилигидаги делегация вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг Универсал даврий шарҳ бўйича ишчи гуруҳи томонидан 6 ноябрдан – 17 ноябрга қадар ўтказиладиган сессияда миллий маърузалари кўриб чиқиладиган 14 давлатдан бири ҳисобланади. Мамлакатнинг Универсал даврий шарҳ бўйича биринчи, иккинчи ва учинчи миллий маърузалари 2008 йилнинг декабрь, 2013 йилнинг апрель ва 2018 йилнинг май ойларида кўриб чиқилган.

Сессияда қайд этилишича, Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларини бажариш борасида, хусусан, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш, болалар ҳамда аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қийноқларга қарши курашиш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг бошқа йўналишларида самарали чоралар кўрмоқда.

Ўзбекистоннинг миллий маърузаси юзасидан 84 та давлат вакиллари сўзга чиқди. Деярли барча делегациялар вакиллари Ўзбекистон томонидан Универсал даврий шарҳ бўйича 2013 ва 2018 йилларда бўлиб ўтган муҳокамалар даврида берилган тавсияларни изчил бажариш, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши билан очиқ ва конструктив мулоқотни ривожлантириш бўйича қўйилган амалий қадамларни ижобий баҳолашди.

Бир қатор давлатлар Ўзбекистонда инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлашга қаратилган конституциявий ислохот ўтказилганини олқишлашди.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси ва “Ўзбекистон – 2030” стратегияси мисолида мамлакатнинг инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва таъминлашга ҳамда бу соҳадаги халқаро мажбуриятларни бажаришга содиқлиги яққол намоён бўлаётгани алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ихтисослашган БМТ тузилмалари билан ҳамкорликни ривожлантириш ва кенгайтириш борасидаги саъй-ҳаракатлари ҳам эътироф этилди.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ГЕРМАНИЯ: АМАЛИЙ МУЛОҚОТЛАР, САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК*

Фридрих Эберт номидаги жамғарманинг таклифига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази директори Акмал Саидов бошчилигидаги мамлакатимиз

делегацияси жорий йилнинг 15 – 18 ноябрь кунлари расмий ташриф билан Германия Федератив Республикасида бўлди.

Ташриф доирасида Германиянинг 20 га яқин юқори мартабали давлат мулозимлари, парламент аъзолари, инсон ҳуқуқлари соҳасида фаолият

* <http://insonhuquqlari.uz/uz/news/m11812>.

олиб бораётган етакчи ташкилотлар раҳбарлари, шунингдек, илмий доира вакиллари билан очик ҳамда конструктив мулоқотлар ўтказилди.

Хусусан, мамлакатимиз делегацияси 15 ноябрь куни Фридрих Эберт номидаги жамғарманинг Шаркий Европа ва Марказий Осиё бўлими бошлиғи Кристин Линке, ушбу жамғарманинг Марказий Осиё бўйича маслаҳатчиси Шарлотта Диетрих билан учрашди. Музокараларда 2017 – 2023 йилларда Янги Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари соҳасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилгани, 2023 йил 11 сентябрда қабул қилинган “Ўзбекистон – 2030” стратегияси БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига ҳамоҳанг экани таъкидланди. Ўзаро конструктив муносабатларни ривожлантириш мақсадида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази ҳамда Фридрих Эберт номидаги жамғарма ўртасида 2024 йилга мўлжалланган Ҳамкорлик меморандумини тузиш таклиф этилди.

16 ноябрь куни Инсон ҳуқуқлари бўйича Германия институти директори, профессор Бейт Рудольф, 37 йил Германия Бундестагида депутат бўлган собиқ федерал адлия вазири Херта Дойблер-Гмелин, Халқаро ҳамкорлик бўйича Германия жамиятининг Ўзбекистон бўйича катта менежери Нина Либих билан музокаралар ўтказилди. Унда мамлакатимиздаги конституциявий ислохотлар, хусусан, 2023 йил 30 апрелда референдум асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституциясига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг мазмунини ҳамда аҳамияти, янги таҳрирдаги Конституция қабул қилинишида умумхалқ муҳокамасидан, фуқароларимизнинг таклиф ва тавсияларидан кенг фойдаланилгани, ушбу жараёни ташкил этишда амалга оширилган чора-тадбирлар, шу жумладан аҳолининг кўпроқ қисмини қамраб олиш мақсадида рақамли технологиялардан кенг фойдаланилгани ҳақида батафсил маълумот берилди ва бу германиялик экспертларда катта қизиқиш уйғотди.

Жумладан, собиқ федерал адлия вазири, халқаро эксперт Херта Дойблер-Гмелиннинг таъкидлашича: “Ўзбекистоннинг янги таҳрирдаги Конституцияни қабул қилиш тажрибасини жаҳон миқёсида оммалаштириш керак. Бу янги тажриба Германия учун ҳам қизиқарлидир”.

Шу куни мамлакатимиз делегацияси Германия Бундестагида парламент аъзоси Андреас Ларем,

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш федерал вазирлигининг парламент штат котиби Нильс Аннен билан ҳам учрашув ўтказди. Унда Ўзбекистоннинг Германиядаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Дилшод Ахатов ҳам иштирок этди.

Музокараларда мамлакатимизда халқ муҳокамаси асосида янги таҳрирдаги Конституциянинг қабул қилингани, конституциявий ислохотларнинг мантикий давоми сифатида миллий қонунчилигимизни ислох этиш, шу жумладан мамлакатимиздаги кодексларни ҳам янги таҳрирда қабул қилиш жараёни давом этаётгани таъкидланди. Ўзбекистондаги парламент ислохотлари, жумладан келгуси йилда ўтказиладиган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига сайловларда аралаш сайлов тизимидан, яъни ҳам можаритар, ҳам пропорционал сайлов тизимидан фойдаланиш муҳокама қилинаётгани, бу борада илғор хорижий давлатлар қаторида Германия парламенти тажрибасини ўрганиш кўзда тутилгани айтиб ўтилди.

Германия парламенти аъзолари томонидан Олий Мажлисида “электрон парламент” тизими жорий этилгани, парламент мажлислари You Tube платформасида мунтазам намойиш қилиниши ижобий баҳоланди. Мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилган инсонпарвар ва демократик ислохотлар ҳақида самимий фикрлар билдирилди. Жумладан, Бундестаг депутати Андреас Ларем куйидагиларни эътироф этди: “Мамлакатингизда ўтказилган референдумни ижобий баҳолайман ва “Ўзбекистон – 2030” стратегияси ишлаб чиқилгани билан самимий қутлайман. Шахсан ўзим мамлакатингизга икки мартаба таъриф буюриб, сўнгги йиллардаги ўзгаришларни кўрдим. Ўзбекистонда инсон капитали, табиий ресурслар, савдо-сотиқ ва бошқа соҳаларда жуда катта салоҳият бор. Ўзбекистон – Марказий Осиё минтақасида муҳим ва марказий роль ўйнаши мумкин бўлган давлат.

Таққослаб кўринг, Европа Иттифоқи доирасида Германия ҳудуди бўйича энг катта мамлакат эмас, аммо энг муҳим мамлакат. Марказий Осиёда Қозоғистон ҳудуди бўйича каттароқ, лекин ривожланиш нуқтаи назаридан Ўзбекистон муҳимроқ давлатга айланиши мумкин.

Фикримча, Ўзбекистон ҳозирги ривожланиш йўлидан давом этса, демократик танловга асосланган янги механизмларни жорий этишда давом этса, Марказий Осиёда ўрнатилган бўлиши мумкин бўлган давлатга айлана олади”.

Германия парламенти аъзолари билан юқори даражадаги учрашувлар 17 ноябрь куни ҳам давом этди. Шу куни Германия Бундестаги директори Майкл Шафер, Бундестагнинг Халқаро алмашинув дастурлари бўлими бошлиғи Беттина Гизеке, Парламентлараро ҳамкорлик дастурлари координатори Ян Фальбуш, Германия социал-демократик партиясининг ташқи ишлар бўйича Спикери Нильс Шмид билан конструктив музокаралар ўтказилди.

Музокараларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг савб-ҳаракатлари, давлатимизнинг оқилона ҳамда прагматик ташқи сиёсати натижасида Марказий Осиё минтақаси интеграциялашиб бораётгани, минтақада мавжуд муаммолар, шу жумладан чегара, сув ҳамда ижтимоий масалалар билан боғлиқ кўплаб муаммолар ҳал этилгани эътироф этилди.

Бундестаг аъзолари мамлакатимизда олиб борилаётган конституциявий ва миллий қонунчиликдаги, парламент ва сайлов тизимидаги ислохотларни юксак баҳолашди.

Ўзбекистонда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, сўз ва ахборот эркинлиги, ОАВлар ҳамда ННТлар фаолиятининг мустақиллиги, виждон эркинлигини таъминлаш, ҳуқуқ-тартибот органларида зўравонлик ва қийноқларнинг ҳар қандай шаклларига йўл қўймаслик борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилганини эътироф этишди.

Жумладан, Германия социал-демократик партиясининг ташқи ишлар бўйича Спикери Нильс Шмиднинг фикрлари диққатга сазовор: *“Ўзбекистондаги ўзгаришларни катта қизиқиш билан кузатиб бораётман. Таассуротим шундайки, мамлакатингиз, биринчи навбатда, урғуни барқарорлик парадигмасига қаратмоқда. Давлат органларининг фаолиятида очиқлик ва шаффофлик ортиб бораётганини кузатяпмиз.*

Бизда Ўзбекистон билан алоқаларимизни чуқурлаштиришга катта қизиқиш бор. Айниқса, парламентларимиз миқёсида. Шунингдек, нафақат давлат раҳбарлари ва ташқи ишлар вазир-

лари доирасида, балки тегишли соҳа вазирлари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ҳам аниқ лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ўзаро учрашишлари зарур”.

Ўзбекистон Германия парламенти ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан конструктив мулоқот ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликни давом эттиришга доим тайёр экани таъкидланди.

Шунингдек, 2024 йилда Германия делегациясининг Ўзбекистонга расмий ташрифи доирасида “Замонавий конституционализм: Ўзбекистон ва Германия тажрибаси” мавзусида халқаро форум ўтказиш таклиф этилди.

17 ноябрь куни Human Rights Watch ташкилотининг Европа ва Марказий Осиё бўйича директори Хью Уильямсон, Германия ташқи алоқалар кенгашининг Шарқий Европа, Россия ва Марказий Осиёда тартиб ва бошқарув маркази раҳбари Стефан Мейстер билан ҳам музокаралар ўтказилди.

Ташрифнинг сўнгги кунида мамлакатимиз делегацияси Германия социал-демократик партиясининг ташқи ишлар бўйича Спикери, парламент аъзоси Нильс Шмид ҳамда Фридрих Эберт номидаги жамғарма масъуллари ҳамроҳлигида Берлиндаги Жеймс Симон галереясида ташкил этилган “Ўзбекистоннинг археологик хазиналари – Буюк Александрдан Кушон империясигача” номли кўргазма билан танишди. Мамлакатимизнинг бой ва қадимий тарихидан гувоҳлик берувчи ушбу кўргазма барчада катта таассурот қолдирди. Уни ҳозирга қадар 200 мингдан зиёд ташриф буюрувчилар томоша қилгани эса юртимиз тарихига халқаро миқёсда қизиқиш юқори эканининг яна бир далилидир.

Ташриф доирасида Ўзбекистонда ва Германияда ўтказиладиган ҳуқуқий мавзулардаги конференция ҳамда форумларда икки давлат экспертларининг иштирокини таъминлаш, инсон ҳуқуқларига оид немис тилидаги китобларни ўзбек тилига, ўзбек тилидаги нашрларни немис тилига таржима қилиш ва оммалаштириш бўйича ҳам келишувларга эришилди.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИГА ОИД МУҲИМ ҚЎЛЛАНМА ЎЗБЕК ТИЛИДА НАШР ЭТИЛДИ

19 сентябрь куни Тошкент шаҳрида ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси томонидан тайёрланган “Озодликдан маҳрум этиш жойларида жинсий ва гендерга асосланган зўравонликнинг олдини олиш ҳамда унга қарши курашиш” номли қўлланманинг ўзбек тилидаги нашри тақдими бўлиб ўтди. Тадбир Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази билан ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси идораси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тақдимотда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази директори Акмал Саидов сўзга чиқиб, шафқатсиз муомала ва қийноқларни тақиқлаш инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномаларда ҳам, бутун дунё давлатларининг миллий қонунчилигида ҳам эътироф этилган асосий ҳуқуқ эканини таъкидлади. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси талабига кўра, ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон қадрини камситувчи муомалага ёхуд жазога дучор этилиши мумкин эмас.

Янги Ўзбекистонда бу борада комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш учун қонунчилик ва институционал, таълим ва мониторинг асослари яратилган. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг халқаро ва минтақавий механизмлари, халқаро инсон ҳуқуқлари ташкилотлари билан ҳамкорликни ривожлантириш борасида тизимли ва изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Йиллар давомида ижтимоий соҳада, оилаларнинг моддий аҳволида тўпланиб қолган муаммолар оила аъзолари ўртасидаги муносабатларга салбий таъсир кўрсатиб, айрим ҳолларда оилавий ажримларга, аёллар ҳуқуқларининг бузилишига олиб келиши сир эмас. Шу маънода, мамлакатимизда кейинги йилларда хотин-қизларнинг муаммоларини ҳал этиш, уларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбек тилида нашр этилган ушбу қўлланманинг мақсади тегишли давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари мутахассисларининг озодликдан маҳрум этиш жойларида жинсий ва гендерга асосланган зўравонликнинг олдини олиш ҳамда унга қарши курашиш борасидаги малака ҳамда кўникмаларини оширишга қўмаклашишдан иборат. ЕХХТ минтақасидаги стандартлар, ёндашувлар ва амалий мисолларни ўзида жамлаган янги нашр, биринчи навбатда, қонун чиқарувчи ва суд тизимидаги амалиётчилар, жумладан, адвокат, прокурор ва судьялар, шунингдек тергов, сўроқ қилиш ва ҳибсда сақлашда иштирок этадиган барча ходимлар учун мўлжалланган.

Тақдимотда миллий экспертлар тадбир қатнашчиларини Ўзбекистоннинг озодликдан маҳрум қилиш жойларида гендер зўравонликнинг олдини олиш бўйича амалдаги миллий стандартлари билан таништирдилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бошқармаси, Ички ишлар вазирлиги академияси, Миллий гвардия, Жамоат хавфсизлиги университети, Бош прокуратура, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари академияси ходимлари, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари иштирок этди.

ФУҚАРОЛИК ВА ФУҚАРОЛИККА ЭГА ЭМАСЛИК БЎЙИЧА ЯНГИ НАШР ТАҚДИМОТИ

19 сентябрь куни Тошкент шаҳрида Фуқароликка эга эмаслик масалалари бўйича таҳлилий маъруза ва Парламентлараро Иттифоқ ҳамда БМТ Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг парламент аъзоларига мўлжалланган фуқаролик ва фуқароликка эга эмаслик масалаларига оид йўриқномаси ўзбек тилидаги нашрининг тақдими бўлди.

Тадбир Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази билан БМТ Қочоқлар ишлари бўйича олий комиссари бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тақдиротда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати аъзолари, Ташқи ишлар, Ички ишлар ва Адлия вазирликлари, Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили девони, шунингдек, халқаро ташкилотлар вакиллари ҳамда бошқа ҳамкорлар иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ директори Акмал Саидов, БМТнинг Ўзбекистондаги доимий мувофиқлаштирувчиси Консуэло Видал Брюс, БМТ Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг Марказий Осиё бўйича вакили Ханс Фридрих Шоддер сўзга чиқди.

Фуқаролик ва фуқароликка эга эмаслик бўйича парламент аъзоларига мўлжалланган йўриқ-

нома глобал нашр бўлиб, унда фуқароликка эга эмаслик кўламини қисқартиришга тааллуқли амалий қадамлар баён этилган. Нашрда узоқ муддатга чўзилган фуқаросизлик вазиятига мақбул ечим топилганда ҳукуматлар, фуқаролик жамияти ва халқаро ҳамжамиятнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари ҳал қилувчи аҳамият касб этганига оид ҳаётий мисоллар ҳам келтирилган.

Фуқароликка эга эмаслик ҳолатларини тугатиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар Барқарор ривожланиш мақсадлари ва унинг “ҳеч кимни ортда қолдирмаслик” деган асосий тамойилига мос келади. Бинобарин, буларнинг барчаси инсонларнинг интеграцияси ва ҳимоясини таъминлашга қаратилган.

Фуқароликка эга эмаслик ёки муайян шахснинг қайсидир мамлакат фуқароси сифатида тан олинмаслиги вазиятини бутун дунёда миллионлаб инсонлар ўз бошидан кечирмоқда. Фуқароликка эга эмас ва зарур ҳужжатларсиз шахслар асосий ҳуқуқлари, жумладан таълим олиш, расман ишга жойлашиш, тиббий хизмат ёки никоҳини расмийлаштириш ҳуқуқларидан кўпинча фойдалана олмайдилар.

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ 2020 йилдан буён БМТ Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссари бошқармаси билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

ГЕНДЕР ЗЎРАВОНЛИГИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ БЎЙИЧА ЎҚУВ МАШҒУЛОТИ ЎТКАЗИЛДИ

20-21 сентябрь кунлари Тошкент шаҳрида “Озодликдан маҳрум этиш жойларида жинсий ва гендерга асосланган зўравонликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш” мавзусида ўқув машғулоти ўтказилди. Ушбу тадбир Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Жазони ижро этиш департаменти томонидан ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ДИИХБ), шунингдек, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси идораси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Ўқув машғулотларининг очилишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ директори А. Саидов, Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси Т. Клиннер, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси вазифасини бажарувчи С. Сизов, ЕХХТ/ДИИХБ Инсон ҳуқуқлари бўйича бўлими раҳбари А. Хубер, ЕХХТ/ДИИХБ инсон ҳуқуқлари бўйича мутахассиси И. Хартман, Олий Мажлис Сенати Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси аъзоси Г. Маруфова, Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш департаменти бошқарма бошлиғи Ж. Султонов сўзга чиқди.

Тадбирда Янги Ўзбекистонда қийноқлар ва зўравонликларнинг олдини олиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб, инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини назорат қилиш тизими шакллантирил-

гани таъкидланди. Инсон қадрини улуғлаш, унинг ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш, инсонга нисбатан ҳар қандай зўравонликка барҳам бериш мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар ғоясининг асоси ҳисобланади.

Айниқса, хотин-қизлар ва эркаклар ҳуқуқларининг тенглиги ҳамда инсон ҳуқуқларига амал қилиниши – тинчлик, барқарор демократия, тараққиёт ва том маънодаги хавфсизлик, шунингдек, минтақада осойишталикка эришишнинг мутлақ гарови экани тадбир иштирокчилари томонидан эътироф этилди. Мамлакатимизда жорий йилнинг 11 апрелида қабул қилинган “Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун бу борада муҳим аҳамиятга эга.

Икки кунлик ўқув машғулотлари давомида иштирокчиларга Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар, бу борадаги халқаро стандартлар, гендер тенглик тушунчаси, жазони ижро этиш муассасаларида қийноқларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Семинар якунида озодликдан маҳрум этиш жойларида жинсий ва гендерга асосланган зўравонликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида ўзаро ҳамкорлик истиқболлари ҳамда имкониятлари муҳокама қилинди.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ЎҚУВ КУРСИ

27-28 сентябрь кунлари Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ҳамкорлигида “Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсати ва мазкур соҳада халқаро мажбуриятларнинг бажарилиши масалалари” мавзусида ўқув курси ўтказилди. Машғулотлар давлат ташкилотларида жамоатчилик билан алоқалар ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳамкорлик учун масъул ходимлар ҳамда матбуот котиблари учун ташкил этилди.

Ўқув курси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 7 февралдаги қарори билан тасдиқланган Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий таълим дастури доирасида бўлиб ўтди ва Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 75 йиллигига бағишланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази директори Акмал Саидов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори Асаджон

Хўжаев, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қўмита раиси Дилором Файзиева, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) Феруза Эшматова, шунингдек, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ ходимлари ва экспертлари, профессор-ўқитувчилар иштирок этди.

Тингловчилар учун “Инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятлари”, “Инсон ҳуқуқларини таъминлашда Парламентнинг роли”, “Инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишда оммавий ахборот воситаларининг роли”, “Аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари: халқаро ва миллий механизмлар”, “Ўзбекистонда бола ҳуқуқларини таъминлаш – давлат сиёсатининг муҳим йўналиши”, “Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда Омбудсман институти вазифалари”, “Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий таълим дастурининг бажарилиши тўғрисида”, “Ўзбекистонда ногиронлар ҳуқуқларининг таъминланиши масалалари” каби мавзуларда маърузалар тақдим этилди.

Ўқув курсида турли вазирлик, идора ва ташкилотлар, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг ходимлари қатнашди.



DEMOCRATIZATION AND HUMAN RIGHTS

Doi Journal 10.34920/p1696-2206-6326-y

SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL JOURNAL

4 (100) – 2023

Chair of the Editorial Board:

Akmal SAIDOV

Editor-in-chief:

Erkin ERNAZAROV

International Editorial Board:

Tanzila NARBAEVA

(Uzbekistan)

Kudratilla RAFIKOV

(Uzbekistan)

Aslan ABASHIDZE

(Russian Federation)

Yoh MATSUO

(Japan)

William BUTLER

(USA)

Tadeusz BODIO

(Republic of Poland)

Rein MÜLLERSON

(Republic of Estonia)

Tatiana MOSKALKOVA

(Russian Federation)

Sergey UDARTSEV

(Kazakhstan)

Taliya XABRIYEVA

(Russian Federation)

Editorial Board:

Mirzatillo TILLABAEV – Doctor of Law, Professor.

Halim BOBOEV – Doctor of Law, Professor, Honored Scientist of the Republic of Uzbekistan.

Omon AKYULOV – Doctor of Law, Professor, Honored Lawyer of Uzbekistan.

Askar GAFUROV – Doctor of Law, Associate Professor.

Muzaffar MAMASIDDIKOV – Doctor of Law, Professor.

Yelizaveta KUTIBAYEVA – Doctor of Law, Professor.

Murodjon TURGUNOV – Doctor of Law.

Deputy Editor-in-chief:

Azizbek RAMAZONOV

Executive Secretary:

Azamat JUMANIYAZOV

© "DEMOCRATIZATION
AND HUMAN RIGHTS" 4 (100) – 2023

FROM THE EDITORIAL BOARD

Ensuring human rights and freedoms is the highest goal 77

31ST ANNIVERSARY OF THE CONSTITUTION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Mirzatillo Tillabaev. Human Rights Protection in New Uzbekistan 79

75TH ANNIVERSARY OF THE UNIVERSAL DECLARATION OF HUMAN RIGHTS

“Youth Rights: Opportunities and Protection Mechanisms” 83

Volker Türk. Supporting Young People to Carry Forward
our Human Rights Principles 85

Robiya Arslonova. The Future of Human Rights:
Rejuvenating the Universal Declaration of Human Rights
Through Human Rights 75 Pledges 86

SOCIETY AND LAW

Sherzod Rakhimov. The Importance of Electronic Democracy
in Reforms in our Society 93

Tura Norboev. Conceptual and Methodological Foundations
of Science and Strategy and its Practical Implications in the
Implementation of the Construction of New Uzbekistan 97

Erpolat Ganiev. The Role and Place of a Payment Service
as an Object of Civil Law Regulation of Settlements 100

INTERNATIONAL LAW AND THE EXPERIENCE OF UZBEKISTAN

Nodir Sultonov. Human Migration:
International and National Legislation 106

Afzal Makhamadaminov. The Importance of Protecting
Education from Attacks: an Overview on the World System
and Initiatives of Uzbekistan 109

CONFERENCES. SEMINARS. PRESENTATIONS 116

FOUNDER:



NATIONAL CENTRE
OF THE REPUBLIC
OF UZBEKISTAN FOR
HUMAN RIGHTS

CO-FOUNDERS:



FEDERATION
OF TRADE UNIONS
OF UZBEKISTAN



OMBUDSMAN
OF THE REPUBLIC
OF UZBEKISTAN

FROM THE EDITORIAL BOARD

ENSURING HUMAN RIGHTS AND FREEDOMS IS THE HIGHEST GOAL

Large-scale reforms carried out in New Uzbekistan are aimed at ensuring human rights and freedoms. This is clearly reflected in the new edition of the Constitution of the Republic of Uzbekistan. The President of the Republic of Uzbekistan, Sh. Mirziyoyev, noted: “Millions of our citizens actively participated in the national discussion of the draft Constitution, which was held throughout the period before its adoption. Therefore, we have every reason to assert that the real author of the updated Constitution is our people. The most important thing is that now we will never turn away from the path of reform, we will move forward and only forward on the basis of the new system “man - society - state”¹.

According to the Basic Law, the form of government of our state is a republic, and public life in Uzbekistan which develops on the basis of a diversity of political institutions, ideologies and ideas. At the same time, not a single ideology is accepted as a state ideology.

The updated Constitution is based on completely new mechanisms for strengthening human rights and freedoms. Its preamble enshrines national and universal values, the principles of state sovereignty, loyalty to the ideals of democracy, freedom and equality, social justice and solidarity, the construction of a humane democratic state, an open and fair society in which the highest value is a person, his life, freedom, honor and dignity².

In the Basic Law, the principle of “state - society - person” is changed to the principle of “person - society - state”, which means the interests of the person above all else. In general, the constitutional norms

of human rights have been increased threefold in the amount over 50 articles. The rights to freedom of the press, speech, conscience and belief are expanded, and it is emphasized that the state protects these values and is their guarantor.

The new Constitution guarantees the equality of all citizens before the law without distinction of gender, race, nationality, language, religion, social origin, beliefs, personal or social status. At the same time, human dignity, his fundamental rights and freedoms are inviolable, inalienable and belong to everyone from birth. Such internationally recognized institutions of jurisprudence as the “Miranda Rule”, “Habeas Corpus”, and free legal assistance have also been established.

National human rights institutions complement existing forms and means of protecting human rights and freedoms, promote the development of civil society and enhance the culture of human rights. The state creates conditions for organizing the activities of national human rights institutions.

The new chapter of the Constitution of Uzbekistan “Family, children and youth” guarantees the protection of personal, political, economic rights of young people, as well as provides them with equal opportunities for development and self-realization. A separate article guarantees the right of talented youth to receive higher education at the expense of the state.

Human rights education is of particular importance in promoting universal respect for human rights in every citizen and in ensuring their observance. Uzbekistan is implementing the fourth phase of the World Program for Human Rights Education for 2020 – 2024, aimed at empowering youth through human

¹ Measures to implement the updated Constitution were discussed // <https://president.uz/ru/lists/view/6275>.

² Constitution of the Republic of Uzbekistan // National Legislation Database, 01.05.2023., № 03/23/837/0241.

rights education. In this regard, measures are being taken to further improve human rights education, ensure the implementation of the National Strategy of the Republic of Uzbekistan on Human Rights, as well as the effective and timely implementation of the tasks identified at the fourth stage of the World Program for Human Rights Education.

Starting from the 2023/2024 academic year, educational and special courses “Human Rights”, “Women’s Rights”, “Child’s Rights” are being introduced in the system of vocational and higher education. Training courses are being opened on the rights of persons with disabilities, women, children and migrants. A series of manuals and brochures on human rights are published on an ongoing basis, and an Electronic Platform for Human Rights Education has been launched.

Uzbekistan began active participation in the international campaign to celebrate the 75th anniversary of the adoption of the Universal Declaration of Human Rights. As part of the national program for the widespread celebration of the 75th anniversary of the adoption of the Universal Declaration of Human Rights, events have been organized aimed at strengthening the rights of young people and increasing their awareness of universal human rights, as well as the active involvement of the younger generation in mas-

tering and understanding the fundamental values of freedom, equality and justice.

Thus, in October 2023, in Tashkent, together with the Office of the UN High Commissioner for Human Rights, an international forum “Youth Rights: Opportunities and Protection Mechanisms” was held with the participation of youth from Central Asian countries. As a result, the Central Asian Declaration was adopted, which will be presented at a high-level event within the framework of the Human Rights 75 initiative in Geneva in December 2023.

The program of events dedicated to the 75th anniversary of the adoption of the Universal Declaration of Human Rights has been approved. The most important task of government organizations and institutions, public associations, and the media is to actively participate in events dedicated to this date³. From 2023, annually from December 1 to 10, the Decade of Human Rights and a national lesson will be held in all institutions of general secondary, secondary special, vocational and higher education in the country, dedicated to the adoption of the Universal Declaration of Human Rights. For these purposes, close interaction is carried out with international organizations, primarily with UN agencies, to actively participate in these international events.



³ Decree of the President of the Republic of Uzbekistan “On the wide celebration of the 75th anniversary of the adoption of the Universal Declaration of Human Rights” // National database of legislation, 13.05.2023., № 06/23/70/0275.

HUMAN RIGHTS PROTECTION IN NEW UZBEKISTAN

Doi: 10.34920/ DHR.2023.3.036



Mirzatillo TILLABAEV,
First deputy director, the National
Human Rights Center, professor

Abstract. The article analyzes the issues of observance and protection of human rights, reforms carried out in Uzbekistan in the field of improving legislation and law enforcement practice. In addition, issues of implementation of the Universal Declaration of Human Rights, in particular, human rights education, are highlighted.

Keywords: Constitution, Universal Declaration of Human Rights, United Nations, Human Rights, Human Rights Council, Human rights education.

Аннотация. Мақолада инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга риоя этиш масалалари, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларига оид қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган ислохотлар таҳлил қилинган. Шунингдек, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини амалга ошириш масалалари, хусусан, инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: Конституция, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, БМТ, инсон ҳуқуқлари, Инсон ҳуқуқлари кенгаши, инсон ҳуқуқлари таълими.

Аннотация. В статье анализируются вопросы соблюдения и защиты прав человека, осуществляемые в Узбекистане реформы в сфере совершенствования законодательства и правоприменительной практики. Освещены вопросы реализации Всеобщей декларации прав человека, в частности – по вопросам образования в области прав человека.

Ключевые слова: Конституция, Всеобщая декларация прав человека, ООН, права человека, Совет по правам человека, образование в области прав человека.

This year, the international community commemorates two significant milestones: the 75th anniversary of the adoption of the Universal Declaration of Human Rights and the 30th anniversary of the Vienna Declaration and Programme of Action on Human Rights¹. The remarkable history of the Universal Declaration has effectively demonstrated the universal value of human rights. These rights are indispensable for the attainment of peace, security, and sustainable development.

Uzbekistan supports the **UN Call to Action for Human Rights**². The importance of human rights is at the forefront of the continuous efforts to modernize the political, legal, and socio-economic aspects as outlined in the **Uzbekistan 2030 Strategy**³. This Strategy aligns with the **UN Sustainable Development Goals 2030**, and is committed to upholding the principle of “**Leaving no one behind**”.

¹ Resolution adopted by the Human Rights Council on 3 April 2023, 52/19. Commemoration of the seventy-fifth anniversary of the Universal Declaration of Human Rights and the thirtieth anniversary of the Vienna Declaration and Programme of Action // <https://digitallibrary.un.org>.

² The Highest Aspiration. A Call to Action for Human Rights, 2020. // <https://www.un.org/en/content/action-for-human-rights/index.shtml>.

³ The Decree of the President of Uzbekistan dated September 11, 2023, “On the “Uzbekistan-2030” Strategy”.

Over recent years, under the guiding principle of “**Upholding the Honor and Dignity of Man**”, extensive efforts have been undertaken in the nation to implement the National Strategy for Human Rights. This includes the integration of international human rights and freedoms standards into national laws and the incorporation of these standards into the activities of government agencies. Uzbekistan has actively demonstrated its commitment to these ideals by actively participating in the United Nations Human Rights Council as a Member, fostering close collaboration with the UN High Commissioner for Human Rights, as well as engaging with Special Rapporteurs addressing human rights matters. Spearheaded by Uzbekistan, the UN Human Rights Council adopted three Resolutions focusing on the rights of youth and children. Moreover, in conjunction with international partners, four international forums focusing on youth rights have been organized.

On June 22, 2020, the President of Uzbekistan approved the **National Human Rights Strategy**⁴. The development of the National Strategy drew on the experience of more than 40 countries, and national and international consultations were conducted with the participation of leading experts from the UN Human Rights Council, OSCE/ODIHR, UNDP, Nagoya University (Japan), and others.

According to the President's Decree, the main directions of activity for state bodies and organizations of the Republic of Uzbekistan responsible for implementing international human rights treaty norms are defined as follows:

First, ensuring the unconditional implementation of national action plans ("roadmaps") aimed at implementing recommendations from international organizations on human rights protection;

Second, identifying, analyzing, and addressing the reasons and conditions that hinder the implementation of recommendations from UN treaty bodies and committees by developing and implementing measures to improve legislation and legal practice;

Third, effectively collaborating with civil society institutions in implementing Uzbekistan's international human rights obligations.

To implement the National Human Rights Strategy of the Republic of Uzbekistan, the “Roadmap” has been approved, outlining 78 activities across five directions. Additionally, the Regulation on the procedure for interaction among state bodies of the Republic of Uzbekistan

in considering communications and decisions of UN treaty bodies and committees on human rights has been adopted.

In April 30, 2023, Uzbekistan conducted its first constitutional referendum, with a primary emphasis on protecting human rights, interests, and upholding human dignity. The revised Constitution delineates Uzbekistan's core values as a sovereign, legal, secular, democratic, and social state⁵.

The constitutional provisions relating to human rights have expanded significantly, now comprising over **50 articles**, more than **tripling** their previous quantity. The Constitution reaffirms the nation's dedication to fundamental principles such as human rights, freedom of speech and conscience, and the equal treatment of all citizens, regardless of their nationality, language, or religion. Moreover, Uzbekistan's new Constitution incorporates well-established international legal doctrines, including the **Miranda Rules, Habeas Corpus, and Pro bono**, ensuring access to free legal aid.

Uzbekistan has formally prohibited the use of the death penalty in its new Constitution, as stated in Article 25, which explicitly declares “**the death penalty shall be prohibited**”. This aligns with the principles outlined in the Second Optional Protocol to the International Covenant on Civil and Political Rights. Uzbekistan actively supports the global and regional efforts to eliminate the death penalty, including its active engagement at the UN Human Rights Council.

The constitutional amendments are directly actionable norms, primarily focused on ensuring the protection and fulfillment of the specific rights and interests of citizens from diverse social backgrounds, encompassing personal, social, economic, political, cultural, and environmental aspects.

The new Constitution ensures the right to address both national and international human rights bodies. This is the first time in the OSCE region that the standing of **national human rights institutions** has been constitutionally recognized.

Over the years of independence, Uzbekistan has developed a system of governmental bodies dedicated to human rights protection. Alongside the judiciary and law enforcement authorities, a structure of national human rights institutions has been put in place. The system of national human rights institutions includes:

- Commissioner of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan for Human Rights (Ombudsman);

⁴ Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated June 22, 2020 No. 6012 “On approval of the National Strategy of the Republic of Uzbekistan on Human Rights” // National Legislation Database, 06/23/2020, No. 06/20/6012/0953.

⁵ The Constitution of the Republic of Uzbekistan // <https://lex.uz/docs/6451070>.

- Commissioner of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan for children's rights (Children's Ombudsman);

- Commissioner for the Protection of the Rights of Entrepreneurs under the President of the Republic of Uzbekistan;

- National Center of the Republic of Uzbekistan for Human Rights.

The **constitutional complaints institution** is embedded within the Constitution, meaning citizens have the right to approach the Constitutional Court. The Short-term **Strategy for the elevation of the judicial system from 2023 to 2026** has been outlined, alongside the Action Plan. The Plan includes broadening the scope of the Habeas Corpus doctrine, introducing the role of an investigative judge, adopting the self-governance principle for judges, and amplifying the significance of the bodies of the judicial community.

Torture and other types of violence are prohibited at the constitutional level. Article 26 of the New Edition of the Constitution of the Republic of Uzbekistan establishes a prohibition of torture, violence, and other cruel, inhuman or degrading treatment or punishment. The state uses institutional and legal mechanisms to strengthen guarantees of human rights in this regard. Additionally, the Nelson Mandela Rules have been incorporated into both legislation and practical implementation.

In accordance with recommendations of United Nations statutory bodies and treaty committees, the **National Preventive Mechanism** was established, following the "Ombudsman Plus" model. The roles of the Children's Ombudsman, the National Center for Human Rights, and the Business Ombudsman have been expanded to encompass oversight of penitentiary institutions. Furthermore, amendments to the Civil Code have been enacted to outline procedures for compensating victims of torture. This step aims to facilitate the provision of social, legal, psychological, and medical assistance to individuals who have suffered from torture.

The implementation of international human rights standards, especially the protection of the rights of women, children, youth and persons with disabilities, as well as the principles of social justice, have been given constitutional status. The Constitution of Uzbekistan in the new chapter "**Family, children and youth**" guarantees the protection of civil, political, economic rights of young people, as well as provides them with equal opportunities for development and self-realization. Moreover, a separate article within the constitution guarantees that talented youth have the right to receive higher education funded by the state.

Since 2019, Uzbekistan has carried out five humanitarian missions under the "**Mehr**" (Benevolence) programme aimed at bringing back its citizens from areas affected by armed conflicts. These operations have resulted in the repatriation of 531 individuals, primarily consisting of women and children, who were located in Syria, Iraq, and Afghanistan. The government has implemented a range of extensive measures to support the rehabilitation and reintegration of these returnees into society. These measures include efforts to prevent social stigma, provide access to education, social programs, and employment opportunities, and enhance their living conditions.

In June 2023, the international community, gathered at the UN headquarters, had the opportunity to listen directly to the experiences of repatriated individuals who, after coming back to Uzbekistan, embarked on a new life. Uzbekistan's approach to repatriating its compatriots, which is in alignment with international law and involves collaboration with global partners, can be considered an exemplary method for repatriation. This approach ensures the welfare of children and the seamless reintegration of women who have returned from conflict areas.

In support of the UN Secretary-General's Global Campaign to End Statelessness **#IBelong**, the Uzbekistan government has taken tangible actions to put this important initiative into practice. Since 2016, more than 80 thousand stateless persons have received Uzbek citizenship.

One of the most important priorities of the state policy of Uzbekistan is the development of a culture of tolerance and humanism, strengthening interethnic, interfaith and civil harmony in society. Article 19 of the Constitution guarantees equal rights and freedoms and equality before the law without distinction of race, nationality, language and religion, as well as other grounds.

The national legal system of Uzbekistan contains serious penalties for violating the equality of citizens. The law ensures that ethnic communities can freely use their languages, sustain and nurture their cultural heritage, customs, and practices. The Republic of Uzbekistan is actively executing its **State Policy Concept concerning Interethnic Relations**, marked by the establishment of events like the "Day of Friendship of Peoples" and the introduction of the "Friendship of Peoples" badge. Additionally, "Houses of Friendship" have been established, housing over 150 national cultural centers free of charge.

In Uzbekistan, television and radio broadcasts are available in 12 different languages, while newspapers and magazines are printed in over 10 distinct languages.

Approximately 20% of secondary schools in the nation offer education in seven languages, including Uzbek, Karakalpak, Russian, Tajik, Turkmen, Kyrgyz, and Kazakh. General, vocational, secondary specialized and higher education is provided in the state language, as well as in other languages.

The government places significant importance on collaborating with business entities concerning human rights issues. Uzbekistan has established a Business Ombudsman, observes an Entrepreneurs' Day, maintains an ongoing dialogue with business representatives, and is in the process of developing a draft Entrepreneurial Code. Furthermore, efforts are underway to implement the National Action Plan "Business and Human Rights".

Uzbekistan continually upholds international standards of human rights in its national laws and their enforcement. The National human rights institutions of the country conduct evaluations on gender, human rights, and anti-corruption when examining legal regulations and their proposed drafts.

